

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

17-сон  
(1193)  
2025 йил  
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

177. «Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-1060-сон Конуни

### *Иккинчи бўлим*

178. «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-68-сон Фармони

179. «2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармони [Кўчирма]

180. «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сон Фармони
181. «Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ-145-сон қарори
182. «Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ-147-сон қарори
183. «Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 апрелдаги ПҚ-149-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

184. «Бўш турган давлат қўчмас мулк обьектларини хатловдан ўтказиш ва улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 апрелдаги 247-сон қарори
185. «Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 апрелдаги 249-сон қарори
186. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарори
187. «Номоддий маданий мерос намуналарини рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 апрелдаги 256-сон қарори
188. «Саноат тармоқларида фаолият юритаётган йирик корхоналар учун сервис хизматларини кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш ва мутахассислар малакасини оширишни қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 апрелдаги 259-сон қарори

*Бешинчи бўйлум*

189. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2025 йил 16 апредаги 30-сон “Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартеришлар киритиш ҳақида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 21 апреда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-4*)
190. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 1-apreldagi 7/6-son “Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2693-13*)
191. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 1-apreldagi 7/5-son “Tijorat banklarining likvidlilagini boshqarishga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi nizomga qo‘srimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2709-7*)
192. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 8-apreldagi 7/4-son “Qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3205-4*)
193. O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining 2025-yil 9-apreldagi 2-mh-son “Umumiy o‘rta ta’lim oluvchilarining yakuniy davlat attestatsiyasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 22-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1778-4*)
194. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 8-apreldagi 7/3-son “Banklarga o‘rnataladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha to‘lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 22-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3618*)
195. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-apreldagi 9/3-son “Kredit byuolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litzenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘srimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3042-5*)

196. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2025 йил 11 апрелдаги 69-сон “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3619*)
197. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-apreldagi 9/1-son “Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3252-5*)
198. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 24 апрелдаги 8-мҳ-сон “Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш бўйича намунавий услубиётни тасдиқлаш тўғрисида”-ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3620*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**177 Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари-ни қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
11 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 марта  
маъқулланган

Кейинги йилларда мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкка нисбатан кредиторлар хукуқларининг устуворлигини таъминлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни аукцион орқали сотиш жараёнларини соддалаштириш, шунингдек гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга амалиётда кредит (ипотека) шартномаси бўйича мажбуриятларни қарздор томонидан ўз вақтида ва (ёки) лозим даражада бажарилишини, кредиторнинг гаров билан таъминланган талаблари қондирилишини, суд тартибда ва суддан ташқари тартибда ундирувни гаров нарсасига қартишни, гаровга олувчининг гаров нарсасига бўлган хукуклари устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ушбу Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига, «Гаров тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун кредиторларнинг гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан хукуклари устуворлигини таъминлашга, гаров нарсасини суддан ташқари тартибда реализация қилиш тизимини такомиллаштиришга, мажбуриятларни гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ундириш жараёнларини соддалаштиришга ва кредит ташкилотларининг кредит портфелидаги муаммоли активлар улушкини камайтиришга хизмат қиласи.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги 736–ХII-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 11, 1062-модда; 2024 йил, № 10, 1079-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **19-модданинг олтинчи қисмидаги «26-моддасининг тўртинчи қисми»** деган сўзлар «26-моддасининг бешинчи қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 26-модда:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бузилиши қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган тақдирда, жуда арзимас деб ҳисобланади:

1) агар гаров билан таъминланган, қарздор томонидан қопланмаган мажбуриятнинг суммаси гаров қийматининг ўн беш фоизидан камроқни ташкил қилас;

2) агар гаров билан таъминланган мажбурият бажарилишининг кечикиши кетма-кет уч ойдан ошмаган бўлса»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча бешинчи ва олтинчи қисмлар деб ҳисоблансан;

3) **27-модда тўртинчи қисмининг 1-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг гаров тўғрисида шартнома тузиш учун розилиги ёхуд рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса, бундан мазкур мол-мулкни гаровга бериш чоғида зарур бўлган розилик ёки рухсат олинган ҳоллар мустасно»;

4) **28-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар мол-мулк бир нечта кредитор олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари мазкур мажбуриятларни қонунда белгиланган навбат бўйича бажаришга йўналтирилади.

Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш, бевосита сотиш, кредитга, лизингга, ижара-га бериш, бўлиб-бўлиб сотиш йўли билан ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархи гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасидаги кесонан белгиланади. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасида мол-мулк нархи бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, мустақил баҳоловчи ташкилот жалб этилади ва гаровнинг дастлабки қиймати бозор қийматидан

келиб чиқиб белгиланади. Бунда баҳолаш билан боғлик барча харажатлар мустақил баҳоловчи ташкилотни жалб қилган тараф томонидан қопланади»;

**5) 29-модда:**

**номининг ўзбекча матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«29-модда. Гаров билан таъминланган мажбуриятни суддан ташқари тартибда қоплаш учун гаровга қўйилган мол-мулкни қабул қилиш»;**

**иккинчи қисмидаги «ўн»** деган сўз «йигирма беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6) 47-модда:**

**учинчи қисмидаги** «ёхуд жиноят ёки бошқа ҳукуқбузарлик содир этганлик учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гаров нарсаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан жиноят ёки бошқа ҳукуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда, гаровга олувчидаги ўз талабларини ушбу мол-мулк ҳисобидан устувор тарзда қаноатлантириш ҳукуқи сақлаб қолинади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаро-лик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгаришилар киритилсин:

1) **279-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бузилиши қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган тақдирда, жуда арзимас деб ҳисобланади:

1) агар гаров билан таъминланган, қарздор томонидан қопланмаган мажбуриятнинг суммаси гаров қийматининг ўн беш фоизидан камроқни ташкил қилас;

2) агар гаров билан таъминланган мажбурият бажарилишининг кечикиши кетма-кет уч ойдан ошмаган бўлса»;

2) **280-модда тўртинчи қисмининг 1-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг гаров тўғрисида шартнома тузиш учун розилиги ёхуд рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса, бундан мазкур мол-мулкни гаровга бериш чорида зарур бўлган розилик ёки рухсат олинган ҳоллар мустасно»;

3) **281-модданинг:**

**иккинчи ва учинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш, бевосита сотиш, кредитга, лизингга, ижара-га бериш, бўлиб-бўлиб сотиш ўёли билан ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдосидаги бошлангич сотиш нархи гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасида мол-мулк нархи бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, мустақил баҳоловчи ташкилот жалб этилади ва гаровнинг дастлабки қиймати бозор қийматидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда баҳолаш билан боғлиқ барча харажатлар мустақил баҳоловчи ташкилотни жалб қилган тараф томонидан қопланади»;

**бешинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «йигирма беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **285-модда** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гаров нарсаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан жиноят ёки бошқа хуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда, гаровга олувчидан ўз талабларини ушбу мол-мулк ҳисобидан устувор тарзда қаноатлантириш хуқуки сақлаб қолинади»;

5) қўйидаги мазмундаги **746<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«746<sup>1</sup>-модда. Кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш**

Кредитни муддатидан олдин суд тартибida ундиришда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор дастлаб қарзнинг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини ундириш учун судга мурожаат қиласди. Бунда агар қарз олувчи муддати ўтган қарзни тўлиқ тўламаган тақдирда, кредитор кредитнинг қолган барча суммасини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсан:

**1) 54-модданинг тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулк суд томонидан мажбурий тарзда баҳолашдан ўтказилади ҳамда ушбу кимошди савдосидаги бошланғич реализация қилиш нархи суд қарори билан баҳолаш тўғрисидаги хисоботда аниқланган миқдорда белгиланади»;

**2) 56-модда:**

**еттинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулк ушбу мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижро-чиси ундирувчига мол-мулкни такорий аукцион савдоларидағи ёки савдо ташкилотлари томонидан қайта реализация қилиш чоғидаги бошланғич со-тиш нархидан 25 фоиз камроқ суммада баҳолангандан ҳолда ўзида қолдиришни таклиф қиласди»;

**тўққизинчи қисмидаги** «беш кун» деган сўзлар «ўн иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**3) 62-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Иқтисодий суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тутатиш ишини юритиши очиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда давлат ижро-чиси ижро иши юритиши тамомлайди, бундан ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги, мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, мол-мулкни ўзга шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш ҳақидаги, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ижро иши юритишилар мустасно».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул

қилинган «**Ипотека тўғрисида**»ги ЎРҚ-58-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда) қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

**1) 36-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, даврий тўловлар билан бажариладиган мажбуриятни таъминлаш учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга, ушбу тўловларни тўлаш муддатлари кетма-кет уч ойдан ортиқ муддатга бузилган тақдирда, йўл қўйилади»;

**2) 37-модда:**

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарз тўланмаган тақдирда, ипотекага олувчининг қарздор томонидан асосий мажбуриятнинг бажарилишига доир талаби суддан ташқари тартибга солиши тугалланганидан кейин, қарздор мажбуриятининг қопланмаган қисмини қарздорнинг бошқа мол-мулки ҳисобидан қоплашга бўлган хуқуқ ипотека олувчидаги сақланиб қолади»;

**учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулк ипотекаси учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинса, бундан мазкур мол-мулкни гаровга бериш чоғида зарур бўлган розилик ёки рухсат олинган ҳоллар мустасно»;

**3) 38-модда:**

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли ипотекага олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига аниқ мос келмаса, ундирувни ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш рад этилиши мумкин, бундан ушбу Қонун 36-моддасининг иккинчи қисмидаги назарда тутилган ҳол мустасно»;

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг бузилиши қўйидаги шартлар бир вактнинг ўзида мавжуд бўлган тақдирда, жуда арзимас деб ҳисобла-нади:

1) агар ипотека билан таъминланган, қарздор томонидан қопланмаган мажбуриятнинг суммаси ипотека қийматининг ўн беш фоизидан камроқни ташкил қиласа;

2) агар ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича даврий тўловларни тўлаш муддатларининг бузилиши кетма-кет уч ойдан ошмаган бўлса».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбе-**

**кистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-ило-ва; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар) **248-моддасига** қўйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қўйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш учун кредитор томонидан олинган мол-мулк бўйича ушбу Кодекснинг 266-моддасига мувофиқ солиқ ҳисобга олинмаган бўлса, ушбу мол-мулк реализация қилинганда солиқ солинадиган база солиқ суммасини ўз ичига оладиган, мол-мулкни реализация қилиш нархи ва мазкур мол-мулкнинг мажбуриятни бажариш учун кредит ташкилоти балансига олиш ҷоғидаги қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади»;

**ўн тўртинчи қисм ўн бешинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

республика ижро этувчи хокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 22 апрель,  
ЎРҚ-1060-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**178**

**Фуқароларнинг вијданон эркинлиги ҳуқуқи кафолатлари-ни янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юртимизнинг жаҳон цивилизацияси бешиги сифатидаги тарихий мақоми ва нуфузини тиклаш бўйича пухта ўйланган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичидаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди. Ушбу муассасалар «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу умуминсоний ғояси асосида жамиятда соғлом маънавий мухитни таъминлашга, ёшларни замонавий фикрлайдиган ва буюк аждодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги мураккаб шароитда дунёда соҳидир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мамлакатимизда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган халқчил тамойилга асосланган ислоҳотлар тўғри эканлигидан далолат бермоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг вијданон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, диний-маърифий соҳадаги эзгу ғоя ва ташабbusларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб изчил давом эттириш мақсадида **қарор қиласман**:

#### **I. Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**

1. Қўйидагилар фуқароларнинг вијданон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

(а) жамиятда диний бағрикенглик ва конфессияларо тотувликни янада мустаҳкамлашга оид илғор механизмларни жорий этиш;

(б) илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик ва бағрикенглик каби умуминсоний ва олийжаноб ғояларга асосланган диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш;

(в) диний-маърифий соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали замон талабларига мос мутахассисларни етиштириш;

(г) аҳоли орасида бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат руҳини кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

(д) диний-маърифий соҳадаги ҳалқаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш.

2. Диний-маърифий соҳа фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Жамиятда виждан эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик, фуқаролараро тотувлик ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида «Бағрикенг жамият — барқарор давлат» тамоилии асосида Дин ишлари бўйича қўмита билан (кейинги ўринларда — Қўмита) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг янги ҳамкорлик тизими йўлга қўйилсан.

Кўйидагилар ҳамкорлик тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифалари ва принципларини қатъий амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

(б) фуқароларнинг виждан эркинлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш, жамиятда турли диний конфессиялар вакилларининг ўзаро аҳил-иноқ ва ҳамжиҳат ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш;

(в) Ўзбекистон аҳолисининг дини, эътиқоди, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқара олишини таъминлаш;

(г) динга бўлган муносабатидан келиб чиқиб устунлик бериш, камсишиш ва виждан эркинлиги кафолатлари бузилишининг бошқа ҳар қандай қўринишларининг олдини олиш.

Қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда ҳамкорлик тизимининг механизmlарини белгиловчи қўшма қарорни тасдиқласин.

## **II. Диний-маърифий соҳанинг институционал асосларини такомиллаштириш**

4. Фуқароларнинг ибодатлар ва диний расм-русумларни амалга ошириши

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учун қўшимча қулайликлар яратиш, «Ҳаж» ва «Умра» зиёратларига бориши билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш жараёнида ортиқча бюрократик тартиботларни бартараф этиш мақсадида Қўмита ва Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил 1 сентябрга қадар «Ҳаж ва Умра ягона портали»ни (кейинги ўринларда — Портал) ҳамда унинг мобил иловасини ишлаб чиқсан.

Белгилансинки:

(а) Портал «Ҳаж» тадбирларига борувчи фуқароларнинг ягона электрон навбати ҳамда «Умра» тадбирларига юбориладиган зиёратчиларнинг электрон рўйхати шакллантириладиган тизим ҳисобланади;

(б) Порталда «Ҳаж» ва «Умра» фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар рақамлаштирилади;

(в) вазирлик ва идоралар Қўмита сўровига кўра ўзининг ахборот тизимлари Порталга интеграция қилинишини таъминлайди;

(г) Қўмита Портал фаолиятини молиялаштиришга, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлар учун фойдаланиш имкониятини яратишга масъул давлат органи ҳисобланади;

(д) Қўмита «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясига эга юридик шахслар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Порталдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Қўмитанинг Ўзбекистон халқаро ислом академиясини Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси (кейинги ўринларда — Академия) этиб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Академия исломшунослик ва диншунослик соҳаларида мутахассисларни ҳамда ўқув дастури, қўлланма ва дарсликларни тайёрлашга ихтинослашган таянч давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилансин.

6. Қўйидагилар Академиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) исломшунослик, диншунослик, дин психологияси, ислом иқтисодиёти, манбашунослик, халқаро муносабатлар ва эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш;

(б) таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларини жорий этиш;

(в) виждон эркинлиги ва конфесиялараро бағрикенгликни таъминлаш, радикаллашув, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосларига оид илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

(г) диний-маърифий йўналишда илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, интернет тармоғида таълим ресурсларини жойлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш;

(д) талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссими мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

(е) мамлакатимизда ва хорижда диний соҳада фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

7. Академияга қўйидаги хуқуқлар берилсин:

(а) ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган юқори малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳак тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

(б) Қўмита билан келишган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли йўналиш ва мутахассисларлар бўйича давлат олий таълим муассасаларида белгиланган базавий тўлов-контракт қийматидан уч баравардан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаш;

(в) талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

(г) етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда Академия вакилларини хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига малака ошириш ва тажриба орттириш учун юбориш;

(д) ўз грифи асосида дарслерлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш.

8. Белгилансинки, Академияга ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағларнинг етишмаган қисми давлат олий таълим муассасаларини сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида тасдиқланган бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритиш орқали қопланади.

9. Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш марказини Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридағи Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти (кейинги ўринларда — Институт) сифатида қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

(а) Институт исломшунослик, диншунослик, давлат ва дин муносабатлари асослари, шунингдек, радикаллашувнинг олдини олиш йўналишларida диний соҳада мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайta тайёрлашга масъул муассаса хисобланади;

(б) барча таълим ташкилотларининг исломшунослик ва диншунослик фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда уларни қайta тайёрлаш Институт томонидан амалга оширилади;

(в) таълим жараёни сифатини ошириш ҳамда таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида Институт сўровига асосан дарсларга тегишли вазирлик, идора, илмий-тадқиқот ва таҳлил марказларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари жалб этилади;

(г) Институт қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридағи Малака ошириш марказининг хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича хуқуқий вориси хисобланади.

10. Академияга қарашли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 14-й манзили бўйича жойлашган ётоқхона биноси оператив бошқарув хуқуқи асосида Институтга бепул ўтказилиши таъминлансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу бинони сақлаш учун Ўзбекистон халқаро ислом академиясига 2025 йил учун ажратилган бюджет маблағларининг қолдик қисмини Институтга ўтказиб берсин, 2026 йилдан бошлаб эса бинони сақлаш билан боғлиқ харажатларни Институтнинг харажатлар сметасида режалаштириб борсин.

11. Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлигининг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигига Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ва қўйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тариқати алломаларининг юксак инсонпарварлик ғояларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш;

(б) тасаввуф таълимоти тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, «Етти пир» алломалари ва азиз авлиёларнинг бой илмий-маънавий меросини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш;

(в) нақшбандийлик таълимотининг эзгу ғояларини тадқиқ этиш учун илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишиланган анжуман, конференция, қўргазма, семинар-тренинг, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

(г) тасаввуф таълимотининг илмий асосланган ғояларини тарғиб қилиш, сохта тариқатчиликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

12. Қўмита ва Академиянинг Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази исломшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотларни ҳамда дин билан боғлиқ жараёнлар бўйича таҳлилларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилансин.

13. Қўйидагилар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

(а) Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби буюк аллома аждодларимиз қолдириган бой маънавий меросни ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига қўшган бекиёс ҳиссасини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз худудида рўй берган Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдеворини яратишда иштирок этиш;

(б) ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

(в) диний таълим муассасаларига илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий масалаларда педагог кадрлар ва диний ходимларнинг малакасини ошириб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

(г) ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини сақлаш, ёшларни ёт фо-ялар таъсиридан асрашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиха ва ташабbusларни ишлаб чиқиши.

14. Диний-маърифий соҳадаги ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириб бориш мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни муво-фиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

(а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқот ишларининг барча жараёнларини мувофиқлаштириш масалаларига масъул бўлган маслаҳат органи ҳисобланади;

(б) Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи вазифасини Қўмита амалга оширади;

(в) Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистондаги Ислом ци-вилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Академия ва бошқа диний-маърифий муассасаларнинг таълим ва илмий-тадқиқотга оид фаолияти мувофиқлаштирилади;

(г) Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

15. Қўйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) «Учинчи ренессанс — Янги Ўзбекистон» фояси асосида буюк аждод-ларимиз илмий меросида улуғланган ватанпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний фояларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш йўналишларини белгилаш;

(б) диний-маърифий соҳадаги муассасалар фаолиятини чуқур ўрганиб бориш, ўқув-тарбия жараёнига илфор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, инновацион ишланмаларни татбиқ этиш хамда илмий ва ус-лубий фаолиятини мувофиқлаштириш;

(в) соҳа ташкилотларида тўпланган илмий-услубий ишланмалар ва таж-рибаларни таҳлил этиш асосида улардаги таълим мазмунини такомиллашти-риш ва мувофиқлаштириш, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиша-узвийлик тамоилиларини таъминлаш;

(г) республиканинг барча таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бажариладиган диний мавзудаги тадқиқотлар (диссертациялар)нинг мавзу ва йўналишларининг аҳамияти, долзарблиги юзасидан тегишли тавсияларни бериш.

### **III. Диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш**

16. Республикада истиқомат қилувчи турли дин вакилларининг Янги Ўзбекистон тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш, жамиятда конфессия-

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лааро тотувлик ва диний бағрикенгликтин янада мустаҳкамлаш мақсадида Қўмитанинг Конфесиялар ишлари бўйича кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин. Бунда қўйидагилар инобатга олинсин:

(а) Кенгаш таркибига сиёсий арбоблар, жамоатчилик фаоллари, диншунос олим ва мутахассисларни кузатувчи сифатида киритиш;

(б) Кенгашга диний конфесияларнинг муаммолари бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларга сўров, мурожаат ва тавсиялар юбориш ҳукуқини бериш;

(в) Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ҳудудий кенгашлар ташкил этиш;

(г) Кенгаш томонидан турли конфесияларга оид диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари ўртасида спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш.

Кенгашнинг янгиланган таркиби З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

#### **IV. Фармон ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш**

17. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Дин ишлари бўйича қўмита раиси С.Д. Тошбоев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
ПФ-68-сон

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**179      2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида\***

**[Кўчирма]**

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ 2030 йилгача нодавлат сектор улушкини 85 фоизга етказиш ва давлат иштирокидаги корхоналарни б бараварга қисқартириш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш, давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш, улар таркибидаги рақобат мухити шаклланган соҳалардаги корхоналар сонини камайтириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида **қарор қиласман**:

**I. Мақсадлар**

1. Кўйидагилар 2025 йилда хусусийлаштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

- (а) 30 триллион сўмлик давлат активлари ва ер участкаларини сотиш ва камидা 10 триллион сўм тушумни таъминлаш;
- (б) давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли 115 та жамият устав капиталидаги улушларни, 659 та кўчмас мулк обьектини ва 6,1 минг гектар ер участкаларини савдога чиқариш;
- (в) дастлабки босқичда камидা 30 та фойдали қазилма кон ва участкаларидан фойдаланиш хуқуқини савдога чиқариш.

**II. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш**

2. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор улушкини ошириш мақсадида 2030 йил 1 январга қадар давлат иштирокидаги корхоналарни (мудофаа ва хавфсизлик билан боғлиқ корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ташкил этишга мораторий жорий қилинсин.

3. Белгилансинки:

(а) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан кўчмас мулк сотиб олиш, давлат функциясига ва давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мос бўлмаган корхоналарни ташкил этиш ташабbusи билан чиқишга йўл қўйилмайди;

(б) давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, муассис) функциясини амалга оширувчи республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ушбу корхоналар кузатув кенгашининг давлат улушки бўйича сайланган аъзолари Фармоннинг мазкур банди талаблари ижросини таъминлашга масъул ва жавобгар ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил 1 майга қадар:

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

(а) вазирлик ва идоралар раҳбарларининг хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик масалалари билан шахсан шуғулланадиган ўринбосарлари рўйхатини тасдиқласин;

(б) давлат иштирокидаги йирик корхоналарда трансформация бўйича ўринбосар лавозимини молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосар лавозимига ўзгартириш чораларини кўрсин.

##### 5. Қўйидагилар:

(а) Оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлар) рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

(б) Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

(в) Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун 2025 йилда устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш режаси 3-иловага\* мувофиқ;

(г) 2025 йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқи электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган асосий турдаги фойдали қазилма кон ва участкалари рўйхати 4-иловага\* мувофиқ;

(д) Вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик масалаларига масъул ўринбосарларнинг асосий вазифалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### **III. Хусусийлаштириш ва давлат мулкини ижарага олишдаги имтиёзлар**

6. Белгилаб қўйилсинки, давлат активларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш мақсадида:

(а) майдони 10 минг метр квадратгача бўлган давлат мулки объектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга тўғридан-тўғри текин фойдаланишга берилади ҳамда шартнома шартлари бажарилган тақдирда ушбу тадбиркорлик субъектларига баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотилади;

(б) бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўллангандан кейин ҳам бир йилдан ортиқ муддатда сотилмаган ва харидорлар учун жозибадор бўлмаган кўчмас мулк объектлари бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига улуш сифатида киритилади;

(в) тугатилаётган «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар активлари уч ой давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич баҳоси 50 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилган ҳолда сотиб олиш тўловларини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан савдоларга чиқарилади;

(г) бозорлар ва савдо мажмуалари устав капиталида маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг мажбурий иштирок этиши тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

\* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Белгилансинки, ер участкалари сотилишини жадаллаштириш мақсадида:

(а) очиқ электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижара хуқуки асосида сотиб олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари, агар улар ер участкаси реализация қилинганидан кейин тасдиқланган бош режа, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойихалари ёки худудларни комплекс ривожлантириш ва режалаштириш бўйича бошқа ҳужжатларга (кейинги ўринларда — шаҳарсозлик ҳужжатлари) мувофиқ бўлса ва ер ижара шартномасида бошқа шартлар назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси учун тўловлар тўлиқ тўланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва (ёки) юридик шахслари томонидан хусусийлаштирилишига йўл қўйилади;

(б) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари, устувор равишда, фаолиятини кенгайтириш истагида ва тайёр лойихаси бўлган тадбиркорлик субъектлари таклиф билдирган жойлардан танланади;

(в) электрон онлайн аукцион савдоларида турган майдони кичик бўлган ёнма-ён турган ер участкалари шаҳарсозлик нормаларидан келиб чиқсан ҳолда бирлаштирилиб, қўшимча келишувларсиз қайта аукцион савдоларига чиқарилади.

8. Белгилаб қўйилсинки, давлат мулкини ижарага бериш тартибини таомиллаштириш мақсадида:

(а) ижара шартномаси тузилган кундан бошлаб ижарага олуви чиқариладиган йиллик ижара тўловлари бир ой давомида тўланган тақдирда, унга йиллик ижара суммасидан мазкур шартнома тузилган санадаги Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида чегирма берилади, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан ижарага берилган ҳамда бир йилдан кам мuddатга тузилган ва бошқа имтиёзлар қўлланган ижара шартномалари мустасно;

(б) олти ой давомида электрон онлайн аукцион савдоларida ижарага берилмаган обьектларнинг бошланғич нархи 50 фоиз пасайтирилган қийматда белгиланади. Бунда бошланғич нарх пасайтирилганда ҳам ижарага берилмаса, ушбу аукцион унда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам, истисно тарикасида, ўтказилган деб ҳисобланади.

9. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат активларини хусусийлаштириш ва давлат мулкини ижарага бериш йўналишладидаги имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чоралари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **IV. Давлат мулкини бошқариш ва сотишнинг янги механизмлари**

10. Белгилансинки:

(а) Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар, туман ва шаҳар марказларидаги давлат ташкилотлари ва давлат иштирокидаги корхоналар маъмурий

биноларининг биринчи қавати бўшатилиб, электрон онлайн аукцион орқали тадбиркорлик субъектларига савдо ва сервис обьектларини ташкил этиш учун ижарага берилади (бундан тўлиқ сотиладиган ва алоҳида аҳамиятга эга маъмурий бинолар мустасно);

(б) 2025 йил 1 июлдан бошлаб Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмаларига «Давлат мулки» ахборот тизими орқали давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулк обьектларини сотиш учун тўғридан-тўғри электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш хуқуки берилади;

(в) Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳалла-да тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) аризаси асосида сотилган бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини сотишдан тушган маблағларнинг бошланғич нархидан ошган қисмининг 10 фоизи тегишили-ча Савдо-саноат палатасига ёки ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва обьект жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинига teng улушларда ўтказиб берилади;

(г) оммавий савдоларда икки ойдан ортиқ муддатда сотилмаган давлат кўчмас мулк обьектларини (Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги обьектлар бундан мустасно) сотиши жадаллаштириш мақсадида «E-auksion» электрон савдо платформасида аккредитациядан ўтган риэлтор-лик ташкилотлари Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давлат активлари агентлиги) томонидан хизмат кўрсатиш шартномаси асосида жалб этилади;

(д) давлат улушлари хусусийлаштиришнинг камида 2 та усулидан фойдаланганда ҳам олти ой муддат давомида сотилмаган тақдирда хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органининг қарорига кўра акциядорлар (иштирокчилар) рўйхатидан чиқиш ёки тугатиш ташаббуси билан чиқишга руҳсат этилади;

(е) давлат мулкини хусусийлаштириш дастури қабул қилинган кундан эътиборан хусусийлаштириладиган давлат мулкини бошқа шахсга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш, гаровга қўйиш ёки бошқача тарзда тасарруф этиш, уларни хатлаш ва мажбурий реализация қилиш тақиқланади;

(ж) Давлат активлари агентлигига давлат активларини сотиш бўйича олди-сотди шартномалари ва давлат кўчмас мулк обьектларини ижарага бериш шартномалари бўйича тадбиркорлик субъектлари тан олган қарздорликларни инкассо топшириқномалари асосида ундириш хуқуки берилади;

(з) тадбиркорлик субъектларини (жумладан, давлат иштирокидаги корхоналарни) тугатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санадан бошлаб уларнинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилади ҳамда ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва йиғимлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш, дивиденклар ҳисоблаш тақиқланади;

(и) хўжалик жамияти ёки нодавлат нотижорат ташкилотига давлат мулки сифатида биритирилган республика мулки бўлган кўчмас мулк объектлари (қонунчилик хужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) Давлат активлари агентлиги қарори асосида давлат ташкилотига унинг юқори турувчи органининг розилигига мувофиқ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилади;

(к) вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларига тегишли республика мулки бўлган маъмурий бинолар (суд, қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг тизимидағи ташкилотлар бинолари бундан мустасно) Кадастр агентлиги билан биргаликда Давлат активлари агентлигига давлат мулки сифатида қайта расмийлаштирилади ва кейинчалик улар ҳар бир ходим учун бино майдонлари бўйича тасдиқланган меъёрлар асосида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

(л) республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағлари ёки давлатнинг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган мулклар республика мулки объектлари жумласига, Корақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, маҳаллий бюджет маблағлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган мулклар муниципал мулк объектлари жумласига киритилади;

(м) давлат мулки — ҳам республика мулки ҳам муниципал мулк объектларининг вужудга келиш манбалари ҳисобига яратилган тақдирда, мазкур мулкнинг балансда сақловчиси мансублигига кўра мулкнинг тоифаси аниқланади;

(н) хусусийлаштириш дастурларига киритилган активлар (кўчмас мулк, улуш, акция пакетлари) икки ой муддатда ваколатли давлат органига топширилмаганда Давлат активлари агентлигининг буюртмаси асосида бир томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаси (депо топшириқнома) асосида Давлат активлари агентлигига расмийлаштирилади;

(о) 2025 йил 1 октябрдан бошлаб эгасиз кўчмас мулк объектларини давлат мулки обьекти сифатида давлат рўйхатига олиш бўйича мурожаатлар тегишли судга Давлат активлари агентлиги томонидан киритилади.

## V. Хусусийлаштириш соҳасидаги кафолатлар

### 11. Белгилансинки:

(а) хусусийлаштирилган ер участкалари бўйича солик тўлаш тизими таомиллаштирилади;

(б) давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсизdir;

(в) давлат мулкини хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқilmайди ҳамда бекор қилинмайди.

12. Давлат мулкини бошқариш соҳасида қонун хужжатларини такомиллаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

\* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Белгилансинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

(а) бир ой муддатда мазкур Фармонга мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган активларни Давлат активлари агентлигига ўтказиб бериш масаласини ўзлари акциядор (иштирокчи, муассис) бўлган давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиб, ўтказиб берилишига;

(б) давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларининг улар сотилгунга қадар бутлигини таъминлаш ва бегоналаштирмасликка (сотиш, сотиладиган улуш миқдорини камайтириш, гаровга қўйиш, бузиш ва бошқалар) шахсан жавобгар ва масъул хисобланади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Давлат активлари агентлиги билан биргаликда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун мазкур Фармонга З-иловадаги режага мувофиқ ер участкаларининг устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион савдоларига 2025 йилда чиқарилишини таъминласин. Бунда шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқилмаган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида савдога чиқаришни давом эттирасин.

15. Вазирлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўзлари таъсисчи (муассис) бўлган:

(а) давлат корхоналари ва муассасаларини тугатишда уларнинг мажбуриятларини тегишлилигича ўзларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплашишини;

(б) давлат иштирокидаги корхоналарда харажатлар, шу жумладан, ишҳақи ва унга tengлаштирилган тўловлар тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларига қатъи риоя қилган ҳолда амалга оширилишига уларнинг биринчи раҳбарлари шахсан жавобгарлиги белгиланишини таъминласин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат активлари агентлиги:

(а) мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармон ҳақида ахоли ва тадбиркорларни интернет ва ижтимоий тармоқлар ва мобил алоқа операторлари орқали тезкор равишда хабардор қилиш чораларини кўрсин.

17. Давлат активлари агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор ва-

зирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 8-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков белгилансин.

21. Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
ПФ-70-сон

---

\* 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги  
ПФ-70-сон Фармонига  
5-ИЛОВА

**Вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги юрик  
корхоналарда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик  
масалаларига масъул ўринбосарларнинг  
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Рақобат ривожланган ва хусусий сектор кириб келган соҳалардаги давлат мулкини сотиш, шу жумладан, активлардан давлат-хусусий шерикчилик механизмини кенг қўллаш орқали самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.
2. Тизимдаги активлардан, хусусан, носоҳавий ва бўш турган активларни сотишга тайёрлаш.
3. Мехнат унумдорлигини ошириш ва кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш мақсадида соҳани ракамлаштириш ҳамда вазирлик ва идора фаолиятига хусусий секторни кенг жалб этиш.
4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини халқаро ва миллий капитал бозорида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этишга тайёрлаш ва жараённи ташкил этиш.
5. Хусусийлаштириш дастурларига асосан оммавий савдоларга чиқарилган давлат активларини салоҳиятли инвесторларга сотиш учун доимий равища тарғибот ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги  
ПФ-70-сон Фармонига  
6-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат активларини хусусийлаштириш ва давлат мулкини ижарага бериш йўналишларидағи имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чоралари**

**I. Давлат активларини хусусийлаштиришда:**

1. Сотиб олиш тўловига чегирма қўллаш йўналишида:

а) давлат активи харидорининг чегирма бериш тўғрисидаги ёзма (электрон) аризасига мувофиқ, сотиб олиш тўловлари бир ой муддатда тўланишини назарда тутувчи олди-сотди шартномаси (биржа битими) тузилган кундан бошлаб сотиб олиш тўловлари бир ой давомида тўланган тақдирда, харидорга харид суммасидан мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида чегирма қўлланади, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан сотилган, шунингдек, бошланғич нархи пасайтирилган ҳолда сотилган давлат активлари мустасно. Бунда харидорга сотиб олиш тўловларини мазкур чегирмани қўллаган ҳолда тўлаш имкони берилади;

б) 2027 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк обьектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар уч ой ичida тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда чегирмалар берилади;

в) Хоразм вилоятида жойлашган давлат кўчмас мулк обьектларини сотиб олган харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ой ичida сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга ошиrsa, сотиб олиш тўловлари суммасидан 25 фоиз миқдорида чегирма берилади.

2. Сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш йўналишида:

а) давлат кўчмас мулк обьектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини савдолар ўтказилган санадаги белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда — БҲМ) баравари миқдорида ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари (БҲМнинг 3 000 бараваридан бошлаб, 20 000 бараваридан юқори) миқдоридан келиб чиқсан ҳолда З йилгача бўлган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади, жумладан:

БҲМнинг уч минг бараваригача — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг уч минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг олти минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг олти минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн икки минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг ўн икки минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг ўн беш минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн саккиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг ўн беш минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг ўн саккиз минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг ўн саккиз минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг йигирма минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

б) 2027 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган:

аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк обьектларининг сотиб олиш нархидан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини етти йил муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган кўчмас мулк обьектларини хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига берилган, уч йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни изолаш пайтида баҳоланганд қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобига беш йил давомида тўлаш шарти билан хусусийлаштириш имкони берилади;

в) Хоразм вилоятида жойлашган хусусийлаштирилаётган давлат мулки бўйича тўловларни, уларнинг миқдоридан қатъи назар, беш йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

г) меҳмонхона ва туризм хизматларини кўрсатиш бўйича давлат мулкини савдога чиқаришда харид тўловлари миқдоридан қатъи назар уларни беш йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

д) «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурида иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари аукционда давлат кўчмас мулк обьектларини сотиб олганда тадбиркорлик субъектлари (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сонига қараб уч йилдан беш йилгача тўловларни фоизсиз тўлаш имконияти берилади;

е) ихтисослашуви хамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги:

туман ва шаҳарларида давлат активлари (ер участкалари бундан мустасно) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда, дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолатларда қолган суммага сотиб олиш тўловидан қатъи назар 60 ой давомида тенг улушларда тўловларни амалга ошириш имконияти берилади;

туманларида фаолият юритаётган «АА» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига давлат мулкини сотиб олиш тўловларини бўлиб-бў-

либ тўлаш муддати, сотиб олиш тўловлари миқдоридан қатъи назар, етти йил ичида тенг улушларда тўлаш имконияти берилади;

ж) электротехника соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун электротехника саноати корхоналари томонидан оммавий савдолар орқали сотиб олинадиган давлат кўчмас мулк обьектлари бўйича тўловларни 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

з) хусусийлаштириш дастурига кирган автотранспорт воситаларини сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган давлат мулки обьектлари (автокорхоналар) ўз профилини сақлаб қолган ҳолда оммавий савдоларга чиқарилади (шаҳар марказида жойлашганлари бундан мустасно).

Бунда обьектларни савдога чиқаришда харид тўловларини уларнинг миқдоридан қатъи назар, 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилади ҳамда олти ойдан ортиқ муддатда сотилмасдан турган обьектларнинг бошланғич баҳоси 30 фоизгача пасайтирилади;

и) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари бўйича камида 35 фоиз миқдоридаги дастлабки тўловни бирйўла амалга оширган харидорларга мазкур давлат активлари Давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилади;

к) тиббиёт ва таълим ташкилотини ташкил этиш учун аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк обьектларининг сотиб олиш нархидан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини беш йил муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади.

3. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат мулкига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридаги йиллик фоизлар қўйидаги ҳолларда ҳисобланмайди:

а) давлат мулки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда дастлабки бирйўла тўлов суммаси бир ой муддат ичида 35 фоиздан юқори бўлганда;

б) ихтисослашуви ва кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги:

туман ва шаҳарларида давлат мулкини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда;

туманларда фаолият юритаётган «АА» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат мулки бўйича дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда.

4. Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги туман ва шаҳарлари учун давлат мулки обьектларини электрон савдоларга чиқаришда лотнинг закалат миқдорини амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз қилиб белгилаш имконияти берилади.

5. Бошланғич нархни пасайтириш механизмини қўллаш йўналишида:

а) 2026 йил 1 январгача давлат активлари уч ой давомида сотилмагандан (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар

10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади. Бунда давлат активларининг бошланғич нархи пасайтирилгандан кейин ҳам уч ой муддатда сотилмаган тақдирда хусусийлаштиришнинг бошқа усуллари қўлланади;

б) оммавий савдоларда давлат мулкини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланадиган механизмга асосан нарх қадам-бақадам пасайтириб борилиши мумкин.

6. Давлат мулкини сотишига уларни қисмларга ажратган ҳолда ва ортиқча ер участкаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кейинчалик бу ерларда қонунчиликда назарда тутилган мақсадлар учун топшириш орқали йўл қўйилади.

7. Ижаравиларга давлат кўчмас мулк обьектларини тўғридан-тўғри сотиш йўналишида:

а) тадбиркорлик субъектлари томонидан «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали ижара шартномалари бўйича ижарага олинганига камида беш йил бўлган давлат мулки обьектини капитал таъмиглаш, модернизация қилиш, теварак-атрофини ободонлаштириш ҳамда бино ва иншоотларни турли даражада яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилган ва ижара тўловлари ўз вақтида тўлаб келинган ҳамда ушбу обьект хусусийлаштириш дастурига киритилган тақдирда, уларга ушбу давлат мулки обьектининг ижарага олинган қисми баҳолангандан қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқи берилади;

б) майдони 10 минг метр квадратгача бўлган давлат мулки обьектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиха оғислари тавсиясига асосан юқори технологияли маҳсулот яратадиган тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга тўғридан-тўғри текин фойдаланишга берилади ҳамда шартнома шартлари баҳарилган тақдирда, ушбу тадбиркорлик субъектларига баҳолангандан қийматда тўғридан-тўғри сотилади;

в) 2025 йил 1 марта бошлаб ҳудуди 10 минг метр квадратдан, баҳолангандан қиймати 5 минг БҲМдан ошмаган ҳамда 6 ой давомида сотилмаган маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли муниципал кўчмас мулк обьектларини (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) икки йил ичida янги лойиҳани ишга тушириш ва иш ўринлари яратиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри 10 йил муддатга ижарага берилади ҳамда давлат мулки учун 4 йил давомида узлуксиз ижара тўловларини амалга оширган ва ижара шартномаси шартларини бажарган тадбиркорга баҳолангандан қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти берилади.

## **II. Ер участкаларини реализация қилишда:**

1. Барча турдаги ер участкаларининг қиймати ўн беш иш кунида тўлик тўланган тақдирда, жами суммага нисбатан 20 фоиз чегирма берилади, бундан бошланғич нархи 50 фоиздан ортиқقا пасайтирилган ҳолда реализация қилинган ер участкалари мустасно.

2. Сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш йўналишида:

а) Савдо-саноат палатаси томонидан берилган «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурида иштирок этётганлигини тасдиқловчи сертификатга эга тадбиркорлик субъектлари (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) аукционда давлат мулкидаги ерга бўлган хукуқларни сотиб олганда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сонига қараб 3 йилдан 5 йилгача тўловларни фоизсиз тўлаш имконияти берилади.

б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк хукуки ёки ижара хукуки асосида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижара хукуки асосида сотиб олиш қийматини қўйидаги шартларда хар ойда тенг улушларда, қолдик суммага Марказий банкнинг асосий ставкасида фоиз хисоблаган ҳолда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади:

Тошкент шаҳрида — 1 йил давомида ҳамда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида — 3 йил давомида камида 35 фоиз миқдорида дастлабки тўловни ўн беш иш кунида амалга ошириш шарти билан;

бошқа аҳоли пунктларида — 5 йил давомида, ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифалардаги туманларида эса 10 йил давомида камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни ўн беш иш кунида амалга ошириш шарти билан;

в) эркин иқтисодий, кичик ва ёшлар саноат зоналарида инвестиция лоийхаларини амалга ошириш учун аукцион орқали ер ижарага олинганда ижара тўловлари лойиха ишга тушгунга қадар, бирор 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга тўлаш кечикирилиши мумкин;

3. Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги туман ва шаҳарларида давлат мулки хисобланган ер участкаларини электрон савдоларга чиқаришда преференциялар бериш мақсадида лотнинг бошланғич закалат миқдори (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида 35 фоиз миқдоридаги дастлабки тўловни бирйўла амалга оширган харидорларга мазкур ер участкаларини Давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш хукуки берилади.

Бунда 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган мулк хукуки асосида сотиб олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш дастлабки тўлов миқдори 15 фоиз миқдорида бўлганда амалга оширилади.

5. Аукцион савдоларига чиқарилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уч ой давомида сотилмагандан, уларнинг бошланғич нархи 30 фоизигача, олти

ой давомида сотилмаганда 10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади.

### **III. Давлат мулки объектларини ижарага беришда:**

1. Ижара тўловларига чегирма қўллаш йўналишида:

а) уч ойдан ортиқ муддатга ўттиз нафардан зиёд касаначиларни белгиланган тартибда жалб қилган ва касаначилик асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (кўрсатилган хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари жами даромадининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этган тадбиркорлик субъектларига худудлар кесимида белгиланган шартлар асосида 2026 йил 1 январга қадар давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари 50 фоиз миқдорида белгиланади;

б) нодавлат спорт-таълим муассасаси томонидан жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатлари 2026 йил 1 январга қадар 50 фоизга камайтирилади;

в) спорт тўгаракларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага берилади;

г) моддий маданий мерос объектларини инвестиция киритиш шарти билан ижарага олган тадбиркорлик субъектлари улар билан шартнома тузилган кундан бошлаб беш йил муддатга ижара тўловининг ҳисоблаб чиқилган қийматининг 80 фоизи миқдорида ижара тўловини тўлашдан озод этилади;

д) худудларда бўш турган ва бир йилдан бўён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар, шунингдек, касб-хунар коллежларининг фойдаланилмасдан бўш турган бинолари «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастури иштирокчиларига (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) ўз ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда амалий мономарказ ташкил қилиш учун фойдаланишга танлов (талағор ягона бўлганда — тўғридан-тўғри шартнома) асосида ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича ижарага берилади;

е) Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охирги 5 йилда ғолиб ва совриндор (1 — 3 ўрин) бўлган спортчи-тренерларга, шунингдек, олис ва чекка худудларда фаолият юритувчи спортчи-тренерларга спорт тўгаракларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага берилади;

ж) маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг минимал ставкасини ҳар йили белгилаш чоғида соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан давлат мулки учун ижара ҳақининг минимал ставкаси 20 фоизга камайтирилади;

з) «Аёллар дафтари»га киритилган камида 5 нафар ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда имтиёз бериш шартларига мос бўлгандага ижарага ҳақи 50 фоиз микдорда ундирилади;

и) «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкини ижарага олишда ижарага тўловларидан тақдим этиладиган имтиёзлар рўйхатидаги белгиланган мезонларга мувофиқ «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижарага майдонига нисбатан ижарага тўловларидан 50 фоиз микдорда имтиёз берилади;

к) давлат мулкини ижарага олган алоҳида тоифадаги (2018 йил 1 августан бошлаб имтиёзлар ва преференциялар бериладиган алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектлари рўйхатидаги) тадбиркорлик субъектларига ижарага тўлови ушбу обьектга нисбатан аукцион савдолари натижалари бўйича шаклланган ижарага тўловининг 50 фоизи микдорида белгиланади;

л) ижарага шартномаси тузилган кундан бошлаб ижарага олувчи томонидан ўйллик ижарага тўловлари бир ой давомида тўланган тақдирда, унга ўйллик ижарага суммасидан мазкур шартнома тузилган санадаги Марказий банкнинг асосий ставкаси микдорида чегирма берилади, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан ижарага берилган ҳамда бир йилдан кам муддатга тузилган ва бошқа имтиёзлар қўллланган ижарага шартномалари мустасно.

2. Аукционга чиқариладиган обьектларнинг бошланғич нархини белгилаш йўналишида:

а) маданий мерос обьектларини хунармандларга ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нарх амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз микдорида белгиланади;

б) ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги шаҳар ва туманларидаги тадбиркорлик субъектларига давлат мулки обьектларини ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нарх (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоиз ставкада белгиланади;

в) олти ой давомида электрон онлайн аукцион савдоларида ижарага берилмаган обьектларнинг бошланғич нархи 50 фоиз пасайтирилган қийматда белгиланади. Бунда бошланғич нарх пасайтирилганда ҳам ижарага берилмаса, ушбу аукцион унда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам, истисно тариқасида, ўтказилган деб ҳисобланади.

3. Саноат зоналарида бино ва иншоотларни электрон онлайн аукцион орқали ижарага беришда тўловларни йигирма тўрт ой муддатда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади.

4. Текин фойдаланишга бериш йўналишида:

а) Касбий қўнималар марказларининг бино ва иншоотлари ёки уларнинг бир қисми жиҳозлари билан бирга уларда касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитиш курсларини ташкил қилиш учун хорижий иш берувчилар ва таълим ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича текин фойдаланишга ёки узок муддатли ижарага берилади;

б) ИТ паркнинг тавсияномасига асосан бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари, Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидағи ташкилотлари хамда ИТ парк филиалларининг давлат мулки бўлган бўш бинолари ва майдонлари (хоналари) бир йилгача муддатга текин фойдаланиш хуқуқи асосида берилади.

Бунда, бир йил муддат тугагандан сўнг ИТ-хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни кенг жалб қилишга қаратилган дастурда иштирок этувчи корхоналар билан уларга текин фойдаланиш хуқуқи асосида берилган бино ва майдонлар (хоналар) юзасидан «E-auksion» электрон савдо платформасида бир метр квадрат майдон учун тегишли ҳудуд бўйича охирги ҳисобот даврида шаклланган ўртacha ижара ҳақи миқдорида тўғридан-тўғри шартнома тузилади;

в) давлат мактабгача таълим ташкилотида овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилганда ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебели текин фойдаланиш хуқуқи билан берилади;

г) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари корхона ташкил топгунига қадар, аммо 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга текин фойдаланиш хуқуқи билан берилади;

д) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар хамда туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга текин фойдаланиш хуқуқи билан берилади;

е) Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрида жойлашган фойдаланилмай бўш ётган давлат объектлари улар негизида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринлари яратиш шарти билан текин фойдаланиш хуқуқи билан ўн йил муддатгача берилади;

ж) «Яшил энергия» компанияси ўз ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда ушбу бино ва иншоотларнинг тегишли қисмларидан ижара ҳуқуқи асосида бепул фойдаланади. Бунда ижара шартномалари белгиланган тартибда солиқ органларида рўйхатдан ўтказилади;

з) хусусий шахмат клубларига улар томонидан шахмат тўғракларини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун давлат мулки объектлари ва ҳудудлардаги Ёшлар марказларидан ижара тўловларисиз (коммунал тўловлар бундан мустасно) жой ажратилади;

и) ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камидаги 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлган ва давлат мулкини ижарага олган тадбиркорлик субъектлари имтиёз бериш шартларига мос бўлганда ижара ҳақи тўловидан 5 йил муддатга озод этилади;

к) ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий

сонининг камида 70 фоизи «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлааб қолган тадбиркорлик субъектлари давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳаки тўловидан 2027 йил 1 октябрга қадар озод этилади.

*Изоҳ:*

1. *Имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларидан бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечтаси қўлланади.*
2. *Имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чоралари бир-бираига зид келган тақдирда, давлат активлари ва ер участкаларини реализация қилиши жараённида иштирок этувчи шахслар учун энг манфаатлиси қўлланади.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги  
ПФ-70-сон Фармонига  
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айrim хужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги «Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши давлат концерни («Ўзсувқурилиш»)ни туғатиш тўғрисида»ги ПФ-2645-сон Фармонининг 2-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-4561-сон Фармонига 2-илованинг 5-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки обьектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5552-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5968-сон Фармонига 2-илованинг 11-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартағи «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПК-29-сон қарорининг 3, 4, 5 ва 7-бандлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПК-244-сон қарорининг 12-банди ва 31-илованинг 2-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-335-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги «Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги ПҚ-1768-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2200-сон қарорининг 9-банди ва 6-иловаси.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сон қарорининг 6-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**180 Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида\***

Жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган ўйнилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизимни жорий этиб, ушбу масалага жамоатчилик, парламент ва фуқаролик жамияти институтларини кенг сафарбар этиш мақсадида **қарор қиласман**:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 марта ўтказилган кенгайтирилган ўйнилишида белгиланган топшириклар ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқиладиган норматив-хукуқий хужжатлар рўйхати ва амалий чора-тадбирлар дастури 1 ва 2-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига мазкур Фармон ва унинг иловаларида белгиланган вазифаларни сифатли, ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ҳар йили ҳудудлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, прокурорлар ва ички ишлар органлари бошликлари билан биргаликда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, майший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш мухитини шакллантириш бўйича «йўл харита»сини тасдиқлаб, ижроси устидан назоратни таъминласин.

3. Коррупция ва жинояччиликка қарши курашишда парламентнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталарига қўйидагилар тавсия этилсин:

(а) ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

(б) вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодлар тегишлича Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқилаётганда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тартибни қонун ҳужжатларида белгилаш;

(в) халқаро тажрибани ўрганиб, кибермаконда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича мустаҳкам ҳукуқий база яратиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиши;

(г) масъул идоралар вакилларидан иборат ишчи гурухлар тузган ҳолда «жинояччиликка қарши курашиш ҳафталиги» давомида ҳар ойнинг 1 — 5 саналарида режа асосида «қизил» тоифадаги маҳаллаларга тушиб, жиноят-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, туман (шахар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш ҳамда туман (шахар) ва маҳаллаларда илгари сурилган халқчил ташаббуслар асосида қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти қўйидагича янги тартиб асосида йўлга қўйилсин:

(а) прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари секторлар фаолияти бўйича юклатилган вазифалардан озод этилади;

(б) секторлар ишига Бош вазир ўринбосарлари ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул этиб белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда секторларнинг янги тартиб асосида фаолият юритиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

5. Иқтисодиётда коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида белгилансинки:

(а) давлат харидларида сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган чегарасидан четга чиққан ҳолда харидларни амалга оширган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилади;

(б) 2025 йилнинг 1 июлидан йирик инвестиция лойиҳаларида коррупцияга қарши ҳалқаро стандартлар ҳамда йирик аукцион шартларини ракобатбардошлиқ экспертизасидан ўтказиш тартиби жорий этилади;

(в) «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Шаффоф қурилиш» тизими) қамрови янада оширилиб, босқичма-босқич ҳалқаро ташкилотлар иштирокидаги лойиҳаларга жорий қилинади.

6. Мазкур Фармоннинг 5-бандида белгиланган топшириклар ижросини самараали ташкил этиш мақсадида:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда:

(i) давлат харидларида сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархи бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, киритсин;

(ii) Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш бўйича талабларни кучайтиrsин;

(iii) Ҳисоб палатаси билан биргаликда давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) турларини камида икки карра қисқартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

(б) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда йирик инвестиция лойиҳаларини коррупцияга қарши ҳалқаро стандартлар асосида баҳолаш

ҳамда йирик аукцион шартларини рақобатбардошлик экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомилларини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(в) 2025 йил якунига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги халқаро молия ташкилотлар билан биргаликда халқаро тендер объектлари бўйича субпудратчиларни «Шаффоф қурилиш» тизими орқали жалб қилиш, қиймати 2 млн АҚШ долларигача бўлган халқаро молия ташкилотлар ҳисобидан молиялаштириладиган маҳаллий тендерларни «Шаффоф қурилиш» тизимида ўтказиш ҳамда халқаро тендерлар бўйича жалб қилинган чет эл пудрат ташкилотлари шартнома қийматининг камиди 60 фоизини ўз кучи билан бажариш тартибини жорий этиш чораларини кўрсинг;

(г) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги «Шаффоф қурилиш» тизимини халқаро ташкилотлар иштироқидаги лойиҳаларга жорий этиш учун ушбу тизимда тегишли имкониятларни яратсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси 2026 йил 1 январга қадар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматларини туман (шаҳар) кесимида аҳолининг ўзи баҳолайдиган тизимни жорий этсин.

Бунда аҳоли томонидан «қониқарсиз» деб баҳолангандан давлат хизматларини кўрсатувчи вазирлик, идора раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

#### 8. Адлия вазирлиги:

(а) бир ой мuddатда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда сунъий интеллект асосида аҳолининг кундалик ҳаётида учрайдиган саволларига мобиль телефон орқали содда ва қулай шаклда жавоб олиш имкониятини берадиган онлайн платформани ишга туширсин;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматларини туман (шаҳар) кесимида аҳолининг ўзи баҳолайдиган янги тизимни жорий этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(в) уч ой муддатда Адвокатлар палатаси билан биргаликда фуқароларга сифатли юридик ёрдам кўрсатилишида адвокатлар фаолиятига тўскىнлик қилаётган омилларни бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармонда белгилангандан вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Д.Б. Кадиров ва Р.К. Давлетовлар зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
ПФ-71-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**181 Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш түғрисида\***

Давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларининг (кеинги ўринларда — давлат иштирокидаги йирик корхоналар) фаолияти самардорлигини ошириш ва уларни хусусийлаштириш орқали хорижий инвестициялар жалб этилишини жадаллаштириш мақсадида **қарор қиласман**:

**I. Мақсадлар**

1. Қўйидагилар давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро ва маҳаллий бозорларда сотишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) 29 та давлат иштирокидаги йирик корхона устав капиталидаги акциялар пакетини (улушларни) нуфузли халқаро профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда оммавий савдоларга чиқариш;

(б) 12 та давлат иштирокидаги йирик корхона устав капиталидаги акциялар пакетининг халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифини ўтказиш.

**II. Давлат активларини халқаро бозорларда сотиш**

2. Қўйидагилар:

(а) Профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда халқаро ва маҳаллий бозорларда оммавий савдоларга чиқариладиган акциялар пакетлари (улушлар) рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

(б) Халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

(в) Давлат иштирокидаги айрим йирик корхоналарни сотиш механизми 3-иловага\*\* мувофиқ;

(г) Давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акция пакетларини (улушларни) хусусийлаштириш олди тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гурухи таркиби 4-иловага\*\* ва унинг асосий вазифалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) (кеинги ўринларда — Хусусийлаштириш давлат комиссияси) ўн кун муддатда давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акциялар пакетларини (улушларини) савдога чиқаришнинг алоҳида корхоналар бўйича «йўл харидарини» тасдиқлансан.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талари»ни амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг аниқ механизми ва масъулларини назарда тутган ҳолда тасдиқласин.

4. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давлат активлари агентлиги):

(а) 2025 йил 1 июлга қадар жалб қилинган профессионал консультантнинг таклифини инобатга олган ҳолда ва Энергетика вазирлигининг ёқилғи етказиб беришнинг энг кам миқдори бўйича кафолати асосида халқаро бозорда иссиқлик электр станцияларининг очик оммавий савдоларини эълон қилсин;

(б) тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси якуни бўйича «Ўзметкомбинат» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушкини савдога чиқарсин.

### **III. Давлат активларини халқаро бозорларда сотиш механизми**

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур қарор доирасида давлат активларини оммавий савдоларга чиқариш ва уларни сотиш жараёнларини ташкил этишда:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги халқаро молия бозорлари конъюнктураси, ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда стратегик инвесторлар талабларидан келиб чиқиб давлат активларини хусусийлаштириш модели ва графигини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Хусусийлаштириш давлат комиссиясига тақдим этади;

(б) Давлат активлари агентлиги халқаро очик оммавий савдолар жараёнини амалга ошириш учун нуфузли халқаро профессионал ташкилотлар ва юридик консультантларни жалб этади;

(в) Давлат активлари агентлиги ёки «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖ «катта тўртлик» туркумига кирувчи баҳоловчи ташкилотларни энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида улар билан тузиладиган шартномаларни экспертиздан ўтказмасдан жалб этади;

(г) халқаро профессионал ташкилотлар томонидан давлат активларини сотиш мақсадида аниқланган қиймат ёки қийматлар оралиғи (баҳолаш фаолиятининг миллий стандарти талабларидан қатъи назар) савдо жараёнида мўлжал сифатида ҳисобга олинади;

(д) жалб этилган баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисботи экспертиздан ўтказилиши талаб этилмайди ва ҳисботда аниқланган нархдан давлат активининг бошланғич нархини белгилашда мўлжал сифатида фойдаланилади;

(е) Хусусийлаштириш давлат комиссияси давлат активларининг хусусийлаштириш моделини ва графикларини тасдиқлаб, сотиш жараёнларини мувофиқлаштириб боради.

### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

6. Давлат активлари агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 декабрга қадар профессионал консультантлар, халқ-

аро молия ташкилотларининг экспертларини жалб этган ҳолда 2030 йилгача давлат корхоналарини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш стратегияси ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Махкамасига киритилишини таъминласин.

7. Давлат активлари агентлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга асосан хусусийлаштирилиши белгиланган активларнинг ҳалқаро бозорларда савдоларини ташкил қилиш ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда PR-консалтинг компаниялари ҳамкорлигига кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, ҳалқаро форумларда тақдимотлар («Road Show») ўтказиш чораларини кўрсинг.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков белгилансин.

9. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
ПҚ-145-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги  
ПҚ-145-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Давлат иштирокидаги йирик корхоналар  
устав капиталидаги акция пакетларини (улушларни)  
хусусийлаштириш олди тайёргарлик ишларини  
мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳининг  
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида тайёрланишини ва халқаро аудитдан ўтказилишини таъминлаш.
2. Савдо жараёнларини ташкил этиш учун нуфузли халқаро консультантларни жалб этиш ва давлат иштирокидаги йирик корхоналар томонидан халқаро рейтинг ташкилотларининг барқарор кўрсаткичларига эришиш жараёнларини мувофиқлаштириб бориш.
3. Хорижий давлатлардаги капитал бозорини тартибга солувчи органлар ва фонд биржалари билан ўзаро ҳамкорлик қилинишини таъминлаш, тегишли меморандум ва шартномаларни тузиш учун музокаралар олиб бориш.
4. Нуфузли халқаро консультантлар ва андеррайтерлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва маркетинг материаллари тайёрланишини ташкил қилиш.
5. Амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чоракда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига ахборот киритиб бориш.
6. Оммавий савдоларга чиқарилган давлат иштирокидаги йирик корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш учун доимий равища хорижий оммавий ахборот воситалари, халқаро молия институтлари ва инвестиция банклари орқали тарғибот ишларини олиб бориш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**182 Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган йигилишида давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ишини янгича тизим асосида ташкил этиш юзасидан белгиланган асосий вазифаларни самарали амалга ошириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида «ҳалоллик вакцинаси» тамойили асосида коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида **қарор қиласман**:

**I. Устувор вазифалар**

1. Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуси 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг устувор вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

- (а) коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;
- (б) давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омилларни бартараф этиш, майший коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, рақамлаштириш, бюрократияни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- (в) идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертиздан ўтказиш ва якунлари бўйича аниқланган коррупциявий нормаларни бекор қилиш бўйича таклиф киритиш;
- (г) давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш, давлат харидлари бўйича превентив ўрганишларни амалга ошириш;
- (д) коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) электрон ҳисобот тақдим этиб бориш;
- (е) тегишли соҳа ва тармоқда коррупциявий хавф-хатарлар рўйхатини шакллантириш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқланишини таъминлаш;
- (ж) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назоратни амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш имконини берувчи ситуациян марказлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

(з) меҳнат жамоасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш бўйича тарбибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

(и) коррупцияга қарши курашиш бўйича ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва жорий этиш юзасидан таклифлар киритиш.

## **II. Коррупцияга қарши ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар**

2. Белгилансинки:

(а) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ваундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида эса кузатув кенгашига (кузатув кенгаши мавжуд бўлмаган ҳолларда корхона раҳбарига) бўйсунади ва унинг олдидаги ҳисобдор бўлади;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари худудий бўлинмалари ва таркибий ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари томонидан тайинланади ҳамда фаолияти улар томонидан мувофиқлаштирилади;

(в) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Агентликнинг тақдимномалари улар фаолият олиб бораётган ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ваундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларини ташкил этишининг минимал мезонлари 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Агентлик Ҳисоб палатаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили давлат органлари ва ташкилотларида мазкур минимал мезонларга асосан коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ташкил этилишини мониторинг қилиб, натижалари бўйича Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиб борсин.

## **III. Коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий эксперимент**

4. 2027 йил 1 январгача ҳуқуқий эксперимент тариқасида қўйидагиларни назарда тутувчи тизим жорий этилсан:

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ҳамда «Ўзсувтаъминот» АЖнинг (кейинги ўринларда — эксперимент ўтказиладиган ташкилотлар) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбари лавозимига Агентлик ходимлари тайинланади;

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари бевосита Агентликка бўйсунади;

(в) эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш Агентлик ҳамда эксперимент ўтказиладиган ташкилотлар томонидан биргаликда амалга оширилади.

5. Хуқукий эксперимент доирасида белгиланган вазифалар ижросини самарави таъминлаш мақсадида:

(а) эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари штат бирликлари хуқукий эксперимент даврида Агентликка ўтказилади;

(б) мазкур штат бирликлари учун Агентликнинг бўлим бошлиғига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий химоя қилиш шартлари қўлланади. Бунда ушбу лавозим учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек, Агентликда ва эксперимент ўтказиладиган ташкилотларда ушбу лавозим учун тўланадиган иш ҳақи ўртасидаги тафовут:

(i) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирликларида фаолият юритувчи Агентлик ходимлари учун — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

(ii) «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзсувтаъминот» АЖда фаолият юритувчи Агентлик ходимлари учун — Агентликнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварафига акциядорлик жамиятлари томонидан ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

6. Агентлик (А. Бурханов) эксперимент ўтказиладиган ташкилотлар билан биргаликда:

(а) бир ой муддатда эксперимент ўтказиладиган ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси ходимлари фаолиятининг хуқукий эксперимент давомидаги энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) белгиласин;

(б) хуқукий экспериментнинг амалга оширилиши ҳақида ҳар ярим йилда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиб борсин;

(в) икки ой муддатда хуқуқий экспериментни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш бўйича кўшма қарор қабул қиласин;

(г) хуқукий экспериментнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида 2027 йил 1 январга қадар ушбу тизимни бошқа давлат органлари ва ташкилотларига ҳам татбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифларни киритсисин.

#### **IV. Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари малакасини ошириш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш**

7. Агентлик давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъ-

минлаш, уларнинг ходимларини стажировка ва аттестациядан ўтказиш ҳамда малакасини ошириш бўйича маҳсус ваколатли орган этиб белгилансин.

8. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга карши ички назорат бўлинмаларининг илк марта лавозимга тайинланган масъул ходимлари қўйидаги тартибда икки ҳафталик стажировкадан ўтиши белгилансин:

(а) давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари — Агентликда;

(б) ҳудудий бўлинма ва таркибий ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлари — давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларида.

#### 9. Агентлик:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда уларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари учун ҳар йили коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларини ҳамда уларнинг қонунчиликда белгилangan тартибда ҳар уч ўйлда аттестациядан ўтказилишини ташкил этиб борсин;

(б) уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгилangan тартибда Вазирлар Махкамасига киритсин:

(i) Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш;

(ii) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод этишни Агентлик билан келишиш тартибини белгилаш;

(iii) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) тасдиқлаш ва баҳолаш тартибини белгилаш;

(iv) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимларининг малакасини ошириш, уларни стажировка ва аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

(v) уч ой муддатда коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимларининг касбий стандартлари ишлаб чиқилиши ва белгилangan тартибда тасдиқланишини таъминласин;

(г) 2025 ўйл 1 июлга қадар «E-anticor.uz» электрон платформасида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг электрон реестрини юритиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботни электрон шаклда тақдим этиш, аноним сўровномалар ўтказиб, натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш имконини берувчи электрон модулни ишга туширсин;

(д) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш натижалари бўйича ҳар ярим ўйлда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиб борсин.

## V. Молиявий ресурслар

10. «E-anticor.uz» электрон платформасини функционал кенгайтиришга қаратилган модулни яратиш билан бөрлиқ харажатлар Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ва миллий донорлар томонидан ажратилган маблағлар ва қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

## VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Агентлик Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсад, вазифалари, ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қиласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-илювага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Агентлик (А. Бурханов) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
ПҚ-147-сон

---

\* 2-илюва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**183 Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан та-  
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълим ташкилотларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида **қарор қи-  
ламан:**

**I. Мақсадлар**

1. Турдош йўналишдаги олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб йириклиштириш ҳамда тиббий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни самарали ташкил этиш ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб белгилансин.

**II. Тиббиёт олий таълим муассасаларини қайта ташкил этиш**

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти негизида Тошкент давлат тиббиёт университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш;

(б) Тошкент тиббиёт академиясининг марказий илмий-текшириш лабораторияси негизида Тиббиёт илмий-инновацион тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйиш;

(в) Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалини Урганч давлат тиббиёт институти этиб қайта ташкил этиш;

(г) Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Тошкент давлат стоматология институти клиникасини Тошкент давлат тиббиёт университети клиникалари (кейинги ўринларда — Университет клиникалари) этиб қайта номлаш;

(д) Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз ва Чирчиқ филиалларини Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термиз ва Чирчиқ филиаллари этиб қайта номлаш;

(е) Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ва Тошкент давлат стоматология институти академик лицейини Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-, 2- ва 3-сон академик лицейлари этиб қайта номлаш.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 апрелда эълон килинган.

3. Кўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

(а) тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(б) таълим дастурларини халқаро тиббий таълим стандартларига мувофиқлаштириб, компетенцияларга асосланган тиббий таълим дастурларини жорий этиш;

(в) ўқув жараёнини амалий кўнкималарни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиникалар ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунылигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

(г) фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

(д) илмий салоҳиятни мунтазам равишда ошириб бориш;

(е) Университет ва унинг тизимида кирувчи таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жихозлаш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш.

4. Белгилансинки:

а) Университет:

(i) тиббиёт соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади;

(ii) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб магистратурада босқичма-босқич хорижий тил(лар)да ўқитиладиган алоҳида гурухлар ташкил этади;

(iii) тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқув жараёнларини ташкил этишда услубий ёрдам кўрсатади;

(iv) Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтининг барча ҳуқук ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(v) Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўзноми давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкларга, мустақил балансга ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

(vi) Соғлиқни сақлаш вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунади. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Университет битирувчиларининг малака талабларини ишлаб чиқиш, Университет моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда талабаларга амалиёт базаларида зарур шарт-шароит яратишда кадрлар буюртмачиси сифатида кўмаклашади;

б) ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари Университет талабалари учун клиник амалиёт базалари этиб белгиланди;

в) Университетга талабаларни ўқишига қабул қилиш 2025/2026 ўқув йи-

лидан бошланади. Бунда Университетга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида белгиланади;

(г) 2025/2026 ўкув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида тахсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Университет дипломи берилади;

(д) Университет кенгашига Университет хузурида тиббиёт ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузиш ва унинг таркибини тасдиқлаш ҳамда мазкур илмий кенгашга талабгорларни илмий даражаларда мустақил тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилади.

5. Университет клиникалари юридик мақомини сақлаб қолган ҳолда маъмурий ва ташкилий-бошқарув жиҳатдан Университет ректорига бўйсунади. Бунда:

(а) Университет клиникаларини амалдаги молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади;

(б) Университет кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан унинг клиникалари ва клиник базалари таъмирланиши ҳамда янги тиббий ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланиши мумкин.

6. Қўйидагилар:

(а) Тошкент давлат тиббиёт университети кузатув кенгашининг таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

(б) 2025 — 2027 йилларда Тошкент давлат тиббиёт университетида кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ;

(в) Тошкент давлат тиббиёт университетига оператив бошқарув ҳуқуки асосида бепул бериладиган обьектлар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин..

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Университетнинг Тошкент шахри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй манзилида жойлашган худудида замонавий ўкув биноси, ахборот-ресурс маркази, виварий, экспериментал лаборатория, замонавий медиамарказ, нашриёт ҳамда IT марказни ўз ичига олган 5 000 ўринли ўкув биносини қуриш, замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда:

(а) ушбу ўкув биносини қуриш ва жиҳозлаш учун жалб қилинган кредитларнинг 75 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан;

(б) 25 фоизи — Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

8. Университет кузатув кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иктисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хорижий консультант жалб қилган ҳолда 2025 йил якунига қадар Университет тизимидағи барча ташкилотларга марказлашган тартибда молия-бухгалтерия хизмати, моддий-техника таъминоти хизмати, бино ва иншоотлардан фойдаланиш хизматини кўрсатувчи ягона марказ ташкил этсин.

9. Университет тузилмасида ҳомийлик хайриялари ҳисобидан тўлдириладиган Тошкент давлат тиббиёт университетини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин. Бунда белгилансинки:

(а) Университетга тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағларнинг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми Университетни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

(б) ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган маблағлар Университет кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ таълим жараёнини яхшилаш, моддий-техник базани ривожлантириш учун ишлатилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа оғиси билан биргаликда:

(а) 2025 йил 1 сентябрга қадар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида шартнома тузиш орқали Университетнинг бошқарув кадрлари лавозимларига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб қилиш чорасини кўрсин;

(б) Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида уч ой муддатда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда Университет ҳузурида Трансформация оғисини ташкил этсин.

11. Трансформация оғиси қўйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

(а) Университетни 2030 йилга қадар халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, шунингдек, Университет таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш;

(б) 2025 — 2028 йилларда хорижий олий таълим ташкилотларида камида 120 нафар етакчи профессор-ўқитувчининг стажировкасини ташкил этиш;

(в) Университетда умумтаълим фанларини қисқартириш ҳисобидан мутахассислик фанлари ва амалий машғулотлар улушини ошириш орқали амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;

(г) талабаларнинг барча ёзма иш ва диссертацияларини кўчирмачиликка қарши текшириш (антiplагиат) механизмини жорий этиш;

(д) Университетда ўқув ва иш жараёнларини (хужжат айланмаси, ахборот-кутубхона ресурси, талаба ва ходимлар маълумотлари) тўлиқ рақамлаштириш, шунингдек, талабаларнинг ўзлаштириши, дарс жадвали, маъруза материаллари ва бошқалар акс эттирилган талабаларнинг «шахсий кабинети»ни юритиш.

12. Университетга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилсин. Бунда:

(а) Университетга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-60-сон ҳамда 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-61-сон қарорларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади;

(б) Университетга хорижий ўқув ва илмий адабиётларни ҳамда уларни таржима қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини харид қилишда, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда ишлашда ҳамда хорижий мутахассислар учун уй-жой ижарасини расмийлаштиришда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади;

(в) янги авлод тиббий таълим адабиётлари ва ўқув ресурсларини яратиш, харид қилиш, таржима қилиш ва нашр этиш харажатлари Давлат бюджети ва Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти ҳамда уларнинг клиникалари штатлар сонини мақбуллаштириш натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни белгиланган тартибда иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўрсин.

#### 14. Белгилансинки:

(а) Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотлари грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) Университет фаолиятини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

### **III. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш**

#### 15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) бир ой муддатда Урганч давлат тиббиёт институти фаолиятини ташкил этишга оид қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

17. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 22 апрель,  
ПҚ-149-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **184** *Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\**

Давлат кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда уларни хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов ишларини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Кўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги Конунининг 22-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давлат активлари агентлиги):

давлат мулкини бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириши;

давлат муассасаларининг, шу жумладан давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкини бошқариш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши;

давлат муассасаларига оператив бошқарув хуқуқи асосида берилган давлат мулкининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки лозим дараҷада фойдаланилмаётган давлат мулкини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиши;

б) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг маъмурий биноларида ходимларни жойлаштириш меъёрлари тасдиқланганлиги;

в) маъмурий биноларда ходимларни жойлаштириш меъёрларидан келиб чиқсан холда, Давлат активлари агентлигига республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини самарали жойлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйидагиларни назарда тутувчи Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

хатловни ўтказишнинг бирламчи маълумотларини шакллантириш учун тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларидан онлайн ахборот алмашинуви орқали реал вақт режимида маълумотларни олган холда таҳлил қилиш;

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 апрелда эълон қилинган.

тахлил натижасида шаклланган давлат кўчмас мулк обьектлари асосида Давлат активлари агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш маркази томонидан обьектни жойига чиқкан ҳолда хатловдан ўтказиш;

бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари (кейинги ўринларда — бўш турган бино) тўғрисидаги маълумотларни «Инвентаризация» мобил иловавси орқали реал вакт режимида «Давлат мулки» ахборот тизимига (кейинги ўринларда — «Давлат мулки» АТ) киритиш;

«Давлат мулки» АТ орқали бўш турган биноларнинг ҳисобини юритиш; бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш мезонларини белгилаш.

### 3. Белгилансинки:

бўш турган бинолар биринчи навбатда оммавий савдоларга чиқарилиши учун хусусийлаштириш дастурига киритилади. Бунда давлат ташкилотлари бўш турган бинони ўзида «сот ёки тушунтир» тамоили бўйича сақлаб қолади;

уч ойдан ортиқ бўш турган бинолар балансда сақловчилар билан келишилмаган ҳолда (ижтимоий соҳа обьектлари ушбу ўёналиш бўйича) ижарага бериш учун «E-auksion» электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади, маҳфийликнинг алоҳида тартиби татбиқ этиладиган давлат мулкининг, шу жумладан, ҳарбий ва маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган алоҳида тартибга ва алоҳида муҳим, муайян тартибга бўйсунувчи ҳамда давлат сири билан боғлик, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз ҳисобланган, давлат-хусусий шериклик асосида берилиши белгиланган ҳамда қурилиши тугалланмаган обьектлар бундан мустасно;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда давлат кўчмас мулк обьектларидан текин фойдаланиш хукуки асосида фойдаланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари маъмурий биноларда ходимларни жойлаштириш меъёрларига асосан жойлаштирилади;

давлат кўчмас мулк обьектларини текин фойдаланишга бериш бўйича шартномалар, шунингдек, уларни ижарага ёки текин фойдаланишга бериш бўйича тузилган шартномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш фақатгина «online-ijaga.uz» ахборот тизими орқали амалга оширилади, бунда тузилган текин фойдаланиш шартномалари «online-ijaga.uz» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади.

### 4. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

бир ой муддатда давлат кўчмас мулк обьектларидан текин фойдаланиш бўйича расмийлаштирилган шартномалар «online-ijaga.uz» ахборот тизимида қайта рўйхатдан ўтказилишини;

маъмурий биноларга ходимларни жойлаштириш меъёрларидан келиб чиқкан ҳолда, тизимида ташкилотларнинг маъмурий биноларини ўрганиш, тахлил қилиш ва улардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилишини таъминласин.

5. Нодавлат нотижорат ташкилотларига бир ой муддатда давлат мулкидан текин фойдаланиш бўйича расмийлаштирилган шартномаларни «online-ijaga.uz» ахборот тизимида қайта рўйхатдан ўтказиш тавсия этилсин.

6. Давлат активлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бергаликда уч ой муддатда:

«online-iжара.uz» ахборот тизимини «property.davaktiv.uz» ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин;

қонунчилек ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim ҳужжатларига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича савдоларни ошкора ва шаффоф механизмлар орқали ташкил этишни янада такомиллаштириш;

электрон онлайн-аукцион савдоларида иштирок этиш учун давлат мулкининг бошланғич нархларига боғлиқ равишда закалат миқдорини белгилаш;

электрон онлайн-аукцион савдоларида турган майдони кичик бўлган ён-ма-ён турган ер участкалари шаҳарсозлик нормаларидан келиб чиқсан ҳолда бирлаштирилиб қўшимча келишувларсиз қайта аукцион савдоларига чиқариш;

хусусийлаштириш соҳасидаги қонунчилек ҳужжатларини тизимлаштириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
247-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 21 апрелдаги 247-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини хатловдан  
ўтказиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил  
этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом нотурар бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини аниқлаш ва хатловдан ўтказиш, хатлов натижаларини расмийлаштириш, бўш турган давлат кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш мезонлари ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат кўчмас мулк объектларига, ўта муҳим ва тоифаланган объектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ижтимоий соҳа обьекти** — давлат мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал ва олий таълим, театр ва концерт-томуша муассасаларининг оммавий-маданий ҳамда концерт-томуша тадбирлари ўтказиладиган обьектлари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва кинолаштириш муассасаларининг давлат кўчмас мулк обьектлари (ушбу соҳадаги давлат ташкилотларининг маъмурий бинолари бундан мустасно);

**давлат ташкилоти** — давлат органи ёки давлат муассасаси.

3. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва улардан самарали фойдаланиш ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схемага асан ташкил этилади.

**2-боб. Давлат кўчмас мулк обьектини хатловдан ўтказиш**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридан Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) хатловни ўтказишнинг бирламчи маълумотларини шакллантириш учун онлайн ахборот алмашинуви орқали реал вақт режимида қўйидаги давлат органларининг ахборот тизимларидан маълумотларни олади:

Адлия вазирлигидан — давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларнинг ҳамда тугатилган давлат ташкилотларнинг номи ва расмий юридик манзили;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан — давлат ташкилотларининг лавозим бўйича штат жадвали ҳамда уларнинг амалдаги маъмурий-бошқарув ходимлари ва техник ходимлари сони;

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан — бюджетдан молиялаштириладиган давлат ташкилотларининг лавозим бўйича штат жадвали, ҳудудларни ривожлантириш ҳамда давлат-хусусий шериклик дастурларига киритилган обьектлар номи, манзили ва балансда сақловчилари;

Кадастр агентлигидан — давлат кўчмас мулк обьектларининг ўлчамлари, тоифаси, тури (литер) ва геолокацияси;

Маданий мерос агентлигидан — давлат кўчмас мулк обьекти ҳисобланган моддий маданий мерос обьектларининг номи, манзили ва балансда сақловчилари;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигидан — қурилиш ишлари тугалланмаган давлат обьектларининг номи, манзили ҳамда қурилишга рухсат берилган санаси ва якунлаш муддати;

Солиқ қўмитасидан — ижара шартномасига асосан ижарага берилган давлат кўчмас мулк обьектлари номи, манзили ва балансда сақловчилари;

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасидан — давлат мулкида бўлган хавфли ишлаб чиқариш кўчмас мулк обьектларининг номи, манзили ва балансда сақловчилари;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан — давлат мулкида бўлган фуқаро муҳофазаси обьектларининг номи, манзили ва балансда сақловчилари;

Мажбурий ижро бюросидан — давлат кўчмас мулк обьектларига нисбатан тақиқнинг (чеклов)нинг мавжудлиги.

5. Бўш турган давлат кўчмас мулк обьектини таҳлил қилиш жараёнида тегишли давлат ташкилотлари Марказга маълумотларни реал вакт режимида бепул тақдим этади.

Марказ бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини таҳлил қилиш жараёнида тегишли давлат ташкилотларидан қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин, бунда давлат ташкилотлари сўралган маълумотларни реал вакт режимида тақдим этиши шарт.

6. Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Давлат активлари агентлиги) «property.davaktiv.uz» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «property.davaktiv.uz» АТ) киритилган давлат кўчмас мулк обьектлари бўйича масъулиятлар ушбу Низомнинг 4-бандида келтирилган ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинади.

7. Таҳлил натижасида Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари Давлат активлари агентлигининг «Давлат мулки» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Давлат мулки» АТ) қўйидагиларни аниқлайди:

ходимларнинг белгиланган меъёрларга мувофиқ жойлаштирилганлиги ва меъёрга асосан ортиқча майдонларнинг ўлчамини;

давлат кўчмас мулк обьектларидан фойдаланишда ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг белгиланган тартибида тузилганлигини;

объектнинг тоифаси ва турлари (литерлари)нинг номма-ном таҳлилини;

ижтимоий соҳа, ўта муҳим ва тоифаланган обьектлар жумласига киришини;

битта манзилда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларнинг мавжудлигини.

8. Давлат кўчмас мулк обьектлари Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан хатловдан ўтказиш бўйича рўйхат шакллантирилгандан сўнг бир ой муддатда ушбу рўйхат асосида жойига чиқсан ҳолда «Давлат мулки» АТГа тегишли маълумотларни киритиш орқали хатловдан ўтказилади.

Бунда мазкур Низомнинг 4-банди бўйича қўшимча давлат кўчмас мулк обьектлари аниқланиб, хатловдан ўтказиш зарурати мавжуд бўлганда, обьект жойига чиқсан ҳолда хатловдан ўтказилади.

9. Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари хатлов натижасида аниқланган бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари тўғрисида кўйидаги маълумотларни «Инвентаризация» мобил иловаси орқали «Давлат мулки» АТГа реал вақт режимида киритади:

а) обьект бўйича:

балансда сақловчи;

кадастр рақами;

манзили;

умумий ер майдони;

объектнинг умумий (қурилиш ости) майдони, шундан бўш турган майдони;

бўш турган обьектнинг номи (литерлари);

ижтимоий соҳа обьекти тоифасига кириши ёки кирмаслиги;

фотосуратлари;

геолокацияси;

сервитут мавжудлиги;

бўш турганлиги бўйича онлайн далолатнома, бунда балансда сақловчи келишишдан бош тортганда, бош тортганлиги тўғрисида белги киритилади;

б) обьектдан самарали фойдаланиш бўйича:

бўш турган давлат кўчмас мулк обьектининг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланган ҳудудларни ёки тармоқларни ривожлантириш бўйича дастур ёки қарорларда (тармоқ жадвалида), давлат-хусусий шериклик дастурида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини хусусийлаштириш ёки келгусида улардан самарали фойдаланиш бўйича қарорларида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

бўш турган давлат кўчмас мулк обьекти хусусийлаштирилмайдиган обьектлар тоифасига кириши ёки кирмаслиги;

бўш турган давлат кўчмас мулк обьектига нисбатан тақиқ (чеклов)нинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

10. Марказ ва унинг худудий бошқармалари «Давлат мулки» АТда бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларининг ҳисобини юритиш соҳасида қуидагиларни амалга оширади:

а) тоифаларга ажратиш бўйича:

бўш турган;

меъёрга асосан ортиқча майдон аниқланган;

қурилиши тугалланмаган (бир йилдан ортиқ муддатда);

б) самарали фойдаланиш чоралари кўрилганлиги бўйича:

ривожлантириш дастурларига киритилган;

оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган;

давлат-хусусий шериклик дастурига киритилган;

ижарага бериш учун оммавий савдоларга чиқарилиши белгиланган.

11. Марказ аниқланган бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари (объект номи, манзили, майдони ва балансда сақловчиси) тўғрисидаги маълумотларни хатлов яқунлангандан сўнг ўн кун муддатда ўзининг расмий веб-сайтида эълон қиласи.

### **3-боб. Бўш турган давлат кўчмас мулк обьектидан самарали фойдаланиши ташкил этиш мезонлари**

12. Бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларидан самарали фойдаланиш қуидаги тартибда ташкил этилади:

а) биринчи навбатда объект оммавий савдоларга чиқарилиши учун хусусийлаштириш дастурига киритилади. Бунда:

давлат ташкилотлари бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини «сот ёки тушунтир» тамоили бўйича сақлаб қолади;

қуидаги талабларнинг бирига ёки бир нечтасига мос келганда бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари хусусийлаштириш дастурларига киритилмаслиги мумкин:

давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган хусусийлаштирилмайдиган давлат кўчмас мулки обьекти бўлганда;

объектни яхлит ҳолда ажратиб олиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

худудларни ёки тармоқларни ривожлантириш бўйича дастур ёки қарорларга киритилган тақдирда;

б) қуидаги ҳолатларда обьектлар балансда сақловчилар билан келишилмаган ҳолда, ижарага бериш учун «E-auksion» электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион савдоларига (ушбу кичик банднинг тўртинчи-бешинчи хатбошиларидағи ҳолатларда ижтимоий соҳа обьектлари бўлганда ушбу йўналиш бўйича) чиқарилади:

амалда хусусийлаштириш дастурларига киритилиб, уч ойдан ортиқ муддатда сотилмасдан турганда;

худудларни ёки тармоқларни ривожлантириш бўйича дастур ёки қарорларга киритилган тақдирда;

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари ҳамда жисмоний шахсларнинг обьектни ижарага

бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги буюртманомалари берилганда;

балансда сақловчи бўш турганлиги аниқланган объектдан уч ой муддатда самарали фойдаланиш чораларини кўрмаган тақдирда.

Бунда:

Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ушбу кичик банднинг иккинчи ва учинчи хатбошисидаги ҳолатларда хусусийлаштирилгунга ёки таъмирлаш бошлангунга қадар ижарага бериш муддатлари белгиланади;

қолган ҳолатларда ижарага бериш муддатлари балансда сақловчининг тақлифига асосан Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланади, Марказнинг сўровига асосан беш кун ичida жавоб берилмаган тақдирда, Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари уч йил муддатгача ижарага бериш муддатини мустақил белгилайди;

мазкур кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги ҳолатда давлат кўчмас мулк обьекти бўш турганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган бўлиши ҳамда бўш турган давлат кўчмас мулк обьекти тўғрисидаги маълумот Марказнинг веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб, балансда сақловчи томонидан уч ой ичida обьектдан самарали фойдаланилгани тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни фотосуратлари билан бирга Марказ ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармаларига тақдим этмаган бўлиши лозим.

13. Қуйидаги ҳолларда бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари ижарага бериш учун «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилмайди:

давлат-хусусий шериклик асосида берилиши белгиланганда, давлат шериги томонидан ижарага бериш ташаббусини билдирган ҳоллар бундан мустасно;

махфийликнинг алоҳида тартиби татбиқ этиладиган давлат мулкининг, шу жумладан, ҳарбий ва маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган алоҳида тартибга ва алоҳида муҳим, муайян тартибга бўйсунувчи ҳамда давлат сири билан боғлиқ давлат кўчмас мулк обьектлари бўлганда;

Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан визуал кўрикдан ўтказиш жараёнида обьект фойдаланишга яроқсиз ҳолатда бўлганда, бунда Марказнинг ҳудудий бошқармалари бўш турган давлат кўчмас мулк обьектининг фойдаланишга яроқсизлиги тўғрисидаги ваколатли органнинг хulosаси белгиланган тартибда олинади;

курилиши тугалланмаган обьект бўлганда.

14. Давлат ташкилотларининг ходимлари маъмурий биноларга ходимларни жойлаштириш меъёрларига асосан жойлаштирилади, суд, Куролли Кучлар, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг тизимидағи ташкилотлар ва ижтимоий соҳа ташкилотларининг бинолари бундан мустасно.

Давлат активлари агентлиги томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча майдонга эга бўлган давлат ташкилотларига ўн кун муддатда ходимларни белгиланган меъёрлар бўйича жойлаштириш ҳамда бўшаган майдонларни (литерлар ёки хоналар кесимида рўйхат) тақдим этиш бўйича огоҳлантириш юборилади.

Белгиланган муддатда огоҳлантириш ижроси тўлиқ таъминланмаган тақдирда, Давлат активлари агентлиги давлат ташкилотларининг маъмурий биноларига ходимларни жойлаштириш меъёрларига асосан самарали жойлаштириш бўйича қарор қабул қиласди.

Тегишли давлат ташкилотлари Давлат активлари агентлиги томонидан қабул қилинган қарор ижросини ўн иш куни ичida таъминлаши шарт.

15. Жисмоний ва нодавлат юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан бўш турган давлат кўчмас мулк обьекти қонунчиликда белгиланган тартибда ишончли бошқарувга ёки давлат-хусусий шерикликка берилиши мумкин.

16. Балансда сақловчи ва унинг юқори турувчи ташкилоти Марказ ва унинг худудий бошқармалари, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига бўш турган давлат кўчмас мулк обьектини бузиш тўғрисида Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуриданаги Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси, курилиш соҳасидаги лойиҳалаштириш ташкилоти, маҳсус лицензияга эга бўлган ташкилот ёки илмий-тадқиқот муассасасининг бўш турган давлат кўчмас мулк обьекти фойдаланиш учун яроқсизлиги тўғрисидаги хуносаси илова қилинган ҳолда мурожаат қилишлари мумкин.

Бунда обьект бузилиши натижасида аниқланган фойдаланиш учун яроқли қурилиш ва бошқа материаллар балансда сақловчи томонидан тузиладиган комиссиянинг далолатномасига асосан электрон онлайн-аукцион савдололига чиқарилиши мумкин.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

18. Ушбу Низом қоидалари қўлланилиши билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 21 апрелдаги 247-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташгорплодоовошчпром» бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 29 январдаги 37-сон қарорининг 3-банди тўртингчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«пайдо бўлаётган эркин нархларда кенг ассортиментда йил давомида картошка ва мева-сабзавот маҳсулотларини сотишни ташкил этиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўғрисида» 1993 йил 1 марта даги 114-сон қарорининг 5 ва 6-бандлари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни ўтказиш учун масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни ўтказиш бўйича аниқ ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқсин, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун дарҳол чора-тадбирлар кўрсин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органдари билан биргаликда ўз хизмат мавқенини суиистеъмол қилаётган ва давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тартибини бузишда айбдор бўлган шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортсан».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 13 марта даги 124-сон қарорида:

а) 6-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига» сўзлари «Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг учинчи хатбоисидаги «давлат мулкини хусусийлаштиришдан ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 10-банддаги учинчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти даромадлари (фойдаси) компания акцияларини сотиш, мол-мулки компаниянинг устав фондига тўлиқ кирган ташкилотларнинг ажратмалари (улар соф фойдасининг 50 фоизигача миқдорда), шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлардан шакллантирилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш хақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида:

а) 3-иловада:

2-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«танлов»** — танлов ҳужжатлари мезонлари ва шартларига мувофиқ (ҳар қандай нодавлат юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган) қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали харидорни аниқлаш бўйича савдо шакли»;

ўн учинчи ва ўн тўртингчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи — йигирма бешинчи хатбошилар тегишлича ўн учинчи — йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

йигирманчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«аукцион** — мусобақалashiш асосида (ҳар қандай нодавлат юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган) харидорни аниқлаш шакли, бунда энг катта нархни таклиф қилган қатнашчи олди-сотди шартномасини тузиш хуқуқига эга бўлади»;

йигирма биринчи хатбоши чиқариб ташлансан;

йигирма иккинчи ва йигирма учинчи хатбошилар тегишлича йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

йигирма биринчи хатбошидаги «ёпиқ» сўзи «танлов асосидаги» сўзлари билан алмаштирилсан;

26-баннда:

учинчи хатбошидаги «(очик ёки ёпиқ)» сўзлари чиқариб ташлансан;

тўртингчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«ўзининг расмий веб-сайтида аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани (бундан бўён матнда аукцион тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) чоп этади (танлов асосидаги аукционлар ўтказиш ҳолларидан ташқари)»;

27-баннда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«аукцион ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин ўзининг ва сотувчининг расмий веб-сайтида аукцион тўғрисидаги хабарномани эълон қиласди, бунда байрам ва дам олиш кунларида савдолар ўтказилмайди, савдо байрам ва дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда, навбатдаги иш кунида ўтказилади»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«танлов асосидаги аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномаларни (бундан бўён матнда танлов асосидаги аукцион тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) юборади ва мазкур хабарномада кўрсатилган нодавлат юридик ва жисмоний шахслардан буюртманомалар олади»;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилардаги «очик» сўзи чиқариб ташлансан;

28-баннинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«28. Аукцион тўғрисидаги (танлов асосидаги аукцион тўғрисидаги) хабарнома қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим»;

29-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«29. Танлов асосидаги аукционни ўтказишда сотувчи унинг талабларига мос келадиган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар рўйхатини олдиндан аниқлайди, ихтисослаштирилган ташкилот уларга танлов асосидаги аукцион тўғрисидаги хабарномани аукцион бошланишидан камида ўттиз кун олдин юборади. Танлов асосидаги аукцион тўғрисидаги хабарнома оммавий ахборот

воситаларида чоп этилмайди ва аукцион таклиф этилган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ўтказилади»;

47-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзининг расмий веб-сайтида танлов ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани (бундан бўён матнда танлов тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) чоп этади»;

49-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«илгари танлов тўғрисидаги хабарнома чоп этилган айнан ўша оммавий ахборот воситаларида танлов якунлари ҳақидаги ахборотни танлов ўтказилган кундан бошлаб ўттиз кун ичida чоп этади»;

50-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Танлов тўғрисидаги хабарнома қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим»;

51-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1-илованинг 4-босқичи «Тадбирлар» устуининг иккинчи хатбошисидаги «очиқ» сўзи чиқариб ташлансан;

б) 4-иловада:

2-бандда:

ўн биринчи — йигирма бешинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирдаги ўн биринчи — йигирма иккинчи хатбошилар билан алмаштирилсан:

**«танлов** — танлов ҳужжатлари мезонлари ва шартларига мувофиқ (ҳар қандай нодавлат юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган) қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали харидорни аниқлаш бўйича савдо шакли;

**танлов шартлари** — танловни ўтказиш тартиби, ўтказиш жойи, таклифнинг нархи, давлат кўчмас мулк объектининг техник, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги, шунингдек танлов шартлари ва тартиб-таомили тўғрисидаги дастлабки ахборотдан иборат танлов ташкилотчиси томонидан талабгорларга тақдим этиладиган танлов ўтказиш қоидалари, танлов таклифлари шаклларини ўз ичига олувчи ҳужжатлар тўплами;

**танлов таклифи** — танлов ҳужжатларида белгиланадиган шартларда шартнома тузиш таклифи;

**савдоларни ўтказиш санаси** — аукцион ўтказиш ёки танлов якунлари юзасидан хулоса чиқариш санаси ва вақти;

**сотиб олиш тўлови** — сотиб олинаётган давлат кўчмас мулк объекти учун харидор томонидан миллий ва (ёки) эркин айирбошланадиган валютада (кейинги ўринларда ЭАВ деб аталади) Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган пул маблағлари;

**инвестициявий мажбуриятлар** — давлат кўчмас мулк объектини со-

тиб олишда харидор томонидан давлат кўчмас мулк объектига инвестицияларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган пул баҳосига эга бўлган ва қонун хужжатларига зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган мажбуриятлар;

**ижтимоий мажбуриятлар** — давлат кўчмас мулк объектини сотишда харидор томонидан қабул қилинадиган пул баҳосига эга бўлмаган ва қонун хужжатларига зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган мажбуриятлар;

**аукцион** — мусобақалashiш асосида (ҳар қандай нодавлат юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган) харидорни аниқлаш бўйича савдо шакли, бунда энг катта нархни таклиф қилган қатнашчи давлат кўчмас мулк объектининг олди-сотди шартномасини тузиш хукуқига эга бўлади;

**танлов асосидаги аукцион** — аукционнинг сотувчи томонидан белгиланган мезонлар бўйича олдиндан танланган маҳсус таклиф қилинган шахслар қатнашиши мумкин бўлган тури;

**балансда сақловчи** — сотилаётган давлат кўчмас мулк объекти бириклирлган юридик шахс;

**бошланғич нарх** — давлат кўчмас мулк объектини савдоларга қўйиш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх;

30-бандда:

учинчи хатбошидаги «(очиқ ёки ёпик)» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзининг расмий веб-сайтида аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани (бундан бўён матнда аукцион тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) эълон қиласи, танлов асосидаги аукционлар ўтказиш ҳоллари бундан мустасно»;

31-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аукцион ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин ўзининг ва сотувчининг расмий веб-сайтида аукцион тўғрисидаги хабарномани чоп этади, бунда байрам ва дам олиш кунларида савдолар ўтказилмайди, савдо байрам ва дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда, навбатдаги иш кунида ўтказилади»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«танлов асосидаги аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани (бундан бўён матнда танлов асосидаги аукцион тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) юборади ва мазкур хабарномада кўрсатилган нодавлат юридик ва жисмоний шахслардан буюртманомалар олади»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилардаги «очиқ» сўзи чиқариб ташлансин;

32-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Аукцион (танлов асосидаги аукцион) тўғрисидаги хабарнома қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим»;

33-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Танлов асосидаги аукционни ўтказишда сотувчи унинг талабларига мос келадиган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар рўйхатини олдиндан аниқлайди, савдолар ташкилотчиси уларга ёпик аукцион тўғрисидаги хабарномани аукцион бошланишидан камида ўттиз кун олдин юборади. Танлов

асосидаги аукцион тўғрисидаги хабарнома оммавий ахборот воситаларида чоп этилмайди ҳамда аукцион таклиф этилган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ўтказилади»;

35-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар очик аукцион (танлов асосидаги аукцион) тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддатларда қабул қилинади»;

36-банда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Аукционда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига шахсан ёки почта орқали аукцион (танлов асосидаги аукцион) тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашиш учун буюртманомани икки нусхада тақдим этади»;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аукцион (танлов асосидаги аукцион) тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисобварағига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов хужжатининг нусхаси»;

38-банднинг биринчи хатбошидаги «Очиқ танлов (ёпиқ танлов)» сўзлари «Танлов» сўзи билан алмаштирилсин;

50-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзининг расмий веб-сайтида танлов ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани (бундан бўён матнда танлов тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) эълон қиласи»;

52-банда:

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«танлов таклифлари солинган конвертларни очиш белгиланган санадан камида ўттиз кун олдин ўзининг ва сотувчининг расмий веб-сайтида танлов ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани (бундан бўён матнда танлов тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) эълон қиласи, бунда байрам ва дам олиш кунларида савдолар ўтказилмайди, савдо байрам ва дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда, навбатдаги иш кунида ўтказилади»

тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирдаги тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«талабгорларни тақдим этиладиган ҳужжатларнинг намуналари билан таъминлайди ва уларни расмийлаштиришда ёрдам беради;

танлов якунлари тўғрисидаги ахборотни чоп этади, у танлов ўтказилган кундан бошлаб ўттиз кун ичida илгари танлов тўғрисидаги хабарнома чоп этилган айнан ўша оммавий ахборот воситаларида чоп этилади;

тузилган шартномага мувофиқ бошқа функцияларни бажаради»;

53-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Танлов тўғрисидаги хабарнома қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим»;

54-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

56-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади»;

58-банддаги «Очиқ танлов (ёпиқ танлов)» сўзлари «Танлов» сўзи билан алмаштирилсин;

62-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«62. Танловда қатнашишга буюртманомаларни қабул қилиш танлов тўғрисидаги хабарнома чоп этилган кундан бошланади ва хабарномада белгиланган конвертларни очиш санасидан уч соат олдин тўхтатилади»;

70-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«танлов ўтказиш санасини, илгари танлов тўғрисидаги хабарнома чоп этилган айнан ўша оммавий ахборот воситаларида тегишли ахборотни чоп этиш орқали ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатдан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кўчириш;

аукцион ўтказиш санасини илгари аукцион (танлов асосидаги аукцион) тўғрисидаги хабарнома чоп этилган айнан ўша оммавий ахборот воситаларида тегишли ахборотни чоп этиш орқали (илгари танлов асосидаги аукцион тўғрисидаги хабарнома юборилган нодавлат юридик ва жисмоний шахсларга тегишли ахборотни юборган ҳолда) ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, аукцион (танлов асосидаги аукцион) тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатдан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кўчириш»;

1-иолованинг 4-босқичи «Тадбирлар» устунининг иккинчи хатбошисидаги «очик» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 6-иоловада:

2-бандда:

ўнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«танлов** — танлов хужжатлари мезонлари ва шартларига мувофиқ (хар қандай нодавлат юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган) қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат мулки харидорини аниқлаш бўйича савдолар шакли»;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

6-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Танловни ўтказиша танлов таклифлари солинган конвертлар очиладиган санадан камида ўттиз кун олдин ўзининг расмий веб-сайтида ишчи орган томонидан очик танлов ўтказилиши тўғрисида хабарномани (кейинги ўринларда танлов тўғрисидаги хабарнома деб аталади) эълон қилинади, бунда, байрам ва дам олиш кунларида савдолар ўтказилмайди, савдо байрам ва дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда, навбатдаги иш кунида ўтказилади»;

иккинчи хатбошидаги «Очиқ танлов» сўзлари «Танлов» сўзи билан алмаштирилсин;

7-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

8-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Танловда қатнашиш учун сотувчига талабгор ёки унинг ваколатли вакили танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган танловда қатнашиш учун буюртманоманинг муддатларини икки нусхада қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда, белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали тақдим этади»;

10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Танлов тўғрисидаги хабарномада сотувчи томонидан белгиланган муддатдан кейин тушган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Почта орқали жўнатилган хужжатларнинг тушган санаси сотувчининг рўйхатдан ўтказиши бўйича белгиланади»;

14-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Танловда қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилиш танлов тўғрисидаги хабарнома эълон қилинган кунда бошланади ва конвертларни очишнинг эълонда кўрсатилган санасидан уч соат олдин тўхтатилади»;

16-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Давлат комиссияси ёки унинг топшириғига кўра ишчи орган танлов ўтказиладиган санани танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатни кечикириши мумкин, бу ҳолда илгари танлов тўғрисидаги хабарнома эълон қилинган айнан ўша оммавий аҳборот воситаларида тегишли аҳборот чоп этилади ҳамда қатнашчилар мавжуд бўлганда улар ёзма равища хабардор қилинади»;

17-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Агар конвертларни очишнинг танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган санасигача бирорта ҳам буюртманома тушмаса ёки фақат битта буюртманома тушса, танлов ўтмаган деб эътироф этилади»;

илованинг 1-босқичи «Бажариш муддатлари» устунининг иккинчи хатбошидаги «Очиқ савдо» сўзлари «Савдо» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 7-илова 2-бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«танлов** — танлов хужжатлари мезонлари ва шартларига мувофиқ (ҳар қандай нодавлат юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган) қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали харидорни аниқлаш бўйича савдолар шакли».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини тартибга солишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги 33-сон қарорининг 3-бандидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий

хукуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомга 8-иловада

а) 340-сатри қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	340   Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий бошқармалари	»;
---	---	----

б) қўйидаги таҳрирдаги 340<sup>1</sup>-сатри билан тўлдирилсин:

«	340 <sup>1</sup>   Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	».
---	--	----

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштирилган турар жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумотлар олишнинг маъмурий регламенти 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг худудий бошқармалари (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» давлат унитар корхонаси)» сўzlари «туман (шаҳар) ҳокимликлари» сўzlари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани маҳаллаларида «Тадбиркорлик марказлари»ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорида:

а) 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги «мулки обьектларини «ноль» қийматида харид қилиш» сўzlари «мулкини хусусийлаштириш» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда» сўzlари «Савдо-саноат палатаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 11-бандининг саккизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хўжалик жамиятлари устав капиталидаги акцияларни (улушларни, пайларни), шунингдек, бошқа активларни давлат манфаатларини кўзлаб сотиб олиш ҳамда хўжалик жамияти томонидан алоқа мавжуд бўлмаган акциядорлар (иштирокчилар)нинг улуши қийматини нотариал идоранинг депозитига қўйиш натижасида уларга ўтган акциялар (улушлар)ни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм вилояти худудида бўш турган дав-

лат мулки объектларидан самараали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 апрелдаги 205-сон қарорида:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг Урганч шаҳри Амударё кўчасидаги 1/4-үй манзилида жойлашган умумий майдони 2,58 гектар, шундан бино ва иншоотлар эгаллаган майдон 4 152,23 квадрат метр бўлган «Хоразм троллейбус бошқармаси» давлат корхонаси биносининг бир қисмида (кейинги ўринларда — объект) ўйллик 15 000 тонна синтетик полипропилен ва полиэтилен толалар геотекстил материаллари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун «Khorezm Orient Ceramik» масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда — инвестор) инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан сотиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан»;

б) 2-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2025 йил 31 декабрга қадар 3,0 млн АҚШ доллари микдоридаги инвестиция киритиш орқали обьект негизида ўйллик 15 000 тонна синтетик полипропилен ва полиэтилен толалардан геотекстил материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарори билан тасдиқланган Касбий малакалар, билим ва қўниммаларни ривожлантириш миллий тизими тўғрисидаги низом 159-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция лойиҳалари ва хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш «йўл ҳариталари»ни амалга ошириш, фойдаланилмаётган хоналар ва биноларни ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шарти билан сотиш, шунингдек, давлат мулки обьектларини ижарага бериш муносабати билан зарур иш ўринлари сонини аниқлаш асосида ҳисобланади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг еттинчи, ўн иккинчи ва ўигирма иккинчи хатбошилари, 32-банднинг биринчи — тўртинчи хатбошилари, 33-банднинг тўртинчи — олтинчи ва саккизинчи хатбошилари, 37-банднинг «г» кичик банди биринчи хатбошиси, 48-банднинг иккинчи хатбошиси, 81-банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошилари, 83-банднинг «в» ва «г» кичик бандлари, 90-банднинг иккинчи хатбошисидаги «салоҳиятли» сўзи тегишлича «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш аҳамиятига эга бўлган лойиҳалар ёки бошқа вазифаларни амалга ошириш учун давлатга ва устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва

ундан ортиқ миқдорда давлат улушкига эга юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулк, ер участкалари ҳамда уларга тегишли бўлган ҳуқуқлар бўйича танлов асосидаги аукцион буюртмачи томонидан тақдим этиладиган юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ўтказилиши мумкин.

Буюртмачи томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг маълумотлари (уларнинг рўйхати, шахсий маълумотлари, яшаш худуди ва бошқалар) олдиндан буюртмада кўрсатилади ёки операторга тақдим этилади.

Ушбу тартибда ўтказиладиган танлов асосидаги аукцион тўғрисида савдо ўтказилишидан беш календарь кун, такрорий савдода бир календарь кун олдин иштирокчиларнинг шахсий кабинетига хабарнома юборилади.

Таклиф этилган шахслар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмагани ёхуд танлов асосидаги аукцион савдоларига оид маълумотлар билан танишиб чиқмаганлиги учун оператор жавобгар ҳисобланмайди.

Мазкур танлов асосидаги аукцион ҳам ушбу Низомда белгиланган тартиб-таомилларга асосан ўтказилади»;

в) 5-банднинг олтинчи хатбошисидаги «, ёпиқ аукцион ва танлов бундан мустасно» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 14-банд қўйидаги мазмундаги ўн бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича аукцион савдоларида иштирок этиш учун давлат мулкининг бошланғич нархларига боғлик равишда закалат миқдори қўйидагича белгиланади:

аукцион объектининг бошланғич нархи БҲМнинг 100 бараваригача бўлганда — бошланғич нархнинг 15 фоизи миқдорида;

аукцион объектининг бошланғич нархи БҲМнинг 100 бараваридан юқори, лекин БҲМнинг кўпи билан 1000 бараваригача бўлганда — бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида;

аукцион объектининг бошланғич нархи БҲМнинг 1000 бараваридан юқори, лекин БҲМнинг кўпи билан 10 000 бараваригача бўлганда — бошланғич нархнинг 5 фоизи миқдорида;

аукцион объектининг бошланғич нархи БҲМнинг 10 000 бараваридан юқори бўлганда — бошланғич нархнинг 3 фоизи миқдорида»;

ўн бешинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишлича йигирма — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 33-банд қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича ўтказилган савдоларда аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини аукцион натижалари бўйича баённома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш куни ичидан имзолашдан бош тортса, оператор захирадаги ғолибга олди-сотди шартномасини тузишни таклиф қиласи. Агар захирадаги ғолиб ҳам олди-сотди шартномасини ўн иш куни ичидан имзолашдан бош тортса, давлат мулкини сотиш бўйича аукцион бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади ҳамда мазкур давлат мулки такрорий аукционга қўйилади»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 34-банддаги «(ушбу Низомнинг 24-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно)» сўзлари «ижро ҳужжатлари бўйича тақорор ўтказиладиган аукционлар ҳамда ушбу Низомнинг 24-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 41-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «тақдирда» сўзидан кейин «ижро ҳужжатлари бўйича ўтказиладиган тақорор ўтказиладиган аукционлар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

з) 42-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Тақорор ўтказиладиган аукционлар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

Бунда ижро ҳужжатлари бўйича тақорор ўтказиладиган аукционлар мазкур Низомнинг 2-боби 5-параграфида келтирилган ижро ҳужжатлари бўйича объектларни электрон онлайн-аукционга чиқариш ва сотишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўтказилади»;

и) 50-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижалари хақидаги баённома уни тақиқдан ечиш, шунингдек, аукцион ғолиби номига мулкни, мулк ҳуқуқини ва бошқа мулкий ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиши (ҳисобга қўйиш) учун асос ҳисобланади. Бунда мажбурий тартибда ундириш учун юборилмаган маъмурий жарималарни тўлаш мажбурияти мол-мулкнинг сабиқ эгаси зиммасида қолади».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 3-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси» сўзлари ««Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 16-банд қўйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни тақлифларига асосан ёнма-ён турган ер участкалари майдонини бирлаштирган ва/ёки лотларга бўлган ҳолда аукцион савдоларига чиқарилади.

Бунда Кадастр агентлиги томонидан «YERELEKTRON» ААТда қўшимча келишувларсиз ер участкалари майдонини бирлаштирган ва/ёки лотларга бўлган ҳолда (ер участкасининг майдони, бошланғич нархи ва фаолият турларини мувофиқлаштирган) ҳолда қайта аукционга чиқариш имконияти яратилади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 25 марта даги 133-сон қарорида:

а) 1-илова билан тасдиқланган Стратегик турдаги (асосий) фойдали қа-

зилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки учун рухсатномаларни электрон онлайн-аукцион орқали бериш схемасининг З-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-илова билан тасдиқланган Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукукини электрон онлайн-аукцион орқали бериш схемасининг З-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 3-илова билан тасдиқланган Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун берилаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки электрон онлайн-аукцион орқали бериш схемасининг З-босқичи «Тадбирлар» устунидаги «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига олинган мол-мулкларни соддалаштирилган аукцион тамойиллари асосида «E-auksion shop» электрон савдо дўкони орқали сотиш тартиби тўғрисида» 2023 йил 4 октябрдаги 526-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин;

б) иловада:

32 — 34-бандлар, 36-банднинг бешинчи хатбошиси, 38-банднинг иккинчи хатбошиси, 39-банднинг биринчи хатбошиси, 43-банднинг иккинчи хатбошисидаги «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 16 октябрдаги 540-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий мулкдорлар буюртмаси асосида уларнинг мулкларини соддалаштирилган тартиб ва муддатларда «E-auksion shop» электрон савдо дўкони орқали сотиш ва ижарага бериш бўйича савдолар ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35 — 37-бандлари, 39-банднинг тўртинчи хатбошиси, 42-банднинг иккинчи хатбошиси, 43-банднинг биринчи хатбошиси, 47-банднинг иккинчи хатбошисидаги «салоҳиятли» сўзи тегишлича «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида уй-жойни (квартира, уй, квартиранинг ёки уйнинг бир қисмини) хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома ҳамда давлат мулки обьектини хусусийлаштириш учун буюртманома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш хақида» 2023 йил 27 ноябрдаги 627-сон қарорида:

а) 2-банд «туман (шахар) ҳокимликлари» сўzlаридан кейин «(Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» ДУК)» сўzlари билан тўлдирилсин;

б) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

3-банднинг тўртинчи хатбошиси «туман (шахар) ҳокимлиги» сўzlаридан кейин «(Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари

ва маълумотномалар бериш маркази» ДУК (кейинги ўринларда — Марказ))» сўзлари билан тўлдирилсин;

1-илова билан тасдиқланган Алоҳида уй-жойни (квартира, уй, квартиранинг ёки уйнинг бир қисмини) хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома бериш схемасининг 2-босқичнинг «Тадбирлар» устуни 1 ва 2-бандлардаги ҳамда 3-босқичнинг «Субъектлар» устунидаги тегишли келишикдаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги» сўзларидан кейин тегишли келишикдаги «Марказ» сўзи билан тўлдирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 декабрдаги 674-сон қарори билан тасдиқланган Ўрмон фонди ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали ижарага беришнинг маъмурий регламентида:

- а) 26-банддаги «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин;
- б) 2-илованинг 6-босқичи «Тадбирлар» ва «Муддатлар» устунларидағи «салоҳиятли» сўзи «захирадаги» сўзи билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида «Тошкент Инвест компанияси» акциядорлик жамияти ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 25 мартағи 149-сон қарори 2-бандининг:

биринчи хатбошисидаги «худудидаги» сўзи «худудидаги, шунингдек, бўш турган ер участкасини аниқлаш ва танлаш материаллари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тайёрланган» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «харажатларни чегирган ҳолда,» сўзларидан кейин «Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида очилган алоҳида даромад ҳисобвагига ўтказилгандан сўнг, тўлиқлигича» сўзлари билан тўлдирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 21 апрелдаги 247-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисоблангаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Махаллий саноат, ахолига майший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 23 сентябрдаги 443-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараённинг самарали ташкил этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1993 йил 11 августдаги 402-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги ахолига автомобиль ёнилғисини нақд пулга сотувчи айрим автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини эксперимент тариқасида хусусийлаштириш тўғрисида» 1994 йил 9 июнданги 290-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги 443-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1994 йил 13 сентябрдаги 462-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим корхоналар ва мол-мulkни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида» 1995 йил 4 декабрдаги 448-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахолига нақд пулга автомобиль ёнилғиси сотувчи республика автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 1996 йил 20 марта 107-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш жараёнларини янада ривожлантириш тўғрисида» 1996 йил 27 декабрдаги 460-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат улуши тўғрисида» 1998 йил 30 июнданги 272-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сон қарорининг 7 ва 8-бандлари.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон қарорининг 7-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимматли қофозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 21 майдаги 263-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи ва биржа савдосини ташкил

этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 1 майдаги 198-сон қарори 8-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларнинг таркибини ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 14 ноябрдаги 512-сон қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси-ни хусусийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 29 сентябрдаги 453-сон қарорининг 1-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 26 июлдаги 147-сон қарори.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини очик савдоларда со-тишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 18 июлдаги 207-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2014 йил 2 июлдаги 176-сон қарорига 2-илованинг 1-бандидаги «б» кичик банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ  
ҚАРОРИ**

**185 Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларининг амалга оширилишини тартиба солиш, уларни мувофиқлаштириш, шунингдек, амалга оширилаётган техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини амалга оширувчи вазирлик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини (кейинги ўринларда — миллий лойиҳалар) ишлаб чиқиш, амалга ошириш тартиби, улар бўйича ҳисобдорлик, шунингдек, миллий лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси миллий лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Белгилансики:

миллий лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу лойиҳаларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилиши, миллий лойиҳани амалга ошириш ҳолатини баҳолаш ҳисботини ўз вақтида Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг маҳсус электрон тизимига киритилишига ҳамда миллий лойиҳаларда иштирок бўйича харажатларнинг қопланишига шахсан масъул ва жавобгардирлар;

вазирлик ва идораларнинг миллий лойиҳаларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатлари, шу жумладан, миллий лойиҳаларни амалга ошириш учун аввалги миллий лойиҳалар бўйича қарздорликлари Атом энергияси бўйича халқаро агентлик томонидан қарздорликларни тўлаш бўйича сўров юборилгандан сўнг бир ой муддат ичida уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 21 апрель,  
249-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 21 апрелдаги 249-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида Атом энергияси бўйича халқаро  
агентликнинг техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (кейинги ўринларда — АЭХА) техник ҳамкорлик миллий лойиҳаларини (кейинги ўринларда — миллий лойиҳалар) манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқиш, амалга ошириш тартиби, шунингдек, уларни амалга оширувчи вазирлик ва идораларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлигини белгилайди. Миллий лойиҳалар АЭХА томонидан молиялаштирилади.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**АЭХАнинг маҳсус электрон тизими** — миллий лойиҳаларнинг ҳолатини баҳолаш, уларни амалга ошириш ва миллий лойиҳалар бўйича ҳисботларни киритиш тизими;

**ваколатли орган** — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси;

**вербалnota** — АЭХА томонидан юбориладиган миллий лойиҳаларни амалга ошириш учун режалаштирилган янги давр учун миллий лойиҳалар концепцияларини ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш муддатлари кўрсатилган хабарнома;

**миллий лойиҳа бўйича масъул шахс** — миллий лойиҳаларни амалга оширувчи вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳани режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва кўриб чиқиш жараёнлари учун тайинланган масъул вакил;

**мамлакатнинг ҳадли дастури** — техник ҳамкорлик фаолияти орқали АЭХАга аъзо давлатнинг устувор ривожланиш эҳтиёжлари ва манфаатларни ҳисобга олиш имконини берувчи стратегик режалаштириш воситаси;

**мамлакат дастур хабарномаси** — режалаштирилган давр учун техник ҳамкорлик дастури доирасида кўриб чиқиладиган АЭХАга аъзо давлатнинг ривожланиш устуворликлари хақида умумий маълумотни ўз ичига олган ҳужжат;

**мантикий матрица** — миллий лойиҳанинг асосий элементлари (умумий мақсад, якуний натижалар ва лойиҳа бўйича амалга ошириладиган тадбирлар), кўрсаткичлар, уларни текшириш воситалари ва муваффақият ёки муваффақиятсизликка таъсир қилиши мумкин бўлган таҳминлар ёки хатарлар тўғрисида тизимлаштирилган маълумотлар;

**миллий лойиҳалар даври** — миллий лойиҳаларни амалга оширишнинг 2 йилдан ортиқ бўлмаган даври;

**миллий лойиҳалар ҳолатини баҳолаш ҳисботи** — миллий лойи-

ҳалар бўйича масъул шахсларга улар томонидан режалаштирилган натижаларга эришиш нуқтаи назаридан лойиҳанинг ҳолатини таҳлил қилиш ва ҳисобот бериш имконини берувчи восита;

**миллий лойиҳалар концепцияси** — миллий лойиҳаларни асослантириш, уларни амалга ошириш мақсади ҳамда кутилаётган натижаларини таснифловчи тамойиллар тизими;

**миллий лойиҳаларда иштирок этиш бўйича ҳаражатлар** — тасдиқланган янги миллий лойиҳалар учун миллий лойиҳалар ташаббускори бўлган вазирлик ва идоралар томонидан тўланиши лозим бўлган миллий лойиҳа умумий бюджетининг 5 фоизи миқдоридаги маблағ;

**техник ҳамкорлик дастурини бошқариш тизими** — АЭХАнинг миллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш имконини берувчи платформа.

3. Миллий лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш мақсадида ваколатли орган раҳбари томонидан миллий лойиҳа даврида миллий лойиҳаларни мувофиқлаштирувчи масъул шахс ҳамда унинг ёрдамчиси тайинланади ва бу ҳақида бир иш кунида АЭХАга хабарнома юборилади.

## 2-боб. Миллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш

4. Миллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш АЭХА томонидан ваколатли орнга вербал нота келиб тушганидан кейин бошланади ҳамда ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган Миллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш схемаси бўйича амалга оширилади.

5. Ваколатли орган АЭХА вербал нотаси келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичida мамлакатнинг ҳадли дастурига асосан манфаатдор вазирлик ва идораларга ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган ишлаб чиқилиши таклиф этилаётган Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг техник ҳамкорлик миллий лойиҳаси тўғрисидаги маълумотнома шаклига мувофиқ маълумотларни тақдим қилиш ҳақида мурожаат хати тайёрлайди ва юборади.

6. Миллий лойиҳаларни амалга оширувчи вазирлик ва идоралар миллий лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган тақдирда, ваколатли орган томонидан мурожаат хати олган кунидан бошлаб 15 иш кунида миллий лойиҳалар бўйича маълумотларни тайёрлайди ва ўрнатилган тартибда ваколатли органга тақдим қиласи. Маълумотлар давлат ва инглиз тилларида тайёрланади.

Тақдим этилган маълумотлар талаб этилган шаклда бўлмаса ёки белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этилган бўлса, ваколатли орган ушбу маълумотларнинг кўриб чиқилиши ва АЭХАга юборилишини рад этади.

7. Ваколатли орган 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда миллий лойиҳалар бўйича маълумотларни кўриб чиқади, таҳлил қиласи, мамлакат учун дастур хабарномасини тайёрлайди ҳамда АЭХА вербал нотасида белгиланган муддатдан кечиктиргмаган ҳолда техник ҳамкорлик дастурини бошқариш тизимига жойлаштиради.

Тақдим қилинган миллий лойиҳалар бўйича АЭХАдан таклиф ва эътиrozлар келиб тушган тақдирда, ваколатли орган миллий лойиҳаларни амалга

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оширувчи вазирлик ва идораларга миллий лойиҳалар бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун З иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда сўров юборади.

8. Мамлакат учун дастур хабарномаси техник ҳамкорлик дастурини бошқариш тизимиға жойлаштирилганидан сўнг миллий лойиҳалар бўйича АЭХА томонидан эътиrozлар бўлмаган тақдирда, уч ойлик муддатда вазирлик ва идораларнинг миллий лойиҳалари бўйича масъул шахслари мантиқий матрица жадвали ва лойиҳа иш режасини ўз ичига оладиган миллий лойиҳалар концепциясини Дастур даврининг бошқариш тизими орқали юборади.

9. Миллий лойиҳа бўйича масъул шахслар миллий лойиҳа концепцияларини АЭХА масъул ходими билан бирга қайта ишлаш ва тасдиқлашга тайёрлашда доимий ҳамкорлик қиласи.

10. АЭХА томонидан тасдиқлашга тайёрланган барча миллий лойиҳалар концепцияларининг якуний таҳрири тайёрлиги ҳақидаги хабарнома келиб тушган тақдирда ваколатли орган 5 иш куни мобайнида концепцияларни кўриб чиқади ва Дастур даврини бошқариш тизими орқали тасдиқлайди.

### **3-боб. Миллий лойиҳаларни амалга ошириш ва улар бўйича ҳисобдорлик**

11. Миллий лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳисобдорлик ушбу Низомга З-иловада\* келтирилган Миллий лойиҳаларни амалга ошириш ва улар бўйича ҳисобдорлик схемасига мувофиқ амалга оширилади.

12. АЭХА томонидан миллий лойиҳалар тасдиқланганлиги тўғрисида хабарнома олинганидан сўнг ваколатли орган миллий лойиҳаларни амалга оширувчи вазирлик ва идораларга 5 иш куни мобайнида қўйидаги маълумотлар акс этган хабарномани юборади:

миллий лойиҳанинг номи;

тасдиқланган умумий бюджети;

миллий лойиҳаларда иштирок этиш бўйича харажатлар суммаси ва тўловни амалга ошириш муддати.

13. Миллий лойиҳалар амалга оширилиши ва унинг иш режасида бажарилиши кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бошланиши учун вазирлик ва идоралар миллий лойиҳаларда иштирок этиш бўйича харажатлар суммасини ўз муддатида АЭХАга тўланишини таъминлаши шарт.

14. Миллий лойиҳаларни амалга ошириш бошланганидан сўнг миллий лойиҳа бўйича масъул шахслар йил якуни бўйича лойиҳалар ҳолатини баҳолаш ҳисботини тайёрлайди ва ҳар йили 31 декабрь кунига қадар АЭХАнинг маҳсус электрон тизимиға жойлаштириб боради.

15. Ваколатли орган АЭХАнинг маҳсус электрон тизими орқали келиб тушган лойиҳа ҳолатини баҳолаш ҳисботи 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва ушбу тизимга маълумотлар тўлиқ киритилган тақдирда ҳисботни тасдиқлайди.

Ҳисботлар бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда, ваколатли орган лойиҳалар ҳолатини баҳолаш ҳисботини тегишли таклиф ва эътиrozлар

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билин АЭХАнинг махсус электрон тизими орқали вазирлик ва идораларнинг миллий лойиҳа бўйича масъул шахсларига қайта ишлашга юборади.

16. Вазирлик ва идораларнинг миллий лойиҳалар бўйича масъул шахслари қайта ишланган лойиҳа ҳолатининг баҳолаш ҳисоботини АЭХАнинг махсус электрон тизимига уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қайтадан жойлаштиради.

17. Миллий лойиҳаларни амалга оширишни назорат қилиш мақсадида вазирлик ва идоралар миллий лойиҳалар доирасида олинган жиҳоз ва ускуналардан мақсадли фойдаланиши ва уларнинг ҳолати ҳамда миллий лойиҳалар билан кўзда тутилган йўналишлар бўйича малакасини оширган мутахассисларнинг олган билимларини амалиётга татбиқ этилиши ҳақидаги ҳисоботларни хар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар ваколатли органга киритиб боради.

#### **4-боб. Миллий лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш**

18. Миллий лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

миллий лойиҳалар концепцияларини тайёрлаш ва АЭХАга тақдим этиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

тақдим этилган лойиҳа концепцияларини миллий лойиҳалар ташаббускори бўлган вазирлик ва идоралар билан кўриб чиқиш;

миллий лойиҳалар концепцияларини келишиш ва уларни АЭХАга кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

зарур ҳолларда вазирлик ва идораларга миллий лойиҳаларни амалга ошириша кўмаклашиш;

миллий лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилишини ва баҳолаш тартиб-тамомилларининг амалга оширилишини таъминлаш;

вазирликлар ва идораларнинг техник ҳамкорлик сиёсати ва жараёнларини тушуниши ва уларга риоя қилинишини таъминлаш;

вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда миллий лойиҳалар бўйича ишларнинг бориши, юзага келаётган муаммолар ва кўрилаётган чора-тадбирларни таҳдил қилиш;

миллий лойиҳалар бўйича масъул шахсларнинг миллий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва ҳисобдорлик юзасидан белгиланган тартиб ва қоидалар бўйича АЭХА томонидан ташкиллаштириладиган тадбирларда иштирокини таъминлаш.

#### **5-боб. Миллий лойиҳаларни ишлаб чиқишида ва амалга оширишида вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда миллий лойиҳалар бўйича масъул шахсларининг ҳуқуқлари, масъулияти ва жавобгарлиги**

19. Миллий лойиҳаларини ишлаб чиқишида ва амалга оширишида вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари:

ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда миллий лойихаларни ишлаб чиқиш бўйича ваколатли органга ташаббус билан чиқиш;

зарур ҳолларда бошқа вазирлик ва идораларнинг мутахассисларидан иборат ишчи гурухлар тузиш;

миллий лойихаларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш;

миллий лойихаларни амалга оширишда вазирлик ва идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, миллий лойиха бўйича масъул шахс АЭХАга, лойихага ажратилган бюджет доирасида, лойиханинг иш режасига ўзгартиришлар киритиш ташабbusи билан чиқиш ҳуқуқига эга.

#### 20. Вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари:

миллий лойихалар бўйича маълумотлар ва концепцияларнинг тайёрланишини ҳамда белгиланган муддатларда АЭХАга тақдим этилишини ташкилаштиришга;

тасдиқланган миллий лойихаларининг миллий лойихаларда иштирок этиш бўйича харажатлар суммаси ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига;

АЭХА масъул ходимлари кўрсатмаларига мувофиқ миллий лойихалар концепцияларини қайта ишлаш ва тасдиқлашга;

миллий лойихаларни амалга оширишни баҳолаш ҳисботини ўз вақтида АЭХАга юборишга;

миллий лойихалар доирасида олинган жиҳоз ва ускуналардан мақсадли фойдаланиш ва соз ҳолатда бўлишини таъминлашга масъул ва жавобгардирлар.

#### 21. Миллий лойиха бўйича масъул шахслар:

миллий лойихаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш юзасидан АЭХА масъул ходимлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш;

АЭХА масъул ходимлари кўрсатмаларига мувофиқ миллий лойихалар концепцияларини қайта ишлаш ва тайёрлашда иштирок этиш;

миллий лойихалар доирасида ташкиллаштириладиган тадбирларда иштирок этиш учун номзодларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

22. Миллий лойиха бўйича масъул шахслар миллий лойихалар бўйича маълумотлар, мантиқий матрица жадвали ва лойиха иш режасини ўз ичига оладиган миллий лойиха концепцияларининг пухта ва сифатли тайёрланишига ҳамда уларнинг ўз муддатида АЭХАга юборишга масъул ва жавобгардирлар.

### **6-боб. Якунловчи қоида**

23. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**186 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда таш-  
киллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш тизимини  
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 17 октябрдаги ПФ-162-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 17 октябрдаги ПФ-162-сон Фармонига мувофиқ:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тугатилганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузурида Миграция агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилганлиги;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси негизида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Миграция жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Қўйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлигининг хориждаги ваколатхоналари ходимларининг лавозим маошлими миқдори 3-иловага\*\* мувофиқ;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган ҳамда меҳнат миграциясида бўлган фуқароларга субсидия, компенсация ва кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўникмалар марказларида фаолият юритаётган чет тили фани ўқитувчиларининг рейтингини аниқлаш ва субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Миграция жамғармаси тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Агентлик ваколатхоналари мавжуд бўлмаган хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Миграция жамғармаси маблағлари ҳисоби-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 апрелда эълон қилинган.

\*\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали молиялаштирилади.

4. Фуқароларга миграция соҳасида кўрсатиладиган хизматларни содда-лаштириш, қўшимча қулайликлар яратиш, хорижий иш берувчилар билан танловларни, тест ва кўнигириш жараёнларини ўтказиш мақсадида Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани Кўкча Оқтепа кўчасида жойлашган Тошкент шаҳридаги Касбий кўнижмалар марказининг Учтепа филиали биносида «Хорижга ишга тайёрлаш маркази»ни ташкил этиш ва унда «Ягона дарча» тамойили асосида меҳнат миграциясига доир хизматларни кўрсатиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳридаги касбий кўнижмалар марказлари биноларида алоҳида хоналар ажратган ҳолда Агентлик худудий филиалларини жойлаштириш;

хорижий ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига тегишли Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани Лутфий кўчасидаги 47-үйнинг «Б» ва «Е» корпусларини Агентликка фойдаланиш учун бериш.

Белгилансинки, мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган касбий кўнижмалар марказлари ва корпуслар Агентликка тикин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади, уларни таъмирлаш ва сақлаш харжатлари Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

йўловчи автобуслар сонини кўпайтириш орқали хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган ва қайтаётган фуқароларни ташишда арzon ва тартибли транспорт қатновини йўлга қўйисин;

мамлакатдан ташқарига чиқадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан ўйловчи автомобиль транспортида (микроавтобуслар ва автобуслар) харакатланишда хавфсизлик қоидалари ҳамда хорижда бўлиш қоидаларига риоя этиш тўғрисида тушунтириш ишларини (инструктаж) ўтказиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш тартибига, ўйловчилар ва юкларни ташиш қоидаларига, оғир ва ҳажми катта ўлчамдаги автомобиль ташувлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя этишлари устидан қатъий назоратни ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлиги директори Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 22 апрель,  
252-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Миграция агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) макоми, асосий вазифалари, функциялари, хуқуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Агентлик ташкил мөхнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органларининг ушбу ўйналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва мазкур соҳада давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли республика ижро этувчи хокимият органи ҳисобланади.

3. Агентлик республика миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мөхнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва уларни хорижга ташкиллаштирилган ҳолда юбориш тартиби тўғрисидаги халқаро хуқуқ нормалари ва қоидаларига асосланган фаолиятни амалга оширади.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

5. Агентлик бевосита Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади ва фаолияти юзасидан ҳисобот беради.

6. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мухрга ва бланкаларга, штамп ҳамда ўз фаолияти учун зарур бўлган рамзларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати

кўмитасида ғазна хисобварагларига, банк хисобварагларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварагларига эга бўлади.

7. Агентликнинг ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, ўз номи ёзилган штамплар, бланкларга эга бўлади.

8. Агентлик Тошкент шаҳрининг Қамарнисо кўчасидаги 1-үйда жойлашган. Почта индекси: 100179.

9. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлиги;

қисқартмаси — Миграция агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ — Migration Agency under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

қисқартмаси — Migration Agency;

в) рус тилида:

тўлиқ — Агентство миграции при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартмаси — Агентство миграции.

## **2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

10. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини комплекс тартибга солиш, фуқароларни хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ишларини назорат қилиш ҳамда ушбу фуқароларнинг ҳисобини юритиш;

хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини лицензиялаш, улар томонидан лицензия талаблари ва шарт-шароитларига риоя этилишини назорат қилиш;

миграция соҳасида халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича чет давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

хорижий иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб, фуқароларни касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш ишларини ташкил қилиш, ривожланган давлатларда тан олинадиган малакани баҳолаш ва сертификатлаш тизимларини жорий қилиш;

чет элда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий ва бошқа қийин ахволда қолган фуқароларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистоннинг хориждаги давлатларнинг республикамиизда-

ги дипломатик муассасалари билан доимий ҳамкорлик қилиш, ўзбек диаспоралари ва ватандошлар билан алоқаларни кенгайтириш.

11. Агентлик ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ташки мөхнат миграцияси жараёнларини комплекс тартибга солиш, фуқароларни хорижга мөхнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ишларини назорат қилиш ҳамда ушбу фуқароларнинг ҳисобини юритиш соҳасида:

ташки мөхнат миграцияси соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мөхнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юбориш мақсадида хорижий мамлакатларнинг мөхнат бозорини ўрганади, хорижий иш берувчиларни топади, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкиллаштирилган ҳолда танлаш тўғрисида хорижий иш берувчилар ва хусусий агентликлар билан шартномалар тузади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

хорижда ишлаш истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ни иш берувчилар томонидан танлаб олиш жараёнлари ташкил этилишини назорат қиласди ва сайёр қабуллар, учрашувлар ҳамда давра сухбатларида иштирок этади;

дастлабки мослаштириш тадбирлари ўтказилишини назорат қиласди;

ташки мөхнат миграцияси соҳасини ривожлантириш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва ишлаб чиқишида қатнашади;

ташки мөхнат миграция соҳасида халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда қатнашади;

хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, илфор хорижий ва миллий тажрибани Агентлик фаолиятига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

мөхнат миграцияси соҳасидаги муаммоларни ўрганади, ушбу соҳани та-комиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқади, қонунчиликдаги бўшлиқ ва камчиликларни аниқлаб, уни бартараф қилиш чораларини кўради;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлаштириш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари билан музокаралар олиб боради, халқаро, давлатлараро ва идоралараро шартномалар, битимлар ва баённомалар лойиҳаларини тайёрлайди;

ўқув курслари ташкил этиладиган касбий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ, шу жумладан, «ишли виза»га оид ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича бепул консалтинг хизматларини кўрсатади;

хорижда вақтинча мөхнат фаолиятини амалга оширишдаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича фуқароларнинг ва иш берувчиларнинг фикрлари,

таклифлари ва қонуний талабларини ўрганади ҳамда таҳлил қилади ва шу асосда уларни ҳал қилишга қаратилган амалий чора-тадбирлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ягона маълумотлар базасини шакллантиришда иштирок этади, шунингдек, хорижий иш берувчилар реестрини юритади;

вактинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетиш истагида бўлган ва чет тилларига ўқитилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни Агентликнинг худудий филиаллари томонидан тегишли тартибда манзилли рўйхатларни шакллантириши ва «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасига киритилишини назорат қилади;

б) хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини лицензиялаш, улар томонидан лицензия талаблари ва шарт-шароитларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасида:

хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини лицензиялаш учун талабгорларнинг мурожаатларини қабул қилади ва кўриб чиқади;

хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини амалга оширишга бўлган хуқуқини тасдиқловчи, чекланмаган муддатга бериладиган электрон ҳужжатни (кейинги — ўринларда лицензия) беради ёки беришни рад этади;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

лицензияларни қайта расмийлаштиради;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклади;

лицензияларни бекор қилади ёки лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади;

лицензияларни ўзгартиради;

лицензиялар реестрини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Конунига мувофиқ хусусий бандлик агентликлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилади;

лицензияга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан фуқароларга Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида иш билан таъминлашни тарғиб қилиш ёки иш билан таъминлаш ҳолатларини текширади;

хусусий бандлик агентликлари ва хорижий иш берувчилар реестрларини юритишини ташкил этади;

хорижий иш берувчилар ва (ёки) рекрутинг агентликларидан жалб қилинган иш ўринларини лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари ўтрасида тақсимлайди;

в) миграция соҳасида халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларни хорижда вақтинча ишга жойлаштириш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича чет давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

фуқароларни хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлаштириш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишда иштирок этади ҳамда ушбу йўналишда чет давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қиласди;

меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан музокаралар олиб боради, ҳамкорлик келишувлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва имзоланишини таъминлайди;

хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида салоҳиятли хорижий давлат иш берувчиларини излаб топади ва улар билан ҳамкорлик қилиш учун музокаралар олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа хужжатлардан келиб чиқадиган тегишли қарорлар ва мажбуриятларнинг хорижий ҳамкорлар ва иш берувчилар томонидан бажарилишини мувофиқлаштиради;

г) хорижий иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб фуқароларни касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш ишларини ташкил қилиш, ривожланган давлатларда тан олинадиган малакани баҳолаш ва сертификатлаш тизимларини жорий қилиш соҳасида:

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кетишдан олдин мослаштириш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака ошириш марказлари, тил ўргатиш марказлари фаолиятини, жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этади ва бошқаради;

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касбий таълим ташкилотлари ва касб-хунар марказлари ёки нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитади, кетишдан олдин мослаштиради, қайта тайёрлайди ва малакасини оширади, уларга чет тилларини, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқаришда меҳнатни ҳимоя қилиш қоидаларини ўргатади;

хорижий ҳамкорлар томонидан ташкил этилган ўқув марказлардаги ўқув курсларида ўқиётган ва курсларни якунлаган фуқаролар электрон базасини шакллантиради;

ривожланган давлатларда тан олинадиган малакани баҳолаш ва сертифи-

катлаш тизимларини жорий қилиш юзасидан хорижий давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан музокаралар ўтказади;

малакани баҳолаш ва сертификатлаш ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жалб қилиш чораларини кўради ва белгиланган тартибда уларнинг фаолиятини расмийлаштиришда кўмаклашади;

д) чет элда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий ва бошқа қийин ахволда қолган фуқароларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари ва вакиллари орқали хорижда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолиятининг мониторингини юритади;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида тазиёққа учраган, мажбурий меҳнатга мажбур қилинган ва таҳқирланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий ахволда қолган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қиласи, шунингдек, уларни Миграция жамғармаси маблағлари хисобидан Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади;

ж) Ўзбекистоннинг хориждаги ва хорижий давлатларнинг республикамиздаги дипломатик муассасалари билан доимий ҳамкорлик қилиш, ўзбек диаспоралари ва ватандошлар билан алоқаларни кенгайтириш соҳасида:

салоҳиятли хорижий иш берувчилар билан яқин алоқалар ўрнатиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан муносабати ва тасаввуруни яхшилаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, миграция соҳасидаги механизmlарни такомиллаштириш, қийин хаётий вазиятга тушиб қолган мигрантларга юридик, психологик, моддий ва бошқа ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни амалга оширади;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилади;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар зич яшайдиган ҳудудларда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этади.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кетишдан олдин тайёрлаш, чет тилига ўқитиш ва имтиҳонга тайёрлашга ихтисослашган марказларни ташкил этиш;

Миграция бўйича республика комиссиясига Агентликнинг хориждаги ваколатхоналарини ташкил этиш ва тугатиш, Агентлик вакиллари учун штат бирликларини очиш ва қисқартириш юзасидан таклифлар киритиш;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касбий таълим ташкилотлари, касб-хунар марказлари ёки нодавлат таълим ташкилотларида чет тилларига ўқитиш ва касб-хунарга ўргатиш ҳамда ўқув дастури якунлари бўйича имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга давлат намунасидаги ҳужжат беришга тавсия этиш;

тузилган шартномаларга мувофиқ хорижда ишлаш учун кадрларни тандаб олиш, уларнинг чет тилларни билишини ва касбга лойиқлигини текшириш, шунингдек, ишга жойлашадиган мамлакатнинг асосий қонунларини тушунтириш;

хорижий ҳамкорлар билан тузилган битимларни (шартномаларни) ҳисобга олган ҳолда, дастлабки саралашдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан уларни хорижда ишга жойлаштиришда хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;

хорижий ҳамкорлар билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижга ишга юбориладиган номзодлар ҳақида ахборот олиш учун ваколатли органларга мурожаат қилиш;

Миграция бўйича республика комиссияси билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда меҳнат миграциясига оид тадбирлар ўtkазиш, улар доирасида меҳмонларни кутиб олиш, кузатиш, овқатланиш, транспорт, совғалар ва ҳалқаро ҳамкорлик доирасидаги масалаларига тааллукли бошқа тадбирлар харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;

хорижий ишли кучини ёлловчи ёки бунга қўмаклашувчи хорижий ташкилотлар билан ўз ваколати доирасида бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Агентликка юклangan вазифаларни бажариш доирасида Агентликнинг ўз маблағлари ҳисобидан вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини, бошқа юридик ва жисмоний шахсларни, шу жумладан, шартномавий-хуқукий асосда жалб қилиш;

Агентликнинг хориждаги вакилларини чекланган штатлари сони доирасида бошқа ҳудудларга бириктириш ёки тугатиш;

ваколатига кирадиган масалалар ҳамда унга юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган қарорлар, буйруқлар, кўрсатмалар қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ваколатига кирадиган масалаларда давлат органлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларда белгилangan тартибда судларга аризалар ва даъволар киритиш;

агар қонунчилик ҳужжатларида белгилangan бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни белгилangan тартибда кўриб чиқиш ва жарималар солиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари жамғармаларга эга бўлиш;

бўш турган маблағларни банклар депозит ҳисобракамларига жойлаштириш;

Агентлик номидан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

давлат органлари ва манфаатдор шахслардан ўз ваколати доирасида зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Агентлик:

ўзига юклangan вазифа ва функцияларни самарали бажариши;

ўзи қабул қилган қарорлар ҳамда буйруқларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий хужжатлар ижросини самарали ташкил этиши ва бажариши;

балансидаги мулклар, шу жумладан, кўчмас мулклардан мақсадли фойдаланишга қатъий риоя этиш;

ўзига юклangan вазифа ва функциялар доирасида фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг хукуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилиши шарт.

Агентликка қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

14. Агентлик ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлар билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, муассис давлат муассасасининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Агентлик муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

15. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийdir.

16. Агентлик ҳудудий филиаллари, хориждаги ваколатхона ва вакиллари мажбуриятлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

17. Агентлик давлат активларини, шу жумладан, уларнинг товар-моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкларининг бут сақланиши бўйича моддий жавобгар ҳисобланади.

#### **4-боб. Агентлик мол-мулки ва молия-хўжалик фаолияти**

18. Қўйидагилар Агентликнинг мулки ҳисобланади:

муассис томонидан Агентликка оператив бошқарув хукуқи билан бириклилган ҳамда қонунчилик хужжатларига асосан вужудга келган мулк;

қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ўз маблағлари;

қонунчилик хужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилган мулклар.

Агентликнинг даромад келтирувчи фаолият билан шубулланиш ҳуқуки мавжуд. Агентликнинг бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулки Агентликнинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

19. Агентликнинг мулки Агентлик ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

20. Агентликнинг мулки қўйидаги ҳолларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда муассис билан келишган ҳолда тасарруф этилади:

асосий воситаларни сотиш, ҳисобдан чиқариш (бинолари ва иншоотлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаштириш ташкилотлари, маҳсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг хulosасига мувофиқ яроқсиз деб топилган ҳамда ваколатли органлар томонидан бузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кўчмас мулк объектларини бузиш;

автотранспорт воситаларини харид қилиш, бино ва иншоотларни сотиб олиш ва/ёки қуриш;

мулкни Агентлик фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

21. Агентлик даромад келтирадиган қўйидаги хизматларни кўрсатади:

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига авиа, темир йўл ва автотранспорт чипталарини харид қилишда ва бошқа транспорт-логистика масалаларини ҳал қилишда кўмаклашиш;

хорижда ишга жойлашиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахслар талабномалари бўйича иш жараёнига жалб этилмаган Агентлик транспорт воситаларини жалб қилиш орқали транспорт хизматларини кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва чет эл фуқароларини меҳмонхоналарга жойлаштириш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа хизматлар.

22. Даромад Агентлик молия-хўжалик фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади.

23. Қуидагилар Агентликнинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

даромад келтирадиган фаолият билан шубулланишдан тушган фойда (даромад);

чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар учун йиғимларнинг бир қисми;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга жойлаштириш, касбга

тайёрлаш, кетишдан олдин мослаштириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малякасини ошириш, уларга чет тилларини, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўргатиш бўйича кўрсатиладиган хизматлардан олинган маблағлар;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

24. Агентлик Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига мувофиқ вазифалар ва функцияларни бажариш учун ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳукуқига эга.

25. Хўжалик фаолиятидан тушган валюта тушуми Агентликнинг валюта ҳисобрақамига ўтказилади ва ундан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланилади.

26. Агентлик ўз фаолиятининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини, шунингдек, статистика ҳисоботини юритади.

27. Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий филиаллари фаолияти Агентликнинг даромад келтирадиган фаолиятидан тушган маблағлар ҳамда қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади ва моддий-техник таъминланади.

Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари ва вакиллари фаолияти Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

28. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлардан иборат.

## **5-боб. Агентликка раҳбарлик қилиш**

29. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласди.

Агентлик директори мақоми, тиббий ва майший таъминот шароитлари бўйича вазирга тенглаштирилади.

30. Агентлик директори қўйидаги функцияларни бажаради:

Агентликка умумий раҳбарлик қиласди, унинг жорий фаолиятини ташкил этади ва ўз зиммасига юклangan вазифалар бажарилиши учун жавоб беради;

давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий давлатларнинг давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Агентлик номидан иш юритади;

Агентлик ва Миграция жамғармаси фаолиятини, шу жумладан пул маблағларини сарфлаш самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қиласди;

Агентликнинг штатлар жадвали, бизнес режаси ва сметаларини тасдиқлайди;

Агентлик, унинг ҳудудий филиаллари ва хориждаги ваколатхоналари тузилмасини тасдиқлайди, ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди, шунингдек, белгиланган тартибда уларни рағбатлантиради;

Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда индикаторларини тасдиқлайди;

кадрларнинг қайта тайёрланишини ва малакаси оширилишини ташкил этиади;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқади, шунингдек, Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади;

Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, унинг худудий филиаллари ва хориждаги ваколатхоналари бошлиқлари ва ходимлари ҳамда меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташелар фаолияти самарадорлиги-ни баҳолаш тартибини тасдиқлади.

Агентликка юклangan вазифаларга мувофик бошқа функцияларни бажаради.

31. Агентлик директори қўйидаги хукуқларга эга:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Агентлик ходимлари билан қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартибида меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Агентлик ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқларни қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Агентлик номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш;

Агентликка юклangan вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, илмий-таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, шу жумладан, хорижий мутахассис ва экспертларни шартнома асосида жалб этиш;

Агентликнинг марказий аппарати, худудий филиаллари, хориждаги ваколатхоналари тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгилangan умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тежаб қолинган маблағларни Агентлик, унинг худудий филиаллари ва хориждаги ваколатхоналари ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

Агентлик директори қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Агентлик директори:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Агентликка юклangan вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиши;

Агентлик олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиши ва назорат қилиши;

давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатларида белгилangan талабларга риоя қилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режалари ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда мезонларига сўзсиз эришилишини таъминлаши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Агентлик директори қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

33. Агентлик директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга таъинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга эга.

Агентлик директори ўринбосарлари мақоми, тиббий ва майший таъминот шароитлари бўйича вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Агентлик директори ва унинг ўринбосарларининг хорижий давлатларга хизмат сафарлари Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан амалга оширилади.

## **6-боб. Ҳисобдорлик**

34. Агентлик қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳар йили ҳисобот даври тугагач, Вазирлар Маҳкамасига давлат муассасаси фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Агентлик Вазирлар Маҳкамаси ва Миграция бўйича республика комиссиясига бевосита ҳисобдор бўлади.

35. Агентликда қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи аудит ўтказилади.

36. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар Агентлик директори зиммасига юкланган вазифалар самарали бажарилиши юзасидан уларнинг фаолияти устидан мунтазам мониторинг юритади, мониторинг натижаларига кўра давлат муассасаси фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

37. Ҳужжатларнинг сақланиши ва белгиланган тартибда сақлашга берилиши учун Агентлик директори шахсан жавобгар ҳисобланади.

38. Агентликда белгиланган тартибда ташкил этиладиган Жамоатчилик кенгаши фаолият юритади.

## **7-боб. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичлари**

39. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам равишда баҳолаб борилади.

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

40. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, унинг худудий филиаллари ва хориждаги ваколатхоналари бошлиqlари ва ходимлари ҳамда меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташелар фаолияти самарадорлиги Агентлиги директори томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

41. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги баҳолаш якунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлар чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

#### **8-боб. Агентлик ходимларини моддий-техник таъминлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари**

42. Мехнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Агентлик ходимларига иш ҳақи тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

43. Агентлик ходимларини, жумладан ваколатхона (вакиллик) ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби Иқтисадиёт ва мoliaя вазирлиги билан келишилган ҳолда, Агентлик раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

#### **9-боб. Якунловчи қоида**

44. Агентлик қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда меҳнат  
фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда  
юбориш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ихтиёрий рўйхатдан ўтган фуқаро** — хорижий давлатга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетишдан олдин «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида ихтиёрий рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**иш берувчилар реестри** — ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ва хорижда ишга жойлаштиришда иштирок этувчи хорижий иш берувчилар рўйхати;

**ишга жойлаштириладиган давлат** — меҳнат мигранти вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширадиган хорижий давлат;

**иш изловчи шахс (талабгор)** — мақбул келадиган иш жойини танлаш ва хорижда ишга жойлашишга кўмаклашиш хизматларидан фойдаланиш учун юборувчи ташкилотга мурожаат қилган жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**лицензия** — юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш хуқуқини берувчи рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат;

**меҳнат мигрантлари** — хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари ва дипломатик миссияларида ишловчи шахслар бундан мустасно;

**мавсумий меҳнат миграцияси** — мавсумий тусга эга бўлган ва фақат йилнинг бир қисмида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида бориши;

**танлаш** — хорижий иш берувчилар ва (ёки) уларнинг хорижий ишчиларни ишга жойлаштириш соҳасида фаолият кўрсатувчи ваколатли хорижий ташкилотларининг буюртманомалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида юборувчи ташкилот томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмui;

**хорижий иш берувчи** — ишга жойлаштириладиган давлатнинг қонунчилик ҳужжатларида меҳнат мигрантларни ёллаш хуқуқи берилган хорижий давлатнинг жисмоний ёки юридик шахси;

**«Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) маҳсус электрон платформада рўйхатга олиш тизими бўлиб, унинг ёрдамида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, юборувчи ташкилотлар ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда — Бандликка кўмаклашиш бўлимлари) хорижда иш изловчиларнинг зарур маълумотларини киритиши мумкин;

**юборувчи ташкилот** — Агентлик, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган хусусий бандлик агентликлари.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юборувчи ташкилотлар томонидан ушбу Низомда ва бошқа қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда юборилади.

4. Юборувчи ташкилот Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш учун чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузади.

5. Юборувчи ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартноманинг давлат тилига таржима қилинган матни ушбу ташкилотнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

6. Юборувчи ташкилот Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисида шартномани тузмасдан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиши тақиқланади.

7. Агентликка Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб этилмайди.

8. Агентлик хорижий иш берувчилар ва (ёки) рекрутинг агентликларидан жалб қилинган иш ўринларини лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари ўртасида тақсимлайди, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида ва идоравий келишувларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **2-боб. «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси маълумотлар базасини шакллантириш тартиби**

9. «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси талабгорларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт маълумотлари, туғилган санаси ва йили, яшаш жойи, телефон ракамлари, маълумоти, мутахассислиги, иш тажрибаси, бошқа кўнікмалари, фотосуратларини ўз ичига олади.

10. Кўйидаги маълумотлар «Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси маълумотлар базасига киритиладиган ахборот манбала-ри ҳисобланади:

талабгор томонидан мустақил киритилган ахборот;

талаборнинг розилиги билан юборувчи ташкилот томонидан киритилган ахборот;

талаборнинг розилиги билан Бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан киритилган ахборот.

11. «Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир талабгорга рўйхатдан ўтказилган шахсий рақам берилади.

12. Талабгор «Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасига киритилишидан олдин унга Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ташкиллаштирилган ҳолда ишга юборадиган юридик шахс томонидан ёзма шаклда билдиришнома берилади.

13. Билдиришномада Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ташкиллаштирилган ҳолда ишга юборадиган юридик шахс томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мурожаат қилиш учун хусусий бандлик агентлигининг ҳамда Агентликнинг почта манзиллари ҳамда боғланиш учун телефон рақамлари кўрсатилади.

14. Шахсий маълумотлар ҳақидаги ахборот учинчи шахсларга берилмайди, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

15. Талаборнинг мурожаати ва тақдим этган маълумотлари асосида юборувчи ташкилот «Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида унинг маълумотлар базасини мустақил равишда шакллантириш ҳуқуқига эга.

Маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик талабгорга юкланди.

16. Бандликка кўмаклашиш бўлимлари талабгорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишга жойлаштириш учун «Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси маълумотлар базасидан фойдаланиши мумкин.

17. «Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун талабгор шахсан жавобгар.

### **3-боб. Хорижда иш берувчиларни излаш**

18. Талабгор хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Иш берувчилар реестрига киритилган иш берувчилар билан биргаликда ташкиллаштирилган ҳолда юборилади.

19. Иш берувчилар реестрига хорижий иш берувчилар тўғрисидаги маълумотлар:

Агентлик маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг Атташеси, Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари раҳбарларидан (вакиллари) ва

юборувчи ташкилотлардан ушбу Низомга 1-иловага<sup>\*</sup> мувофиқ юборилган талбнома асосида киритилади.

20. Иш берувчилар реестри Агентлик томонидан юритилади ҳамда унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

21. Иш берувчилар реестри маълумотлари очик хисобланиб, улардан барча юборувчи ташкилотлар фойдаланиши учун Агентлик веб-сайтида эълон қилинади.

22. Иш берувчилар реестрига киритилмаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ёки ишга жойлаштириладиган давлатларда ҳам аввал меҳнат тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини бузган хорижий иш берувчилар талабгорларни хорижда ишга жойлаштириш учун танлаш ман этилади.

23. Агентликда холис, очик ва ишончли ахборотни шакллантириш мақсадида Меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе, Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари раҳбарлари (вакиллари) ва юборувчи ташкилот доимий асосда:

меҳнат мигрантларини бошқа мамлакатларда ишга жойлаштириш имкониятлари тўғрисида ахборот тўплайди;

бўлажак иш берувчилар билан музокаралар ўтказади;

хорижий иш берувчи томонидан тақдим этилган меҳнат шартномаси шартларини, меҳнат қилиш ва яшаш шарт-шароитларини батафсил ўрганади.

24. Хорижий иш берувчи томонидан қоидабузарликлар тўғрисида ахборот олинган ҳолларда, Агентлик ходимлари ва/ёки Меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе фуқаролар ишга жойлаштирилган жойларга бориб ўрганиш якунлари бўйича далолатнома тузилади.

25. Ўрганиш якунлари бўйича тузилган далолатнома қоидабузарлик мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, Агентлик хорижий ишончсиз иш берувчини Иш берувчилар реестридан чиқариш бўйича тегишли чоралар кўради.

26. Иш берувчилар реестридан чиқарилган ташкилотларда аввал ишга жойлашган ва меҳнат фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меҳнат мигрантларига нисбатан талабгор ва юборувчи ташкилот ўртасидаги барча келишилган шартлар тўлиқ бажарилгунга қадар сақлаб қолинади.

27. Агентлик томонидан хорижий иш берувчининг айби билан ишсиз қолган меҳнат мигрантларига нисбатан уларни такrorан ишга жойлаштириш ёки ватанига қайтариш чоралари кўрилади.

#### **4-боб. Талабгорларни танлаб олиш ва кетишдан олдин мослаштириш**

28. Юборувчи ташкилот талабгорларни «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси маълумотлар базаси маълумотлари, ўз маркетинг ишланмалари асосида хорижий иш берувчи билан олдиндан келишув бўйича танлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий давлатга ташкиллаштирилган ҳолда ишга юборадиган юридик шахс шартнома асосида та-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаборгра ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатади.

Ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида тақдим этиладиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Юборувчи ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар қиймати улар томонидан мустақил белгиланади.

29. Ташкиллаштирилган ҳолда хорижга чиқиб кетаётган талаборлар ишга юборилишидан олдин касбий таълим ташкилотлари, касб-хунар марказлари ёки нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилади, хорижий иш берувчининг малака талабларига жавоб берадиган талабор бундан мустасно.

Юборувчи ташкилот талабордан унинг малакасини ва чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи хужжатни сўраш хуқуқига эга.

Агар талабор малакасини тасдиқловчи хужжати бўйлмаса, касбий таълим ташкилотлари, касб-хунар марказлари ёки нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилади.

30. Юборувчи ташкилот талаборнинг чет тилини билишини ва касбга яроқлилигини текшириш хуқуқига эга.

31. Хорижий иш берувчи томонидан билдирилган малака ва тил билиш даражаси бўйича талабларга жавоб бермайдиган, шунингдек, чет элга чиқиши чекланган талаборни ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ман этилади.

32. Юборувчи ташкилот хорижий иш берувчи билан келишувларига мувофиқ ишга жойлаштириладиган давлатга талаборларни юбориш учун гурух тузади.

33. Гурух тузиш якунлари бўйича юборувчи ташкилот хорижда ишга жойлаштириш юзасидан хизматлар кўрсатиш тўғрисида талабор билан шартнома тузади.

Юборувчи ташкилот томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома «Хоғіда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурӣ мажмуасида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади.

34. Юборувчи ташкилот юборилаётган мамлакатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хорижда вактинча меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаронинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича уларнинг ўқув-тайёргарлик, мослаштириш тадбирларидан дастлабки тарзда ўтказилишини таъминлайди, шу жумладан:

талаборни хорижий иш берувчи билан тузиладиган меҳнат шартномаси лойиҳаси, яшаш ва меҳнат шароитлари билан таништириши;

талаборни тиббий кўрикдан ўтказиши, шу жумладан, сил, руҳий, таносил касалликлари бор ёки йўқлиги ва гиёхванд моддалар истеъмол қилиш ёки истеъмол қилмаслигини текшириши;

заруратга кўра чиқиш визасини олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиришда талаборгра кўмаклашиши шарт.

35. Юборувчи ташкилот жўнатиш тадбирларидан олдин талабор ишга жойлаштириладиган давлат тилини, анъаналари ва қонунчилигини ўргатиш, хавфсизлик техникаси, диний экстремизм ва терроризмнинг, таносил касал-

ликлари ва ОИВ-инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича Агентлик томонидан ташкил қилинадиган қисқа муддатли курсларга талабгорни йўналтириш, ўқишини, курс якуни бўйича имтиҳонларда иштирокини ҳамда сертификатга эга бўлишини таъминлаш мажбуриятини олади.

36. Юборувчи ташкилот талабгор ҳёти ва соғлигини ажратиладиган субсидия ҳисобидан суғурта қилиш жараёнини ташкил этади.

Талабгорда атрофдагиларга хавф туғдирадиган касалликлар ва вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи касалликлар аниқланса, талабгор тўлиқ соғайиб кетгунига қадар кетишдан олдин мослаштиришдан четлатилади.

### **5-боб. Талабгорни жўнатиш**

37. Талабгор учун қулай шарт-шароитлар ва қулайликлар яратиш мақсадида юборувчи ташкилот темир йўл, авиа ва автотранспортга йўл чипталарини банд қилади. Келишувга кўра йўл чипталари талабгор ёки иш берувчи томонидан харид қилинади.

38. Талабгорни республикадан ташқарида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш жойига хавфсиз кузатиб қўйиш, йўлда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида талабгорлар тегишли лицензияга эга ташувчилар орқали юборилади.

39. Талабгор ишга жойлаштирилайдиган давлатга хорижий иш берувчи билан келишган ҳолда, юборувчи ташкилотнинг ходими ҳамроҳлигига гурух бўлиб жўнатилади.

40. Ўтказилган тадбирлар яқунлари бўйича ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шакл бўйича талабгорни ишга жойлаштириш тўғрисида хужжат тузилади. Унга талабгор ва хорижий иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси нусхалари илова қилинади.

41. Хорижий иш берувчи талаб қилинган ижтимоий ва майший шарт-шароитларни, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминламаса ёки иш берувчи меҳнат мигрантини ишга жойлаштиришни рад этишига сабаб бўлган бошқа масалалар юзага келса, юборувчи ташкилот талабгорни бошқа хорижий иш берувцида ишга жойлаштириш бўйича шошилинч чоралар кўради.

42. Талабгорни аввал келишилган талабларга мувофиқ ишга жойлаштириш имкони бўлмаса, юборувчи ташкилот уни ўз ватанига қайтарилишини таъминлаши шарт.

Юборувчи ташкилот томонидан мазкур мажбурият бажарилмаган тақдирда, Агентлик талабгорни Миграция жамғармаси ҳисобидан ватангана қайтариш бўйича шошилинч чоралар кўради ва харажатлар юборувчи ташкилотнинг депозитга жойлаштирилган маблағлари ҳисобидан қопланади.

### **6-боб. Меҳнат мигрантлари фаолиятининг мониторинги**

43. Хорижий давлатдаги меҳнат мигрантлари фаолиятининг мониторинги уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш:

\* 2-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе;  
Агентликнинг хорижий ваколатхоналари;  
Агентликнинг давлат ва нодавлат хорижий ҳамкорлари;  
юборувчи ташкилотлар;  
нодавлат нотижорат ташкилотлари;  
меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

44. Агентлик меҳнат мигрантларини ишончсиз иш берувчидан ҳимоя қилишда ва меҳнат мигрантлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда мониторинг юритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош ваколатли органи ҳисобланади.

45. Мониторинг қўйидаги барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида меҳнат мигрантларини жалб қилиш учун ўз мамлакатининг ваколатли органларида расман рўйхатга олинган ёки аккредитациядан ўтказилган хорижий иш берувчилар билан битимлар тузилгани;

талабгорни танлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун юборувчи ташкилотлар томонидан тузиладиган шартномаларнинг ва меҳнат мигрантлари томонидан хорижий иш берувчилар билан тузилган меҳнат шартномаларининг қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ҳалқаро ҳуқуқ ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги;

ишга жойлаштириладиган давлатда ходимларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган иш хақидан кам бўлмаган даражада меҳнат мигрантларини иш хақи билан таъминлаш нормаларига риоя этилиши;

ишга жойлаштириладиган мамлакатда белгиланган муносиб яшаш ва ишлаш шарт-шароитларини таъминлаш нормаларига риоя қилиниши.

46. Заруратга кўра Агентлик ва унинг хориждаги ваколатхоналари турили масалалар юзасидан меҳнат мигрантлари, ваколатли ташкилотлар билан учрашувлар ўтказади, тиббий хизматлардан фойдаланишда кўмаклашади, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари иш берувчи томонидан бузилишининг олдини олади.

47. Меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

## **7-боб. Меҳнат мигрантларининг ҳисобини юритиш**

48. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборувчи ташкилотлар орқали юборилган ҳамда мамлакатдан чиқиб кетишида ихтиёрий равишда рўйхатдан ўтган фуқаролар тўғрисидаги маълумот «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида шакллантирилади.

49. «Хорижда ish» электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган фуқаролар хорижга юборилган меҳнат мигрантлари сифатида ҳисобга олинади ва уларга белгиланган тартибда ҳуқукий ва моддий ёрдамлар кўрсатилиади.

**8-боб. Яқунловчи қоида**

50. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган  
ҳамда меҳнат миграциясида бўлган фуқароларга субсидия,  
компенсация ва кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган, шунингдек, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига субсидия, компенсация, микрокредит ва таълим кредитларини ажратиш тартибини белгилайди.

**2-боб. Миграция жамғармаси томонидан субсидия ва  
компенсациялар ажратиш тартиби**

1. Субсидия ва компенсациялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Агентликнинг Миграция жамғармаси (кейинги ўринларда — Миграция жамғармаси) ҳисобидан ажратилади.

2. Субсидия ва компенсациялар «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида (кейинги ўринларда — «Хорижда ish» дастурий мажмуаси) рўйхатдан ўтган ва ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат миграциясида кетаётган фуқароларга қўйидаги харажатларни қоплаш бўйича ажратилади:

а) чет тиллари ва (ёки) касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун, башарти улар муваффақиятли топширилганда ва сертификат олинганда — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда;

б) хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга «ишли виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда;

в) ўйл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача миқдорда;

г) «Камбағал оиласар реестри» ахборот тизими орқали камбағал деб топилган оиласар ёки «Ижтимоӣ ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила сифатида эътироф этилган ёхуд «Темир даф-

тар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ҳамда ўзи мустақил равища хорижга ишга кетаётган, шунингдек, ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти ҳамда бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш мақсадида суғурта ташкилотларига ҳар бир суғурталанган фуқаро учун йилига бир марта уч юз минг сўмгача миқдорда;

д) немис, инглиз, япон ва корейс тиллари бўйича камида В1 ёки унга тенглаштирилган даражадаги халқаро сертификат олган битирувчилари энг кўп бўлган 50 нафаргача ўқитувчига 50 миллион сўм миқдорида.

3. Субсидия ва компенсациялар тўлаб берилишини сўраб фуқаро «Хорижда ish» дастурий мажмуаси орқали электрон шаклда ёки бевосита Агентликка ариза билан мурожаат қиласида ва қўйидаги ҳужжатларни илова қиласи:

а) чет тиллари ва (ёки) касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун:

чет тиллари ва (ёки) касб бўйича малака имтиҳонларини муваффақиятли топширганлигини тасдиқловчи сертификат нусхаси;

тўлов қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

тасдиқланган меҳнат шартномаси нусхаси;

б) хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга «ишчи виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун:

«ишчи виза» нусхаси;

тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

тасдиқланган меҳнат шартномаси нусхаси;

в) йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун: йўл чиптаси нусхаси;

тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

тасдиқланган меҳнат шартномаси нусхаси.

4. Ариза Агентлик томонидан уч иш кунида кўриб чиқиласи ва натижаси бўйича ариза берувчига «Хорижда ish» дастурий мажмуасидаги шахсий кабинети орқали хабарнома юборилади.

5. Ариза қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

«Хорижда ish» дастурий мажмуасида «хорижда ишга жойлашган шахс» мақомида бўлмагандан;

Агентлик ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари орқали ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат миграциясига кетмагандан;

асослантирувчи ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки талабга мос эмаслиги аниқланганда.

6. Ариза маъқулланган тақдирда, компенсация суммаси Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқаро хорижда ишга жойлашганидан сўнг бир ойдан кечикмасдан, унинг аризасида кўрсатилган банк пластик картасига ўтказиб берилади ва фуқаро «Хорижда ish» дастурий мажмуаси орқали хабардор қилинади.

7. Ариза рад этилган тақдирда, фуқаро кўрсатилган камчиликларни бар-

тараф этган холда уч иш кунида қайта мурожаат қилиши мумкин ва ариза Агентлик томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилади.

8. Агентлик меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиги ва ҳаёти, шунингдек, бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш учун суғурта ташкилотини танлаш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тендер ўтказади.

Ўтказилган тендер натижасида ғолибликни қўлга киритган суғурта ташкилоти (кейинги ўринларда — суғурта ташкилоти) билан шартнома тузилади.

Фуқароларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида суғурта ташкилотининг электрон платформаси «Хорижда ish» дастурий мажмуаси билан интеграция қилинади ва онлайн режимда суғурта шартномасини расмийлаштириш, бекор қилиш ва ахборот алмашиш ишлари амалга оширилади.

9. Меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиги ва ҳаёти, шунингдек, бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш юзасидан субсидия қўйидаги тартибда ажратилади:

Агентлик ва унинг худудий филиаллари томондан суғурта ташкилоти билан тузилган шартнома доирасида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар «Хорижда ish» дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтказади, уларнинг камбағал оила ёки кам таъминланган оила сифатида эътироф этилган ёхуд «Темир дафтари», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилгани текширилади ҳамда суғурталаш учун тавсия берилади;

суғурта ташкилоти суғурталаш учун ариза йўллаган фуқароларга суғурта шартномасини расмийлаштиради;

суғурта ташкилоти ҳисобот ойида расмийлаштирилган суғурта шартномаси билан бир қаторда Агентликка суғурта шартномаси бўйича тўловларни амалга ошириш бўйича талабнома киритади;

Агентлик томонидан уч иш куни ичida суғурта ташкилотининг талабномасида кўрсатилган реквизитлар бўйича субсидия ҳар бир суғурталанган фуқаро учун уч юз минг сўмгача миқдорда ўтказиб берилади.

10. Суғурта шартномаси фуқаролар билан суғурта ташкилоти ўртасида электрон шаклда расмийлаштирилади.

11. Суғурта ташкилоти талабномасида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

суғурталанган фуқароларнинг шахсий маълумотлари (Ф.И.О, паспорт серияси ва рақами, ЖШШИР, туғилган санаси);

суғурта шартномаси серияси ва рақами (нусхаси илова қилинади);

суғурта ташкилоти реквизитлари.

12. Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотини қоплаш учун субсидия маблағлари тўлаб берилганидан сўнг суғурталовчи томонидан уч иш куни ичida қонунчиликда белгиланган тартибда шакллантирилган суғурта полиси «Хорижда ish» дастурий мажмуасига юборилади.

Агентлик ва суғурта ташкилоти томонидан ҳар ой якунлари бўйича расмийлаштирилган суғурта шартномасини ва амалга оширилган тўловлар бўйича ўзаро таққослаш далолатномаси расмийлаштириб борилади.

**З-боб. Хорижга ишлаш учун чиқиб кетаётган фуқароларга ривожланган мамлакатларда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун микрокредитлар ажратиш тартиби**

13. Вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда ривожланган мамлакатларга чиқиб кетаётган фуқароларга тиҷорат банклари томонидан Миграция жамғармаси маблағлари хисобидан 10 миллион сўмгача миқдорда Марказий банкнинг асосий ставкасидан тўрт фоиз бандга юқори ставкада икки йил муддатга микрокредитлар ажратилади.

Бунда ривожланган мамлакатлар рўйхати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган хисоботлар асосида шакллантирилиб, Агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда «Хорижда ish» дастурий мажмуасида барча учун очиқ эълон қилинади.

14. Микрокредитлар қайтарилиши, тўланиши, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ўн саккиз ёшга тўлган ва эллик ёшдан ошмаган шахсларга (кейинги ўринларда — кредит олувчи) ажратилади.

Бунда кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, турмуш ўртоғи) ёки учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида микрокредит шартномасида кафил сифатида қатнашишлари мумкин.

15. Микрокредит бўйича фоизлар фуқарога маблағ ўтказилган кундан бошлаб хисобланади ва банк ҳамда қарз олувчи томонидан тасдиқланган жадвалга асосан тўлаб борилади.

16. Миграция жамғармаси томонидан микрокредит учун маблағларни ажратишда тиҷорат банкларига нисбатан қўйидаги мувофиқлик мезонлари белгиланади:

тиҷорат банкида микрокредитлар ажратиш юзасидан аниқ белгиланган ички тартибининг мавжудлиги;

тиҷорат банки халқаро рейтинг агентликларининг «B» даражасидан паст бўлмаган даражада узок муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;

охирги уч йиллик молиявий хисоботлар бўйича аудиторлик ташкилоти ижобий хулосасининг мавжудлиги. Агар тиҷорат банки уч йилдан кам муддат фаолият қўрсатган бўлса, тиҷорат банкининг фаолият юритган йиллар учун молиявий хисоботлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси мавжуд бўлиши;

тиҷорат банкининг регулятив капитали 500 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги;

тиҷорат банки Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) томонидан жойлаштирилган кредит линиялари бўйича муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги;

Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативлар бузилганлиги сабабли унга нисбатан микрокредит берилишига тўсқинлик қилувчи амалдаги чора ва санкциялар мавжуд бўлмаслиги.

Агентлик мазкур банднинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида назарда

тутилган ҳужжат ва маълумотларни мурожаат этувчи тијорат банкларидан, мазкур банднинг еттинчи хатбошисида келтирилган маълумотларни Марказий банкдан белгиланган тартибда сўраб олади.

17. Агентлик тијорат банкларининг мувофиқлик мезонларига мос келишини баҳолашда, Марказий банкдан уларнинг молиявий холати тўғрисидаги қўшимча ахборотни сўраб олади.

Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар Агентлик томонидан беш иш кунида ушбу Низомнинг 16-бандида қўрсатилган мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганилади.

18. Белгиланган мезонларга мувофиқ деб топилган тијорат банклари ва Миграция жамғармаси ўртасида микрокредитлар ажратиш юзасидан икки йил муддатга Бош битим (кейинги ўринларда — Бош битим) тузилади.

Бунда ушбу муддат мобайнида томонларда Бош битимда кўзда тутилган шартлар бўйича эътиrozлар юзага келмаган тақдирда, Бош битимнинг муддати автоматик тарзда келгуси молия йиллари учун узайтирилган деб ҳисобланади.

Миграция жамғармаси томонидан ажратилган маблағлар тијорат банкининг биринчи даражали регулятив капиталидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Тијорат банклари ушбу Низомнинг 16-бандида қўрсатилган мезонларга мувофиқ эмас деб топилганда, улар билан Бош битим тузишни рад этиш ҳақида тегишли тијорат банклари ёзма тарзда хабардор қилинади.

20. Агентлик доимий равиша ушбу Низом доирасида Агентлик билан Бош битим тузган тијорат банкларининг рўйхатини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

21. Ташкиллаштирилган ҳолда хорижга ишлаш учун чиқиб кетаётган фуқароларга ривожланган мамлакатларда ишга жойлашиш билан боғлиқ харжатларни қоплаш учун микрокредитлар мазкур Низомга иловадаги\* схемага мувофиқ ажратилади.

Миграция жамғармасининг маблағларни тијорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида жойлаштиради.

22. Кредит олуви мкрокредитни олиш учун Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган тијорат банкларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
- микрокредит олиш учун ариза;
- Миграция агентлигининг тавсияномаси;
- банк ички сиёсатидан келиб чиқиб, кредит ажратиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар.

23. Тијорат банки кредит олуви томонидан микрокредит беришни сўраб тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни уч иш куни мобайнида кўриб чиқиб, микрокредит шартномасини имзолайди.

Кредит олуви томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом ва тијорат банкининг кредит сиёсати талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларда, тијорат банки томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қабул қилинади ҳамда ариза берувчига кредит беришни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда жавоб хати юборилади.

24. Микрокредит шартномаси кредит оловчига аризада қайд этилган асосланган ҳужжат ёки бошқалардан келиб чиқиб, унга тенг миқдордаги суммага тузилади.

25. Тижорат банклари томонидан микрокредит кредит оловчининг номига расмийлаштирилган банк пластик карточкасига маблағ ўтказиш йўли билан ажратилади.

26. Микрокредитнинг асосий қарз ва фоиз тўловлари кредит оловчи томонидан микрокредит шартномасида кўрсатилган шартларда тўланади.

27. Кредит оловчи (кафил ёки бошқалар) микрокредит бўйича асосий қарзни микрокредит шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайта-ришга ҳақлидир.

Бунда тижорат банки кредит оловчи (биргаликда кредит оловчи)дан микрокредит бўйича асосий қарзни шартномада белгиланган муддатлардан олдин қайтаргани учун комиссия ёки неустойка олиш тақиқланади.

28. Кредит оловчи микрокредит бўйича асосий қарзни микрокредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтармаса, тижорат банки микрокредит бўйича муддати ўтган қарздорликларни ўзининг ички ҳужжатларига асосан қайтариш чораларини кўради.

29. Агентлик томонидан тижорат банкларига берилган маблағлар тижорат банклари ва Агентлик ўртасида тузилган Бош битимда белгиланган шарт, тартиб ва муддатларда қайтарилади.

**4-боб. Халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотларида касб ўрганмоқчи бўлган фуқароларнинг таълим олиши учун таълим кредитларини ажратиш тартиби**

30. Халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотларида касб ўрганмоқчи бўлган фуқароларга таълим кредитлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Таълим жамғармаси) ҳисобидан берилади.

31. Халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотларида касб ўрганмоқчи бўлган фуқароларга тўлов-контракт асосида ўқиши учун Таълим жамғармаси ҳисобидан таълим кредитлари тижорат банклари томонидан уларнинг қайтарилиши, тўланиши, муддатлилиги ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида белгиланган талабларга мувофиқ ажратилади.

32. Таълим жамғармаси томонидан ҳар йили беш минг нафаргача халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотларида касб ўрганмоқчи учун таълим кредитлари ажратиш учун тижорат банкларига маблағ ажратилади.

33. Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилот-

ларидаги ўқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг олтмиш беш бараваригача миқдорда икки йил муддатгача берилади.

Бунда кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, aka-укаси, опа-синглиси, турмуш ўртоғи) ёки учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида таълим кредити шартномасида кафил сифатида қатнашишлари мумкин.

34. Таълим кредити икки йил муддатга олти ойлик имтиёзли давр билан ажратилади.

Таълим кредитининг фоизи кредит маблағи таълим ташкилотларига маблағ ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади ва банк ҳамда қарз олувчи томонидан тасдиқланган жадвалга асосан тўлови амалга оширилади.

35. Таълим жамғармаси томонидан таълим кредитлари учун маблағларни ажратиша тижорат банкларига нисбатан қўйидаги мувофиқлик мезонлари белгиланади:

тижорат банкида таълим кредитларини ажратиш юзасидан аниқ белгиланган ички тартибининг мавжудлиги;

тижорат банки «Fitch Ratings» ёки «Standard & Poor's» рейтинг агентлигининг «B» даражасидан ёки «Moody's Investors Service» рейтинг агентлигининг «B2» рейтингидан паст бўлмаган даражада узоқ муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;

охирги уч йиллик молиявий ҳисботлар бўйича аудиторлик ташкилоти ижобий хулосасининг мавжудлиги. Агар тижорат банки уч йилдан кам муддат фаолият кўрсатган бўлса, тижорат банкининг фаолият юритган йиллар учун молиявий ҳисботлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ижобий хулосаси мавжуд бўлиши;

тижорат банкининг регулятив капитали 500 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги;

тижорат банки Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган кредит линиялари бўйича муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги;

Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативлар бузилганлиги сабабли унга нисбатан таълим кредити берилишига тўскинлик қиувчи амалдаги чора ва санкциялар мавжуд бўлмаслиги.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур банднинг иккинчи-олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларни мурожаат этувчи тижорат банкларидан, мазкур банднинг еттинчи хатбошисида келтирилган маълумотларни Марказий банкдан белгиланган тартибда сўраб олади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тижорат банкларининг мувофиқлик мезонларига мос келишини баҳолашда Марказий банкдан уларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

36. Тижорат банклари ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотларни Таълим жамғармасига тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар Таълим жамғармаси томонидан

беш иш кунида ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганилади.

37. Белгиланган мезонларга мувофиқ деб топилган тижорат банклари ва Таълим жамғармаси ўртасида таълим кредитлари учун маблағ ажратиш юзасидан икки йил муддатга Бош битим тузилади.

Бунда ушбу муддат мобайнида томонларда Бош битимда кўзда тутилган шартлар бўйича эътиrozлар юзага келмаган тақдирда, Бош битимнинг муддати автоматик тарзда келгуси молия йиллари учун узайтирилган деб ҳисобланади.

Таълим жамғармаси томонидан ушбу Низом доирасида ажратилган маблағлар тижорат банкининг биринчи даражали регулятив капиталидан ошиб кетмаслиги лозим.

38. Тижорат банклари ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ эмас деб топилганда, улар билан Бош битим тузишни рад этиш ҳақида тегишли тижорат банклари ёзма тарзда хабардор қилинади.

39. Таълим жамғармаси ва Агентлик доимий равишда ушбу Низом доирасида Таълим жамғармаси билан Бош битим тузган тижорат банкларининг рўйхатини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

40. Кредит уни олувчилар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Профессионал таълим жарабёнларини бошқариш» (*prof.edu.uz*) ахборот тизимида мавжуд бўлганда ажратилади ҳамда тўлов-контракт шартномаси *«kontrakt.edu.uz»* ва *«prof.edu.uz»* ахборот тизимлари орқали шакллантирилади.

41. Таълим кредити тижорат банклари томонидан кредит олувчига Марказий банкнинг асосий ставкаси микдорида ажратилади.

Таълим жамғармаси маблағларни тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасидан тўрт фоиз бандга паст ставкада жойлаштиради.

Бунда Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тузилган таълим кредити учун маблағларни ажратиш тўғрисидаги депозит шартномасига фоиз ставкасини тегишли давр учун мос равишдаги фоиз бандга тушириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Марказий банкнинг асосий ставкаси кўтарилиган тақдирда, таълим кредити учун маблағларни ажратиш бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолдирлади.

42. Кредит олувчи таълим кредитини олиш учун тўғридан-тўғри тижорат банкларига мурожаат қилишда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
- б) таълим кредити олиш учун ариза;
- в) талаба ва таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиши ҳақида белгиланган тартибида расмийлаштирилган шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳисоб ва рақаси/фактураси (мавжуд бўлганда). Шартнома (контракт)да ўқиши тамомлашнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов микдори кўрсатилган бўлиши лозим;
- г) банкнинг кредит сиёсати ва ички тартибига мувофиқ таълим кредити

қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат. Бунда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оиласаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди;

д) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оиласалар фарзандлари учун);

ж) банкнинг ички ҳужжатларида (сиёсатида) белгиланган бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, биргаликда кредит олувчига тегишли маълумот ва ҳужжатлар.

43. Тижорат банки кредит олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни беш ишкуни мобайнода кўриб чиқиб, таълим кредити шартномасини имзолайди.

Кредит олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом ва тижорат банкининг кредит сиёсати талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларда тижорат банки кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва ариза берувчига кредит беришни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда жавоб хати юборади.

44. Таълим кредити шартномаси кредит олувчи томонидан тақдим этилган халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотлари ва касбга ўқимоқчи бўлган фуқаро ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартнома (контракт)да кўрсатилган муддатга тўлов суммасидан келиб чиқиб, унга тенг миқдордаги суммага тузилади.

45. Тижорат банклари томонидан таълим кредити кредит олувчининг сусда ҳисобварафидан унинг шахсий ёзма топшириги асосида кредит олувчи ва халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт) ёки ҳисоб ва рақаси/фактурада кўрсатиб ўтилган ҳисобварафига маблағ ўтказиш йўли билан ажратилиди.

46. Таълим кредитининг асосий қарз ва фоиз тўловлари кредит олувчи томонидан таълим кредити шартномасида кўрсатилган шартларда тўланади.

47. Кредит олувчи (кафил ёки бошқалар) таълим кредити бўйича асосий қарзни таълим кредити шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайтаришга ҳақлиdir.

Бунда тижорат банки кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)дан микрокредит бўйича асосий қарзни шартномада белгиланган муддатлардан олдин қайтаргани учун комиссия ёки неустойка олиш тақиқланади.

48. Кредит олувчи таълим кредити бўйича асосий қарзни таълим кредити шартномасида белгиланган муддатларда қайтармаса, тижорат банки таълим кредити бўйича муддати ўтган қарздорликларни ўзининг ички ҳужжатларига асосан қайтариш чораларини кўради.

49. Бош битимга мувофиқ тижорат банклари қарз олувчиларга ажратилган таълим кредитлари фоизларини қоплаш юзасидан талабномани шакллантириб, Таълим жамғармасига тақдим этади.

50. Таълим жамғармаси томонидан халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилган таълим ташкилотларида касб ўрганмоқчи бўлган фуқароларнинг таълим олиши учун таълим кредитларини ажратиш учун берилган маблағлар бўйича ҳисоб-китоб ишлари тижорат банклари ва Таълим жамғармаси ўртасида таълим кредитлари учун маблағ ажратиш юзасидан тузилган Бош битим асосида амалга оширилади.

51. Таълим жамғармаси томонидан тижорат банкларига берилган маблағлар тижорат банклари ва Жамғарма ўртасида тузилган Бош битим шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда қайтарилади.

#### **5-боб. Компенсация, субсидия ва кредитларни муддатидан олдин қайтариш**

52. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш шартномаси шартларига фуқаролар томонидан асоссиз равишда риоя қилинмаган тақдирда, уларга ажратилган субсидия, компенсация ва кредитлар муддатидан аввал қайтарилади.

#### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

53. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

54. Немис, инглиз, япон ва корейс тиллари бўйича камида В1 ёки унга тенгглаштирилган даражадаги халқаро сертификат олган битиравчилари энг кўп бўлган 50 нафаргача ўқитувчига 50 миллион сўм миқдорида субсидия Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида фаолият юритаётган чет тили фани ўқитувчиларининг рейтингини аниқлаш ва рафбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тўлаб берилади.

55. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон карорига  
5-ИЛОВА

**Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар  
марказларида фаолият юритаётган чет тили фани  
ўқитувчиларининг рейтингини аниқлаш ва субсидия  
бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида фаолият юритаётган инглиз, корейс, немис ва япон тили фани ўқитувчиларининг фаолияти самарадорлиги бўйича рейтингини (кейинги ўринларда — рейтинг) аниқлаш ва уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан субсидия тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари нодавлат касбий таълим ташкилотлари ўқитувчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-боб. Рейтингни аниқлашнинг мақсад ва вазифалари**

3. Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказлари ўртасида соғлом рақобат мухитини шакллантириш, уларда фаолият юритаётган чет тили фани ўқитувчиларининг педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, уларнинг салоҳиятидан самаравали фойдаланиш, ўқитиш сифати бўйича халқаро мезон ва стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришиш, мамлакатимизда чет тилларни ўргатишни оммалаштириш рейтингни аниқлашнинг мақсади ҳисобланади.

4. Қуйидагилар рейтингни аниқлаш борасидаги асосий вазифалар ҳисобланади:

касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида таълим берәётган чет тили фани ўқитувчиларининг профессионал билим дараҷасини аниқлаш;

касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида таълимни мунтазам такомиллаштириб бориш асосида хорижий меҳнат бозорларида талаб юқори бўлган малакали кадрларни тайёрлаш;

касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларининг рейтинги юқори бўлган ва чет (инглиз, корейс, немис ва япон) тиллари бўйича камида B1 ёки унга tenglashтирилган даражадаги халқаро сертификат олган битирувчилари сони энг кўп бўлган чет тили фани ўқитувчиларини рағбатлантириш;

касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнікмалар марказларида таълим берәётган чет тили фани ўқитувчиларининг рейтингини аниқлаш орқали уларнинг малакасини ошириш тадбирларини амалга ошириш;

касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўникмалар марказларининг ушбу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида республикамиз ва халқаро миқёсда рейтинги юқори таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишига кўмаклашиш.

### **3-боб. Рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари (индикаторлари)**

5. Рейтинг қўйидаги кўрсаткич (индикатор)лар асосида баҳоланади:  
хисобот йилида ўқувчилар ва (ёки) битирувчиларнинг чет тили бўйича камидаги В1 ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатларни кўлга киритгани;
- чет тили фани бўйича ўқитувчида ўқитаётган тили бўйича камидаги В1 ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатнинг мавжудлиги;
- чет тили фани бўйича ўқитувчида халқаро тан олинган педагогик сертификатнинг мавжудлиги;
- чет тили фани бўйича ўқитувчи томонидан дарс берилган гурух битирувчиларнинг ривожланган хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётгани;
- чет тили фани бўйича ўқитувчининг таълим даражаси.

### **4-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириши**

6. Чет тили фани ўқитувчиларнинг рейтинги Агентлик томонидан «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасига (кейинги ўринларда — «Хорижда ish» дастурий мажмуаси) киритилган маълумотлар ва асослантирувчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

7. Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўникмалар марказлари томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асослантирувчи ҳужжатлар билан биргаликда рейтинг аниқланаётган йилнинг 30 январига қадар «Хорижда ish» дастурий мажмуасига киритилади.

Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар ва асослантирувчи ҳужжатлар ўқитувчи томонидан рейтинг аниқланаётган йилдан бир йил олдин эришилган натижалар асосида шакллантирилади.

«Хорижда ish» дастурий мажмуасига рейтинг аниқланаётган йилнинг 30 январидан сўнг қўшимча маълумот жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

8. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асослантирувчи ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқилади.

Асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, маълумотлар рейтингни хисоблашда инобатга олинмайди.

9. Рейтинг «Хорижда ish» дастурий мажмуасидаги маълумотлар асосида Агентлик томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чораги якунига қадар шакллантирилади.

### **5-боб. Рейтингни аниқлашга оид баҳолаш ва натижаларни ҳисоблаш**

10. Чет тили фани ўқитувчиларининг рейтинги ҳар йили февраль-март ойларида мазкур Низомга иловага\* мувофиқ рейтингни аниқлаш мезонларидан келиб чиқиб, Агентлик директорининг буйруғи асосида тузиладиган комиссия томонидан баҳоланади.

Бунда:

комиссия таркиби Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг вакиллари киритилади;

рейтингни аниқлашда мазкур Низомга иловада кўрсатилган мезонларга мувофиқ камида 75 балл тўплаган чет тили фани ўқитувчиларининг натижалари инобатга олинади.

11. «Xorijda ish» дастурий мажмуасига юкланган рейтингни аниқлашга оид маълумотлар таҳлил қилиниб, рейтинг индикаторлари учун баллар қўйидагича ҳисобланади:

тегишли рейтинг индикатори бўйича ўқитувчиларнинг кўрсаткичлари аниқланади;

кўрсаткичларга асосан ўқитувчиларга шу индикатор учун белгиланган баллар берилади;

ҳар бир индикатор бўйича ҳисобланган баллар йифиндисидан ўқитувчилар рейтинги белгиланади.

### **6-боб. Рейтингини эълон қилиш ва рафбатлантириш**

12. Касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнилмалар марказларида таълим бераётган чет тили фани ўқитувчиларининг аниқланган якуний рейтинги натижалари II чорак бошланишидан кечикмай, Агентликнинг расмий веб-сайти ва «Xorijda ish» дастурий мажмуасида эълон қилинади.

13. Рейтингни аниқлаш якуни бўйича энг юқори натижа кўрсатган 50 нафар чет тили фани ўқитувчиларига Миграция жамғармаси ҳисобидан 50 миллион сўмдан субсидия тўланади.

14. Голиб бўлган ўқитувчилар Агентликнинг «Xorijda ish» дастурий мажмуасидаги шахсий кабинетига голиб бўлганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

Хабарномани олгандан сўнг голиб бўлган ўқитувчи томонидан белгиланган шаклдаги ариза тўлдиради.

Ариза келиб тушган кундан бошлаб 15 кун ичida Агентлик томонидан 50 миллион сўм микдоридаги субсидия суммаси Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан унинг аризасида кўрсатилган банк пластик картасига ўтказиб берилади ва фуқаро «Xorijda ish» дастурий мажмуаси орқали хабардор қилинади.

15. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Агентлиқда 3 йил давомида сақланади.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

16. Рейтинг натижаларидан норози бўлган ўқитувчилар Агентликка шикоят қилишлари мумкин.

Ўқитувчиларнинг шикоятлари Агентликда ташкил этилган Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция комиссиясининг фаолият тартиби Агентлик директори томонидан белгиланади.

17. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айборд бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарорига  
6-ИЛОВА

### **Миграция жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Миграция жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатлар худудида фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 18 марта 206-сон қарорида назарда тутилган ҳолатлар ва қоидаларга татбиқ этилмайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва Агентлик таркибида бўлади.

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасида очилган Агентликнинг шахсий ғазна ҳисобварағида йиғилади.

3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя қилинади ва уларга моддий ёрдам кўрсатилади.

#### **2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби**

4. Жамғарма маблағлари қўйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилайди:

Давлат бюджетидан ажратиладиган беғараз молиявий ёрдам;

чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар учун йиғимларнинг бир қисми;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари, ҳомийлик, грант маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар, хайрия жамғармалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ихтиёрий хайрия маблағлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибида Жамғарма ҳисобракамлагрига тушади, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг тартиб-таомилларида ёки хорижий грантларни тақдим этиш шартларида бошқа тартиб белгиланган холлар бундан мустасно.

### **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби**

6. Жамғарма маблағларидан қўйидаги харажатларни молиялаштириш учун фойдаланилади:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга ва таҳқирланишга дучор бўлган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларисиз, яшаш учун маблағларсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг фарзандларига ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган вақтда жароҳат олган, баҳтсиз ҳодисага учраган, оғир касалликка чалинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатиш, башарти ушбу хизматлар қийматини уларнинг ўз маблағлари ёки тиббий суғурта ҳисобидан тўлаш имкони бўлмаган тақдирда;

чет элда бўлган даврда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жасадларини, шунингдек, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш;

аввал ташкиллаштирилган ҳолда танлаш доирасида хорижга ишга юборилган ва борган мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида чиқариб юборилган (депортация қилинган) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш, кейинчалик тўланган маблағларни мазкур шахслар ҳисобидан қоплаш, шунингдек, хорижий иш берувчилар томонидан ишга жойлаштириш бўйича келишилган шароитлар билан таъминланмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотининг ўринини қоплаш учун суғурта компанияларига субсидиялар тўлаш;

фуқароларни (ёшларни) чет тилларига ўқитиш ва хорижий давлатларда ишлашга мақсадли тайёрлаш маркази, унинг филиаллари ҳамда кетиш

олдидан мослаштириш марказлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, малакали чет эллик педагог кадрларни маҳаллий таълим ташкилотларига жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

вактинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-хунарга тайёrlаш ва чет тилларига ўқитиш;

«Xorijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган ва хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда танлаш тартибида меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга хорижий тиллар ва (ёки) касб бўйича муваффақиятли топширилган малака имтиҳони харажатларини тўлаб бериш, хорижга кетиш учун йўл транспорт чиптасини харид қилишга компенсация тўлаш;

ривожланган давлатларга ташкиллаштирилган ҳолда танлаш тартибида меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга «ишли виза»ни расмийлаштириш харажатларини қоплаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган ҳолда ишга жойлаштиришни кенгайтириш, ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига доир ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиши;

Агентликнинг чет элдаги ваколатхоналарини ташкил этиш, жихозлаш ва сақлаб туриш;

хорижда вактинча меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш билан таъминланганлик ҳолатини улар ишга жойлашган жойларга борган ҳолда мониторинг қилиб бориш;

Агентлик ходимларини хорижий давлатларга узоқ муддатли хизмат сафарига юбориш ва унинг хорижий давлатлардаги вакиллари сифатида жалб этилган шахслар фаолиятини молиялаштириш;

хорижда вактинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларга ёрдам кўрсатиш учун туну-кун ишлайдиган «Call марказ» фаолиятини техник қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштириш;

меҳнат мигрантлари учун вактинча бўлиб турган мамлакатлари ва у ердаги бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш, ватандошлар билан онлайн мулоқот қилиш ва пул ўтказмаларини амалга ошириш, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланиш имконини берувчи мобил илова яратиш ва уни келгусида техник қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштириш;

Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқувчи ва мамлакатимиз ҳудудига кириб келувчи шахсларнинг аниқ хисобини юритиш имконини берувчи Ягона идоралараро электрон маълумотлар базасини яратиш ва уни келгусида техник қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштириш;

ташкиллаштирилган ҳолда вактинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ривожланган давлатларга чиқиб кетаётган фуқароларга 10 миллион сўмгача микрокредитлар ажратиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

инглиз, корейс, немис ва япон тиллари бўйича камида В1 ёки унга тенг-

лаштирилган даражадаги халқаро сертификат олган битирувчилар сони энг кўп бўлган касбий таълим ташкилотлари ва касбий кўнилмалар марказлари-нинг 50 нафар чет тили фани ўқитувчиларига 50 миллион сўмдан субсидия тўлаш;

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун дарсликлар ва бошқа тарқатма материалларни нашр қилишни молиялаштириш;

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тил ва касбга ўқитаётган ўқитувчиларни малака ошириш учун хорижий давлатларга юбориш ва уларнинг хизмат сафари харажатларни қоплаш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа харажатларни молиялаштириш.

Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари қолдиғи навбатдаги молия йилига ўтади ва олиб қўйилмайди.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган харажатлар учун Жамғарма маблағларидан маблағлар сарфлашни ташкил этиш схемасига мувофиқ ушбу Низомга иловага\* биноан тасдиқланган йўналишларга асосан фойдаланилади.

8. Жамғарма маблағларидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга Ўзбекистон Республикаси фуқароларини юборган ташкилотлар айби билан юзага келган ва ушбу Низомнинг 6-банди иккинчи — бешинчи хатбошиларида кўрсатилган харажатлар учун фойдаланилса, Жамғарманинг фойдаланилган маблағлар юборувчи ташкилотларнинг захира қилинган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Юборувчи ташкилот захира қилинган суммадан фойдаланилган маблағларни бир ҳафта муддатда қоплаши шарт.

9. Жорий йилда Жамғарманинг фойдаланилмаган маблағлари қолдиқла-ри кейинги молия йилига ўтади ва кейинги йилга мўлжалланган харажатлар сметасини тузишда ҳисобга олинади.

10. Хусусий бандлик агентликлари томонидан базавий ҳисоблаш миқдо-рининг тўрт минг баравари миқдоридаги маблағлар тегишли лицензия амал қилиш муддатига мутаносиб даврга Агентликнинг розилигисиз сарфламаслик ва маблағлар сарфланган тақдирда, белгиланган муддатларда ўрнини тўлди-риш шарти билан тижорат банкларида депозитларга захирага жойлашти-рилади.

Бунда захира маблағлари қўйиладиган тижорат банкларига нисбатан қўйидаги мувофиқлик мезонлари белгиланади:

тижорат банки халқаро рейтинг агентликларининг «В» даражасидан паст бўлмаган даражада узоқ муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;

охирги уч йиллик молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик ташкилоти ижобий хulosасининг мавжудлиги;

тижорат банкининг регулятив капитали 500 миллиард сўмдан кам бўл-маслиги;

тижорат банки Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, Ўзбекистон

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган депозитлар бўйича муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги.

Захира маблағларини депозитга жойлаштириш, сарфлаш, қисман ечиш, қайта тўлдириш, фоиз даромадларини йўналтириш тартиби Агентлик, хусусий бандлик агентлиги ва тижорат банклари ўртасидаги шартнома билан тартибга солинади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улар бўйича ҳисобот тузиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш**

11. Агентлик директори кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда Миграция бўйича республика комиссияси билан келишилган ҳолда, Жамғарманинг маблағларидан фойдаланиш параметрларига тезкор ўзгартиришлар киритиш ёки Жамғарма маблағларини мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган харажатларни молиялаштиришга йўналтириш хукуқига эга.

12. Агентлик директори ҳар олти ойда Жамғарма фаолияти, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида амалга оширилган ишлар, тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида Миграция бўйича республика комиссиясига ҳисобот беради.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

13. Жамғарма маблағларидан фойдаланишда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

14. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

15. Жамғарма қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тутатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарорига  
7-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига рус тилида қабул қилинган З-илованинг номи «Агентства по оборон-ной промышленности при Министерстве обороны Республики Узбекистан» сўзларидан кейин «, Агентство миграции при Кабинете Министров Республики Узбекистан» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви маҳаллий давлат ҳо-кимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ти-зимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 февралдаги 258-сон қарорига 1-иловада:

изоҳ қисми қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

*«Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг хори-жий делегациялар ва меҳмонларни кутуб олиши ҳамда ташриф даври-да дипломатик этикет талаблари бўйича кузатиб бориш ва хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекис-тон Республикаси фуқароларни ташиби хусусиятларидан келиб чиқиб навбатчи, шу жумладан, хорижий делегациялар ва меҳмонлар учун хиз-мат автотранспорт воситалари сони б та этиб белгиланади;»;*

бешинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — ўн биринчи хат-бошилар деб ҳисоблансан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Maxsus электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 17-иловада:

4-позициянинг учинчи устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Камбағал-ликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устуни қўйидаги мазмундаги «в» кичик банд билан тўлдирилсин:

«в) юридик шахс уставининг тасдиқланган нусхаси.»

9-позициянинг учинчи устуни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) меҳнат ва меҳнат миграцияси тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари-га риоя қилиш\*;

б) лицензия даъвогари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт минг баравари миқдоридаги маблағларни тегишли лицензия амал қилиш муддатига мутаносиб даврга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги розилигисиз сарфламаслик ва маблағлар

сарфланган тақдирда, белгиланган муддатларда ўрнини тўлдириш шарти билан тижорат банкларида депозитларга захирага жойлаштириш\*;

в) «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш;

г) штатда камида икки нафар ходимнинг, шу жумладан, олий маълумотга эга раҳбарнинг бўлиши;

д) хусусий бандлик агентлиги таъсисчилари ва (ёки) раҳбарлари таркибида фирибгарлик, одам савдоси, терроризм, экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар мавжуд эмаслиги, шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан ушбу жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар билан меҳнат, фуқаролик-хуқуқий ва агентлик шартномалари тузилмаслиги;

е) юридик шахс ходимлари томонидан уч йилда камида бир марта лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибга мувофиқ малака сертификатини олиш;

ж) ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, хусусий ёки ижарага олинган бинога эга бўлиш ҳамда унинг ёнгин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигини таъминлаш, тегишли моддий-техник база ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

з) хусусий бандлик агентликлари билан фуқаролар ўртасида тузилаётган ҳар бир шартномани маҳсус яратиладиган электрон ахборот тизимиға киритиш ва уни доимий янгилаб бориш\*;

и) хизматлар кўрсатиш тўғрисида бажарилган шартномаларга оид архив материалларини шакллантириш ва сақлаш;

к) хусусий бандлик агентликларининг хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларида белгиланган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харжатларни ушбу депозитга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги кўрсатмасига асосан қоплаш\*».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни касбга (мутахассисликка) ва чет тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 17 апрелдаги 213-сон қарорида:

1-банднинг «а» кичик бандидаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» сўzlари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

1-банднинг «б» кичик банди, 2-банднинг иккинчи, тўртинчи, олтинчи — еттинчи хатбошилари, 3-банд, 5-банднинг «б» кичик банди учинчи хатбошиси, «г» кичик банди иккинчи хатбошиси, «д» кичик банди, 7-банди учинчи хатбошиси, 8-банднинг «а» — «д» кичик бандлари, 9-банд учинчи, бешинчи хатбошиси, 10-банд иккинчи-учинчи хатбошилари, 11-банднинг иккинчи хатбошиси, 12-банд, 1-илованинг номи ва изоҳ қисми, 2-илованинг номи, 1-позиция «Тадбирлар» устунининг 2-банди, 3-илова номи, 4 — 15-позицияларидаги

«профессионал таълим муассасалари» сўзлари тегишли келишикдаги «касбий таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5-банднинг «б» кичик банди қуидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетиш истагида бўлган ва «Хорижда ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқаролар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарори билан тасдиқланган Фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимиёт органлари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати қуидаги мазмундаги 32<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 22 апрелдаги 252-сон қарорига  
8-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айrim қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон қарори)» 2019 йил 10 августдаги 661-сон қарорига илованинг 62-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 23 августдаги 713-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2020 йил 13 августдаги ЎРҚ-632-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори)» 2020 йил 2 декабрдаги 764-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига 6-илованинг 20-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарорига 3-илованинг 5-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 40-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарорига 3-илованинг 17-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**187 Номоддий маданий мерос намуналарини рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 25 майдаги ПФ-80-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 25 майдаги ПФ-80-сон Фармонига мувофиқ 2024 йилда қўйидаги хизматларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиши жорий қилиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

номоддий маданий мерос обьектларини Номоддий маданий мерос обьектларининг рўйхатига киритиш;

номоддий маданий мерос обьекти Номоддий маданий мерос обьектларининг рўйхатига киритилганлиги ёки киритилмаганлиги хақида маълумот бериш.

2. Қўйидагиларни назарда тутивчи Номоддий маданий мерос намуналарини рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

номоддий маданий мерос намуналарини Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий ва маҳаллий рўйхатларига киритиш ҳамда улардан чиқариш бўйича давлат хизматларини ЯИДХП ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш тартиби;

номоддий маданий мерос намунаси Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий ва маҳаллий рўйхатларига киритилган ёки киритилмаганлиги тўғрисида маълумот бериш тартиби.

3. Маданият вазирлиги икки ой муддатда:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизматининг ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқукий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Номоддий маданий мерос муҳофазасига

оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 23 февралдаги 47-сон қарорига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков ва адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 24 апрель,  
256-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 24 апрелдаги 256-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Номоддий маданий мерос намуналарини рўйхатга киритиш ёки  
ундан чиқариш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ва Давлат хизматлари марказлари орқали номоддий маданий мерос намуналарини Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий ва маҳаллий рўйхатларига киритиш ҳамда улардан чиқариш, шунингдек, уларнинг ушбу рўйхатларга киритилган ёки киритилмаганлиги тўғрисида маълумотлар олиш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ариза берувчи** — номоддий маданий мерос намуналари билан боғлиқ давлат хизматини кўрсатишни сўраб мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти;

**илмий-методик кенгаш** (кейинги ўринларда — Кенгаш) — ваколатли орган хузурида номоддий маданий мерос намуналарини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш мақсадида ташкил этиладиган давлат органлари, илмий институт ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, номоддий маданий меросни асраш ва ундан фойдаланиш йўналишида фаолият юритаётган ва тадқиқот ишларини амалга ошираётган алоҳида тадқиқотчилар ва мутахассислардан иборат кенгаш;

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**номоддий маданий мерос намуналари** — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган, урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, ракс, мусика, томоша санъати), бадиий хунармандчилик ва амалий санъат билан боғлиқ билимлар, кўнилмалар, артефактлар, маданий маконлар;

**номоддий маданий мерос намуналарининг маҳаллий рўйхати** (кейинги ўринларда — маҳаллий рўйхат) — Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари тасдиқлаган, номоддий маданий мерос масалалари бўйича худудий экспертилар гурухи томонидан юритиладиган Номоддий маданий мерос намуналари рўйхати;

**Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий рўйхати** (кейинги ўринларда — миллий рўйхат) — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасдиқлаган, ваколатли орган томонидан юритиладиган Ўзбекистон Республикаси худудида мавжуд бўлган номоддий маданий мерос намуналари рўйхати;

**тарихий-маданий экспертиза** (кейинги ўринларда — экспертиза) — номоддий маданий мерос намунасининг миллий рўйхатга киритилишини асослаш учун ташкил этиладиган ўрганиш ишлари;

**худудий орган** — Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари;

**худудий экспертилар гурухи** (кейинги ўринларда — экспертилар гурухи) — номоддий маданий мерос намуналарини излаб топиш ва улар тўғрисида маълумотлар йиғиши мақсадида худудий орган ҳузурида ташкил этиладиган давлат органлари, илмий институт ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари, номоддий маданий меросни асраш ва улардан фойдаланиш ўйналишида фаолият юритаётган ва тадқиқотчилар ва мутахассислардан иборат гурух.

3. Давлат хизмати ваколатли орган ва худудий органлар томонидан ЯИД-ХП ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилади.

4. Номоддий маданий мерос намуналарини:

миллий рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш масаласи Кенгаш томонидан;

маҳаллий рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш масаласи экспертилар гурухи томонидан кўриб чиқилади.

Бунда номоддий маданий мерос намуналари миллий рўйхатга киритилишидан (чиқарилишидан) олдин тегишли маҳаллий рўйхатга киритилиши (чиқарилиши) лозим.

5. Номоддий маданий мерос намуналарини миллий ва маҳаллий рўйхатларга киритиш ёки улардан чиқариш бўйича давлат хизматлари ушбу Регламентга 1 ва 2-иловалардаги\* схемаларга мувофиқ кўрсатилади.

Номоддий маданий мерос намунасини номоддий маданий мерос намунаси тегишли рўйхатларга киритилганлиги ёки киритилмаганлиги ҳақида маълумот бериш бўйича давлат хизмати мазкур Регламентга 3-иловадаги\* схемага мувофиқ кўрсатилади.

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Номоддий маданий мерос намуналарини Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий ва маҳаллий рўйхатларига киритиш ёки улардан чиқариш, шунингдек, уларнинг ушбу рўйхатларга киритилганлиги ёки киритилмаганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 4-иловага\* мувофиқ шаклда маълумотнома (кейинги ўринларда — маълумотнома) берилади.

7. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

**2-боб. Номоддий маданий мерос намуналарини миллий ва маҳаллий рўйхатларга киритиш ёки улардан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби**

**1-§. Сўровнома юбориш тартиби**

8. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

9. Ариза берувчи шахсан ёки унинг номидан мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда мазкур Регламентга 5-иловага\* мувофиқ шаклда сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни йигирма тўрт соат ичидан сўровнома юбориши мумкин.

Бунда сўровномалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларидан юборилганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни сўровномаларнинг ваколатли органга келиб тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

10. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотлар тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, унинг шахсини тасдиқловчи хужжатни электрон ракамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

11. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

**2-§. Номоддий маданий мерос намуналарини Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий рўйхатига киритиш ва ундан чиқариш тартиби**

12. Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

\* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар ўн дақиқа ичida ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

14. Ваколатли орган сўровномани бир иш куни ичida тегишли ҳудудий органга кўриб чиқиш учун юборади.

15. Ҳудудий орган сўровномани бир иш куни ичida эксперталар гурухига юборади.

Эксперталар гурухи ўн иш куни ичida сўровномани кўриб чиқиб, қуйидаги хulosалардан бирини тайёрлайди:

номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритиш (чиқариш) тўғрисида;

номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритишни (чиқаришни) рад этиш тўғрисида.

16. Эксперталар гурухининг номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритиш (чиқариш) тўғрисидаги хulosаси асосида ҳудудий орган:

бир иш куни ичida номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритиш (чиқариш) бўйича бўйруқ қабул қиласи;

номоддий маданий мерос намунаси аввал маҳаллий рўйхатга киритилган (чиқарилган) бўлса, бир иш куни ичida ахборот хати ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни ёзма равишда ваколатли органга тақдим этади.

17. Ваколатли орган маҳаллий рўйхатга киритилган (чиқарилган) номоддий маданий мерос намуналарини миллий рўйхатга киритиш (чиқариш) мақсадида бир иш куни ичida номоддий маданий мерос намуналарини экспертизадан ўтказиш учун кенгашга юборади.

Кенгаш ўн иш куни ичida номоддий маданий мерос намуналарини Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги 47-сон қарори билан тасдиқланган Номоддий маданий мерос намуналарининг тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ экспертизадан ўтказади ҳамда қуйидаги хulosалардан бирини тайёрлайди ва уни ваколатли органга тақдим этади:

номоддий маданий мерос намунасини Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий рўйхатига киритиш (чиқариш) тўғрисида;

номоддий маданий мерос намунасини Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий рўйхатига киритишни (чиқаришни) рад этиш тўғрисида.

18. Кенгашнинг номоддий маданий мерос намуналарини миллий рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш тўғрисидаги хulosаси асосида ваколатли орган бир иш куни ичida номоддий маданий мерос намуналарини миллий рўйхатга киритиш (чиқариш) юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига таклиф киритади.

19. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги уч иш куни ичida Ўзбекистон Республикаси номоддий маданий меросининг янгиланган миллий рўйхатини тасдиқлади ва ваколатли органга юборади.

20. Ваколатли орган бир иш куни ичida номоддий маданий мерос наму-

насини миллий рўйхатга киритилганлиги ёки ундан чиқарилганлиги бўйича маълумотномани (матрик штрихли код қўйилган) расмийлаштиради ҳамда уни ўз электрон ракамли имзоси билан тасдиқлаб, шу куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда ариза берувчига электрон шаклда юборади.

21. Давлат хизматлари маркази QR-код қўйилган маълумотномани олганидан сўнг ўн дақиқа ичида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи шахсан келиб мурожаат қиласди, унга маълумотномани ариза берувчининг сўровига кўра электрон шаклда ёки қофоз шаклда бериши шарт.

22. Қўйидагилар давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади:

номоддий маданий мерос намуналарини миллий ва маҳаллий рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш бўйича сўровномада зарур маълумотлар ва хужжатлар тўлиқ тақдим этилмагандага ёки уларда хато ва нотўғри маълумотлар мавжуд бўлса;

аввал айни шу турдаги намуна номоддий маданий мерос намунаси сифатида миллий ёки маҳаллий рўйхатга киритилган ёки ундан чиқарилган бўлса;

берилган номоддий маданий мерос намуналари айни омма учун хос ёки ҳар бир шахсда (объектларда) учрайдиган ёхуд ўзида бадиий ва маданий қимматлик хусусиятини акс эттирасида.

Давлат хизматини кўрсатиш бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

### **3-§. Номоддий маданий мерос намуналарини Номоддий маданий мерос намуналарининг маҳаллий рўйхатига киритиш ҳамда ундан чиқариш тартиби**

23. Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда тегишли ҳудудий органга юборилади.

24. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, сўровнома давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча хужжатлар ўн дақиқа мобайнида тегишлилиги бўйича ҳудудий органга электрон шаклда юборилади.

25. Ҳудудий орган сўровномани бир иш куни ичида экспертлар гурухига юборади.

Экспертлар гуруҳи ўн иш куни ичида сўровномани кўриб чиқиб, қўйидаги хulosалардан бирини тайёрлайди:

номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритиш (чиқариш) тўғрисида;

номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритишни (чиқаришни) рад этиш тўғрисида.

26. Экспертлар гурухининг номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритиш (чиқариш) тўғрисидаги хulosаси асосида ҳудудий орган бир иш куни ичида:

номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритиш (чиқариш) бўйича буйруқ қабул қиласди;

номоддий маданий мерос намунасини маҳаллий рўйхатга киритилганлиги (чиқарилганлиги) бўйича маълумотномани (матрик штрихли код кўйилган) расмийлаштиради.

Ҳудудий орган маълумотномани ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, шу куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда ариза берувчига электрон шаклда юборади.

27. Номоддий маданий мерос намунаси мазкур Регламентнинг 22-бандидаги асосларга кўра уни маҳаллий рўйхатга киритиш ёки ундан чиқариш рад этилади.

**З-боб. Номоддий маданий мерос намунасини Номоддий маданий мерос намуналарининг рўйхатига киритилганлиги ёки киритилмаганлиги ҳақида маълумот бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

**1-§. Сўровнома юбориш тартиби**

28. Ариза берувчи номоддий маданий мерос намунасининг қўйидаги рўйхатларга киритилганлиги ёки киритилмаганлиги юзасидан маълумотнома олиш бўйича ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали ваколатли органга мурожаат қилиши мумкин:

Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига тавсия этилаётган намуналар рўйхати;

Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос намуналари рўйхати;

Номоддий маданий мерос намуналарининг миллий рўйхати;

Номоддий маданий мерос намуналарининг маҳаллий рўйхати.

29. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, хар куни йигирма тўрт соат ичидан мазкур Регламентга 6-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровнома юбориши мумкин.

Бунда сўровномалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида юборилганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни сўровномаларнинг ваколатли органга келиб тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

30. Ариза берувчи шахсан ёки унинг номидан мурожаат қилиш хукуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотлар тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, паспортни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

31. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

32. Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

33. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча хужжатлар ўндақи маёйнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

## **2-§. Номоддий маданий мерос намунасини Номоддий маданий мерос намуналарининг рўйхатига киритилганлиги ёки киритилмаганлиги ҳақида маълумот бериш тартиби**

34. Ваколатли орган уч иш куни ичидаги сўровномани кўриб чиқади ва маълумотномани (матрик штрихли код қўйилган) расмийлаштиради ҳамда уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, шу куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда ариза берувчига электрон шаклда юборади.

35. Давлат хизматлари маркази QR-код қўйилган маълумотномани олганидан сўнг ўн дақиқа ичидаги уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласида. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи шахсан келиб мурожаат қилган тақдирда, унга маълумотномани ариза берувчининг сўровига кўра электрон ёки қофоз шаклда бериши шарт.

36. Сўровномада зарур маълумотлар ва хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки уларда хато ва нотўғри маълумотлар мавжуд бўлса давлат хизматини кўрсатиш рад этиш учун асос бўлади.

Давлат хизматини кўрсатиш бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

## **4-боб. Якунловчи қоидалар**

37. Давлат хизматлари марказлари, ваколатли орган ва худудий органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сирсақланишини таъминлайди.

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

39. Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатувчи ходимларнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган тақдирда, қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

40. Мазқур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**188 Саноат тармоқларида фаолият юритаётган йирик корхоналар учун сервис хизматларини кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш ва мутахассислар малакасини оширишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 30 августдаги ПФ-132-сон Фармонига мувофиқ йирик корхоналарга сервис хизматларини кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш ва маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

**1. Қуидагилар:**

Саноат тармоқларида фаолият юритаётган йирик тадбиркорлик субъектлари томонидан хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш бўйича импорт ўрнини босувчи сервис хизматларини кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш дастури 1-иловага\* мувофиқ;

Маҳаллий мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака оширишини ташкил этиш ҳамда корхонанинг малака ошириш харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

**2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 14 марта ги ПҚ-126-сон қарорига 3-иловада белгиланган тармоқ ўюшмаларининг (кейинги ўринларда — тармоқ ўюшмалари) маҳаллий мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака оширишини ташкил этишдаги асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:**

хизматлар импорти таҳлили асосида иқтисодиёт тармоқлари кесимида доимий талаб юқори бўлган хизматлар рўйхатини шакллантириб бориш;

хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводлари, уларнинг маҳсулотларига оид маълумотлар базасини яратиш;

корхоналарнинг буюртмасига асосан хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводи билан маҳаллий мутахассисларни импорт ўрнини босувчи хизматлар кўрсатишга тайёрлаш (ўқитиш, ўргатиш) ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича музокаралар ўтказиш;

маҳаллий корхоналарга хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича импорт ўрнини босувчи сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиш ва йўлга қўйишда кўмаклашиш;

корхоналарнинг талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, берилган буюртманомаларига асосан, хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш (ўқитиш, ўргатиш) хамда малакасини оширишни тизимли равишда ташкил этиб бориш;

хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака ошириб қайтган маҳаллий мутахассислар томонидан кўрсатиладиган импорт ўрнини босувчи хизматларнинг иқтисодий самарасини баҳолаб бориш.

3. Белгилансинки, маҳаллий мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака ошириш билан боғлиқ харажатлари Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси маҳаллий мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака оширишига масъул этиб белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Вахабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 25 апрель,  
259-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 25 апрелдаги 259-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Маҳаллий мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли  
ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака  
оширишини ташкил этиш ҳамда маҳаллий корхоналарнинг  
малака ошириш харажатларини қоплаб бериш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом маҳаллий корхоналар мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака оширишини ташкил этиш ҳамда малака ошириш харажатларини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**импорт ўрнини босувчи хизматлар** — маҳаллий корхона ёки маҳаллий мутахассис томонидан хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш бўйича кўрсатиладиган сервис хизматлари;

**маҳаллий корхона** — жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган ўрта ва ўирик тадбиркорлик субъектлари;

**малака ошириш дастури** — маҳаллий корхона ва хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводи билан ҳамкорликда маҳаллий мутахассиснинг юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш бўйича малакасини ошириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

**малака ошириш харажати** — маҳаллий корхона томонидан хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводи ўртасида маҳаллий мутахассисни юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш бўйича малака ошириш дастурига мувофиқ тузилган шартномага кўра тўлаб берилган харажат;

**маҳаллий мутахассис** — маҳаллий корхона билан ходим сифатида амалдаги меҳнат шартномасига эга бўлган, хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводида малака оширишга юбориладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

3. Маҳаллий мутахассисларнинг хорижда малака оширишларини ташкил этиш ва маҳаллий корхонанинг малака ошириш харажатларини қоплаш Саводга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари хисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда ускуналарни харид қилиш шартномаларига мувофиқ уларни ишга тушириш, ходимларни ўқитиш ва ўргатиш хизматлари ускуналарни етказиб берувчи ҳамкор томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган ҳолатлар бундан мустасно.

**2-боб. Маҳаллий мутахассисларнинг хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака ошириш тартиби**

4. Маҳаллий корхона томонидан ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводида маҳаллий мутахассисларни импорт ўрнини босувчи хизматлар кўрсатишга тайёрлаш (ўқитиш, ўргатиш) ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо ва худудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 14 мартағи ПҚ-126-сон қарорига З-иловада белгиланган тармоқ уюшмасига (кейинги ўринларда — тармоқ уюшмаси) буюртманома тақдим этилади.

5. Тармоқ уюшмаси маҳаллий корхонанинг буюртманомасига кўра хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводи билан маҳаллий мутахассисларни импорт ўрнини босувчи хизматлар кўрсатишга тайёрлаш (ўқитиш, ўргатиш) ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бўйича томонлар иштирокида музокаралар ўтказишни ташкиллаштиради.

6. Музокаралар натижаси бўйича ўзаро келишувга мувофиқ маҳаллий корхона ҳамда хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводи ўртасида импорт ўрнини босувчи хизматлар кўрсатиш бўйича маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида шартнома тузилади.

7. Маҳаллий корхона ҳамда хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводи билан ҳамкорликда малака ошириш дастури ишлаб чиқилади ва икки томонлама тасдиқланади.

8. Малака оширишга юбориладиган маҳаллий мутахассисларнинг маҳаллий корхона олдидаги хуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ томонларнинг розилиги билан тузилган, шунингдек, меҳнат қонунчилигига зид бўлмаган муайян шартлар, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи хизматлар кўрсатиш мажбурияти кабиларни ўз ичига олган меҳнат шартномасида белгиланади.

9. Малака оширишга юбориладиган маҳаллий мутахассислар хорижий тилларни бошланғич даражада билиш ва амалиётдан сўнг ўзи ишләётган корхонада келгусида камида 2 йил ишлаб бериш шарти билан юборилади.

10. Тармоқ уюшмалари хорижда малака ошириб келган мутахассислар иштирокида ўз мутахассислиги бўйича «устоз-шогирд» анъаналари асосида маҳаллий корхоналарда ўқув курсларини ташкил этади.

**3-боб. Маҳаллий корхоналарга хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака оширган маҳаллий мутахассисларнинг малака ошириш харажатларини қоплаб бериш тартиби**

11. Маҳаллий корхона томонидан маҳаллий мутахассиснинг малака оши-

риш харажатларини қоплаб бериш тўғрисида тегишли тармоқ уюшмасига қўйидаги тасдиқловчи хужжатлар билан мурожаат қилинади:

маҳаллий корхона ва маҳаллий мутахассис ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

маҳаллий корхона ва хориждаги ишлаб чиқариш заводи билан импорт ўрнини босувчи хизматлар кўрсатиш бўйича маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида тузилган шартнома;

тўлов амалга оширилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжатлар.

12. Тармоқ уюшмалари томонидан маҳаллий корхоналарнинг маҳаллий мутахассиси малакасини ошириш харажатларини қоплаб бериш тўғрисида ги мурожаатлари умумлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кейинги ўринларда — Савдо-саноат палатаси) орқали Жамғармага талабнома тақдим этилади.

13. Жамғарманинг ижро этувчи органи томонидан тармоқ уюшмалари тақдим этган талабнома келиб тушган кундан бошлаб 2 иш куни ичida Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасига (кейинги ўринларда — Фазначилик хизмати қўмитаси) тўлов топшириқномаси тақдим этилади.

14. Тармоқ уюшмалари Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасида кўзда тутилмаган «ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган» маблағларни ажратиш учун талабнома тақдим этган тақдирда, Жамғарма ижро этувчи органи томонидан талабнома рад этилади.

15. Талабнома рад этилган тақдирда, бу ҳақида шу куннинг ўзида тегишли тармоқ уюшмасига асосланган хабарнома юборилади.

16. Фазначилик хизмати қўмитаси томонидан Жамғарманинг ижрочи органи тақдим қилган тўлов топшириқномасига асосан Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағидан тегишли тармоқ уюшмаси ҳисобварағига белгиланган муддатда маблағ ўтказиб берилади.

#### **4-боб. Хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака ошириб қайтган маҳаллий мутахассислар томонидан кўрсатиладиган импорт ўрнини босувчи хизматларнинг иқтисодий самарасини баҳолаш**

17. Тармоқ уюшмалари томонидан хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида малака ошириб қайтган маҳаллий мутахассислар томонидан кўрсатиладиган импорт ўрнини босувчи хизматларнинг иқтисодий самараси қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

маҳаллий мутахассис томонидан кўрсатилган хизматлар нархининг хорижий давлатдаги (қоида тариқасида маҳаллий мутахассис малака оширган давлат) мутахассис томонидан кўрсатиладиган худди шу турдаги хизматлар нархи билан солишишима далолатномаси;

маҳаллий мутахассис томонидан ўрнатилган, созлаб ишга туширилган ёки таъмиранган юқори технологияли ускуна ва жиҳозларнинг ишлаш муддатининг узлуксизлиги даври;

корхонада маҳаллий мутахассис фаолият юритаётганда алоҳида шартнома асосида юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш сервис хизматлари импорти амалга оширилмаганлиги;

маҳаллий мутахассис томонидан тайёрланган шогирд мутахассислар сони ҳамда уларнинг юқори технологияли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда таъмирлаш сервис хизматлари кўрсатишни ўзлаштирганлиги;

маҳаллий мутахассис томонидан кўрсатилган хизматларнинг иқтисодий самараси эътироф этилган муносабатлар (корхона томонидан моддий-маънавий рағбатлантиришлар, ташаккурнома ва бошқалар).

18. Тармоқ уюшмалари томонидан ушбу Низомда белгиланган мезонлар асосида баҳолаш натижалари йиллик мониторинги юритилади.

19. Тармоқ уюшмалари томонидан йиллик мониторинг натижасида маҳала ошириш харажатлари қоплаб берилган маҳаллий мутахассислар фаолиятининг самарадорлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрланади ва Савдо-саноат палатасига тақдим қилиб борилади.

20. Тармоқ уюшмалари томонидан йиллик мониторинг натижасида маҳаллий мутахассислар фаолиятининг самарадорлиги тўғрисида қабул қилинган хулоса куйидагилар учун асос бўлиб хизмат қиласди:

келгусида хориждаги юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш (ўқитиш, ўргатиш) ҳамда уларнинг малакасини оширишни самаравали ташкил этишда;

келгусида малака оширишга юбориладиган маҳаллий мутахассисларни танлашда;

малака ошириш дастурларини ишлаб чиқишида;

ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларини қайта кўриб чиқишида.

## **5-боб. Якунловчи қоидалар**

21. Ушбу Низомдан фойдаланишда келиб чиқадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибида ҳал этилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**189** Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатла-  
рини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-  
ришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
21 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПФ-22-сон «Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замо-  
навий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг  
қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 21-сон қарори (рўйхат рақами 2521, 2013 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 45-сон, 596-модда) билан тасдиқланган Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон фермерлари кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАХМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 16 апрель,  
30-сон

*Келишилди:*

*Ўзбекистон фермерлари  
кенгаши раиси*

**A. ХАИТОВ**

2025 йил 9 апрель

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2025 йил  
16 апрелдаги 30-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини  
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 7-банддаги «туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» деган сўзлар «туман (шаҳар) фермерлар кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банддаги «туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгала-ри кенгаши» деган сўзлар «туман (шаҳар) фермерлар кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 25-банддаги «туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалири кенгашининг» деган сўзлар «туман (шаҳар) фермерлар кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**190 Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo'yiladigan talablar to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2693-13*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2015-yil 13-iyundagi 14/3-son qarori (ro'yxat raqami 2693, 2015-yil 6-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-yil., 27-son, 360-modda) bilan tasdiqlangan Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo'yiladigan talablar to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 1-aprel,  
7/6-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-aprelda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 1-apreldagi 7/6-son qaroriga  
 ILOVA

**Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo'yiladigan talablar  
 to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. I darajali kapital regulyativ kapitalning 50 foizidan kam bo'lmasligi lozim. II darajali kapital miqdori I darajali kapital miqdorining 100 foizidan oshib ketsa, oshgan summa regulyativ kapital tarkibiga kiritilmaydi.”.

2. 12-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“12. I darajali qo'shimcha kapital o'z ichiga quyidagilarni oladi:

a) mazkur Nizom 12-1-bandida belgilangan talablarga javob beruvchi to'liq to'langan nokumulyativ muddatsiz imtiyozli aksiyalar va (yoki) boshqa nokumulyativ muddatsiz kapital vositalari;

b) qo'shilgan kapital — nokumulyativ muddatsiz imtiyozli aksiyalar va (yoki) boshqa nokumulyativ muddatsiz kapital vositalarini birinchi marta joylashtirilishida ularning nominal narxidan yuqori to'langan summa;

v) I darajali qo'shimcha kapitalga qo'shilish shartlariga javob beruvchi shu'ba korxonalarini tomonidan chiqarilgan va uchinchi shaxslar ixtiyorida bo'lgan kapitalga tenglashtirilgan vositalar, shuningdek mazkur Nizomning 11-bandi “g” kichik bandiga kiritilmagan ozchilik ulush egalarining bank yig'ma balansiga birlashadigan korxonalardagi ulushlari.”.

3. Quyidagi mazmundagi 12-1-band bilan to'ldirilsin:

“12-1. I darajali qo'shimcha kapitalga kiritilgan to'liq to'langan nokumulyativ muddatsiz imtiyozli aksiyalar va (yoki) boshqa nokumulyativ muddatsiz kapital vositalari quyidagi shartlarni qanoatlantirishi lozim:

muayyan sotib olish sanasi yoki shartlariga ega bo'lmasligi;

bank tugatilganda ularga doir talablar bank depozitorlari, kreditorlari va subordinar qarzlar bo'yicha talablari bajarilgandan so'ng qondirilishi;

emitent yoki unga aloqador shaxslar tomonidan kafolatlanmagan va ta'minlanmagan bo'lishi;

ular chiqarilgan sanadan kamida besh yildan so'ng emitent tashabbusi bilan qaytarib sotib olinishi mumkinligi, bunda Markaziy bankning e'tirozi mavjud bo'lmasligi, shuningdek o'xshash turdag'i muddatsiz imtiyozli aksiyalar va (yoki) boshqa nokumulyativ muddatsiz kapital vositalariga yoxud boshqa ulardan yuqoriroq turiga almashtirilishi yoki qaytarib sotib olinishi natijasida bank I darajali kapitalining monandlik koeffitsiyenti mazkur Nizom talablariga muvofiq o'rnatilgan minimal talabdan kamida ikki foiz bandga yuqori bo'lishi;

bank aksiyadorlari umumiyligi yig'ilishi qaroriga muvofiq ularga doir dividendlar (foizlar) to'lanmasligi mumkinligi;

ular bo'yicha to'lanmagan yoki to'liq to'lanmagan dividendlar (foizlar) jamg'arib borilmasligi va keyinchalik to'lanmasligi;

ular bo'yicha dividendlar (foizlar) to'lanmaganligi bank tomonidan

majburiyatlarning bajarilmasligi (to'lovga qobiliyatsizlik) holati deb baholanmasligi;

ular bo'yicha to'lanmagan dividendlar (foizlar) hisobidan shakllangan mablag'lardan bank hech qanday cheklovgarsiz foydalanish huquqiga egaligi;

ular bo'yicha dividendlar (foizlar) to'lanmasligi bank uchun hech qanday cheklovlarni keltirib chiqarmasligi;

ular bo'yicha dividendlar (foizlar) miqdorlari (stavkalari) bankning moliyaviy holati va (yoki) kredit reytingi o'zgarishi natijasida o'zgarmasligi;

bank ular qaytarib sotib olinishiga oid shartlarni shakllantirmasligi, shu jumladan shartnoma shartlariga bunday shartlarni kiritilmasligi;

bank to'lovga qibiliyatsizlikka uchraganini baholashda bankning majburiyatlari uning aktivlaridan ortib ketish holatiga olib kelmasligi;

buxgalteriya hisobi maqsadlarida majburiyat sifatida tasniflangan kapital vositalari bank I darajali asosiy kapitalining monandlik koefitsiyentini kamida mazkur nizomga muvofiq talabdan (kapitalning konservatsiya buferi hisobga olinmagan holda) bir foiz bandga balandroq darajaga yetkazish maqsadida bankning oddiy aksiyalariga to'liq miqdorda yoki qisman konvertatsiya qilinishi va (yoki) hisobdan chiqarilishi;

bankni qayta kapitallashtirishga to'sqinlik qiluvchi shartlar, shu jumladan kelgusida ushbu kapital vositalari avvalgilariga nisbatan pastroq narxda chiqarilganda avval joylashtirilgan kapital vositalariga egalik qiluvchi shaxslarga kompensatsiya to'lanishini nazarda tutuvchi shartlarning mavjud emasligi.”.

4. 13-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

5. 1-ilovada:

a) 10-2 va 10-3-pozitsiyalardagi “2024-yil 1-apreldan boshlab” degan so‘zlar “2024-yil 1-apreldan boshlab 2025-yil 1-iyunga qadar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

b) quyidagi mazmundagi 10-4 va 10-5-pozitsiyalar bilan to'ldirilsin:

“

10 <sup>4</sup> .	<p>2025-yil 1-iyundan boshlab doimiy daromadga ega bo'lgan yoki kamida oxirgi uzluksiz olti oy davomida har oy bank hisobvarag'ida, shu jumladan bank kartasida mablag'lar aylanmasiga ega bo'lgan hamda qarz yuki ko'rsatkichi 50 foiz va undan past bo'lgan o'zini o'zi band qilgan shaxslarga ajratilgan 300 million so'm va undan kam miqdordagi kreditlar, bundan oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida ajratilgan kreditlar mustasno.</p> <p>Bunda:</p> <p>doimiy daromadga ega bo'lgan yoki kamida oxirgi uzluksiz olti oy davomida har oy bank hisobvarag'ida, shu jumladan bank kartasida mablag'lar aylanmasiga ega bo'lgan hamda qarz yuki ko'rsatkichi 50 foiz va undan past bo'lgan o'zini o'zi band qilgan shaxslarga ajratilgan 300 million so'mdan oshadigan kreditlar yillik foiz stavkasidan kelib chiqib, Markaziy bank tomonidan o'rnatiladigan tavakkalchilik darajalari asosida tavakkalchilikka tortiladi;</p>	75%
-------------------	--	-----

	o‘zini o‘zi band qilgan shaxslar doimiy daromadga ega bo‘limgan yoki kamida oxirgi uzlusiz olti oy davomida har oy bank hisobvarag‘ida, shu jumladan bank kartasida mablag‘lar aylanmasiga ega bo‘limgan yoki qarz yuki ko‘rsatkichi 50 foizdan oshgan bo‘lsa yoxud mazkur ko‘rsatkichni aniqlash imkonи bo‘limgan bo‘lsa, mazkur qarz oluvchilarga ajratilgan kreditlar ushbu ilovaning 13-2-pozitsiyasiga muvofiq tavakkalchilikka tortiladi.	
10 <sup>5</sup> .	<p>2025-yil 1-iyundan boshlab kichik tadbirkorlik subyektlariga ajratilgan jami qoldiq summasi bank regulyativ kapitalining 0,2 foizidan oshmagan, biroq eng ko‘pi bilan 15 mlrd. so‘mgacha kreditlar, bundan oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida ajratilgan kreditlar mustasno.</p> <p>Bunda, kichik tadbirkorlik subyektlariga ajratilgan jami qoldiq summasi bank regulyativ kapitalining 0,2 foizidan yoki 15 mlrd. so‘mdan oshgan kreditlar yillik foiz stavkasidan kelib chiqib, Markaziy bank tomonidan o‘rnatiladigan tavakkalchilik darajalari asosida tavakkalchilikka tortiladi.</p>	75% "

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**191 Tijorat banklarining likvidlilagini boshqarishga qo'yiladigan talablar to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2709-7*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2015-yil 22-iyuldagli 19/1 4-son qarori (ro'yxat raqami 2709, 2015-yil 13-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-yil, 32-son) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarining likvidlilagini boshqarishga qo'yiladigan talablar to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 1-aprel,  
7/5-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-aprelda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 1-apreldagi 7/5-son qaroriga  
 ILOVA

**Tijorat banklarining likvidlilagini boshqarishga qo'yiladigan  
 talablar to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish  
 haqida**

1. 1-bandda:

quyidagi mazmundagi o'n birinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

**"moliyaviy tashkilot** — kredit tashkilotlari, sug'urta tashkilotlari, lizing tashkilotlari, qimmatli qog'ozlar bozorining professional ishtirokchilari, kliring tashkilotlari va moliyaviy xizmatlar ko'rsatuvchi boshqa tashkilotlar;”; o'n birinchi xatboshi o'n ikkinchi xatboshi deb hisoblansin.

2. 2-bandda:

sakkizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 50 foizgacha bo'lgan xorijiy davlatlarning hukumatlari, markaziy banklari va davlat sektori tashkilotlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalar va ularga nisbatan boshqa moliyaviy talablar;”;

quyidagi mazmundagi to'qqizinchi — o'n birinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 50 foizgacha bo'lgan xalqaro moliya tashkilotlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlar;

ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari tomonidan chiqarilgan ta'minlangan qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qog'ozlar hamda korporativ obligatsiyalar;

kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 50 foizgacha bo'lgan bankka aloqador bo'limgan hamda moliyaviy bo'limgan tashkilotlar tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlar;”;

to'qqizinchi xatboshi o'n ikkinchi xatboshi deb hisoblansin.

3. Quyidagi mazmundagi 2<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“2<sup>1</sup>. Yuqori likvidli aktivlar 1-darajali yuqori likvidli aktivlar va 2-darajali yuqori likvidli aktivlar yig'indisidan iborat.

Bunda, yuqori likvidli aktivlar hisob-kitobida garovga qo'yilgan yuqori likvidli aktivlar hisobga olinmaydi.”.

4. 3-bandda:

birinchi xatboshidagi “Yuqori likvidli” degan so'zlar “1-darajali yuqori likvidli” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 0 foiz bo'lgan xorijiy davlatlarning hukumatlari, markaziy banklari va davlat sektori tashkilotlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalar va ularga nisbatan boshqa moliyaviy talablar;”;

sakkizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 0 foiz bo'lgan

xalqaro moliya tashkilotlari, shu jumladan Xalqaro valyuta jamg'armasi va Jahon banki guruhi (Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki, Xalqaro moliya korporatsiyasi, Xalqaro investitsiyalarni kafolatlash agentligi, Xalqaro taraqqiyot assotsiatsiyasi) hamda Osiyo taraqqiyot banki, Osiyo infrastruktura investitsiya banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki, Yevropa investitsiya banki, Yevropa Kengashining taraqqiyot banki, Islom taraqqiyot banki, Amerikalararo taraqqiyot banki, Skandinaviya investitsiya banki va Afrika taraqqiyot banki tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalar va ularga nisbatan boshqa moliyaviy talablar;”;

to'qqizinchi xatboshidagi “qog'ozlar;” degan so‘z “qog'ozlar.” degan so‘z bilan almashtirilsin;

o‘ninchи xatboshi chiqarib tashlansin.

5. Quyidagi mazmundagi 3<sup>1</sup> — 3<sup>3</sup>-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“3<sup>1</sup>. 2-darajali yuqori likvidli aktivlar 2A darajali va 2B darajali yuqori likvidli aktivlarni o‘z ichiga oladi.

Bunda, yuqori likvidli aktivlar hisob-kitobida: 2-darajali yuqori likvidli aktivlar summasi yuqori likvidli aktivlar summasining 40 foizidan;

2B darajali yuqori likvidli aktivlar summasi jami yuqori likvidli aktivlar summasining 15 foizidan oshmasligi lozim.

3<sup>2</sup>. 2A darajali yuqori likvidli aktivlarga quyidagilar kiradi:

kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 20 foiz bo‘lgan xorijiy davlatlarning hukumatlari, markaziy banklari va davlat sektori tashkilotlari hamda xalqaro moliya tashkilotlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalar va ularga nisbatan boshqa moliyaviy talablarning 85 foizi;

reyting bahosi “AA” (Standard & Poor’s, Fitch Ratings) va (yoki) “Aa3” (Moody’s Investors Service) darajasidan past bo‘limgan hamda bankka aloqador hisoblanmagan moliyaviy bo‘limgan tashkilotlar tomonidan chiqarilgan ta’milangan qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qog'ozlar hamda korporativ obligatsiyalarning 85 foizi;

ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari tomonidan chiqarilgan korporativ obligatsiyalarning 85 foizi.

3<sup>3</sup>. 2B-darajali yuqori likvidli aktivlarga quyidagilar kiradi:

reyting bahosi “A+” dan “A-” gacha (Standard & Poor’s, Fitch Ratings) va (yoki) “A1” dan “A3” gacha (Moody’s Investors Service) bo‘lgan hamda bankka aloqador hisoblanmagan moliyaviy bo‘limgan tashkilotlar tomonidan chiqarilgan ta’milangan qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qog'ozlar hamda korporativ obligatsiyalarning 50 foizi;

kapital monandligi hisob-kitobida tavakkalchilik darajasi 50 foiz bo‘lgan xorijiy davlatlarning hukumatlari, markaziy banklari va davlat sektori tashkilotlariga hamda xalqaro moliya tashkilotlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalar va ularga nisbatan boshqa moliyaviy talablarning 50 foizi.”.

6. 52-bandda uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Keyingi 30 kun ichidagi kirim va chiqim elementlari va ularga nisbatan qo‘llaniladigan koefitsiyentlar Markaziy bank tomonidan o‘rnatalidi.”.

7. 53-bandda:

birinchi xatboshidan “SBMMK hisoblash namunasi mazkur Nizomning 2-ilovasida ko‘rsatilgan.” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Barqaror moliyalashtirishning mavjud summasi va barqaror moliyalashtirishning zarur summasi elementlari va ularga nisbatan qo‘llaniladigan koeffitsiyentlar Markaziy bank tomonidan o‘rnataladi.”;

ikkinchi — oltinchi xatboshilar tegishli ravishda uchinchi — yettinchi xatboshilar deb hisoblansin;

uchinchi xatboshidan “2019-yil 1-sentabrdan boshlab” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

8. 54 va 55-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

9. 2-ilova o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**192** “Qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3205-4*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2019-yil 28-sentabrdagi 24/5-son “Qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 3205, 2019-yil 19-dekabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 2019-y., 10/19/3205/4177-son) ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 8-aprel,  
7/4-son

*Kelishildi:*

*Savdo-sanoat palatasi raisi*

**D. VAXABOV**

*2025-yil 2-aprel*

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 23-aprelda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 8-apreldagi 7/4-son qaroriga  
 ILOVA

**“Qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘srimchalar**

1. Qarorda:

a) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“Mikromoliya tashkiloti va lombard tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”;**

b) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Mikromoliya tashkiloti va lombard tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.”.

2. Nizomda:

a) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“Mikromoliya tashkiloti va lombard tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi NIZOM”;**

b) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom mikromoliya tashkiloti va lombard (bundan buyon matnda nobank kredit tashkiloti deb yuritiladi) tomonidan qarz oluvchi jismoniy shaxslarga kreditlar (mikroqarzlar) ajratilayotganda qarz yuki ko‘rsatkichini hisoblash tartibi va uning ruxsat etilgan miqdorini, shuningdek nobank kredit tashkiloti tomonidan jismoniy shaxslarga ajratiladigan kredit (mikroqarz) bo‘yicha kunlik eng yuqori foiz stavkalarini belgilaydi.”;

d) 1-bandda:

ikkinchi xatboshi “kredit tashkilotiga” degan so‘zlardan oldin “nobank” degan so‘z bilan to‘ldirilsin;

to‘rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“qarz beruvchi** — bank, nobank kredit tashkiloti, mikromoliya tashkiloti faoliyatini amalga oshiruvchi to‘lov tashkiloti va tovar iste’mol kreditlarini beruvchi tashkilot;”;

oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“o‘rtacha oylik to‘lovlar miqdori** — qarz oluvchining kredit (mikroqarz) ajratish to‘g‘risida qarz beruvchi tomonidan ko‘rib chiqilayotgan murojaati (murojaatlari) hamda uning barcha qarz beruvchilar bilan tuzilgan kredit

(mikroqarz) shartnomalari, shuningdek qarz oluvchi kafil va/yoki birligida qarz oluvchi sifatida ishtirok etadigan kredit (mikroqarz) shartnomalari bo'yicha to'lovlarning o'rtacha oylik qiymati;";

quyidagi mazmundagi sakkizinchchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

**"kreditni qayta moliyalashtirish"** — qarz oluvchining boshqa qarz beruvchilardan olgan kreditini (mikroqarzini) so'ndirish maqsadida nobank kredit tashkiloti tomonidan maqbul shartlar asosida kredit (mikroqarz) berilishi;";

sakkizinchchi xatboshi to'qqizinchchi xatboshi deb hisoblansin;

to'qqizinchchi xatboshidagi "shaxslar" degan so'z "shaxs" degan so'z bilan almashtirilsin;

e) 2-bandda:

birinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

ikkinchi — oltinchi xatboshilar tegishli ravishda birinchi — beshinchi xatboshilar deb hisoblansin;

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Qarz yuki ko'rsatkichi har bir qarz oluvchiga nobank kredit tashkiloti tomonidan kredit (mikroqarz) ajratishda, shu jumladan mazkur kredit (mikroqarz) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar miqdorini oshirish (bundan shartnomada belgilangan o'zgaruvchan foiz stavkasi oshishi munosabati bilan to'lovlar miqdorining oshirilishi holatlari mustasno), kreditlash limitini oshirish hamda muddatni uzaytirish va boshqa qarz beruvchining kreditga (mikroqarzga) doir huquqlarini (talablarini) sotib olish yoki kreditni qayta moliyalashtirishga oid qaror qabul qilinganda (bundan buyon matnda kredit (mikroqarz) ajratish deb yuritiladi) hisoblanishi lozim.";

uchinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

to'rtinchi va beshinchi xatboshilar tegishli ravishda uchinchi va to'rtinchi xatboshilar deb hisoblansin;

uchinchi xatboshidagi "mikromoliya tashkiloti va lombard" degan so'zlar "nobank kredit tashkiloti" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

f) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"3. Nobank kredit tashkiloti tomonidan boshqa qarz beruvchining kreditga (mikroqarzga) doir huquqlari (talablar) sotib olinayotganda yoki kredit qayta moliyalashtirilayotganda, qarz yuki ko'rsatkichi hisob-kitobida qarz oluvchining mazkur kredit (mikroqarz) bo'yicha to'lovlari takroran hisobga olinmaydi.";

g) 4-bandda:

uchinchi xatboshidagi "qarz beruvchi" va "kreditorlar" degan so'zlar tegishli ravishda "nobank kredit tashkiloti" hamda "qarz beruvchilar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshi "amalda bo'lgan" degan so'zlardan keyin "barcha" degan so'z bilan to'ldirilsin;

h) 4<sup>1</sup>-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"4<sup>1</sup>. Kredit (mikroqarz) shartnomasiga asosan uni so'ndirish muddati 36 oydan oshgan taqdirda, qarz yuki bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar miqdori hisob-kitobida kredit (mikroqarz) bo'yicha barcha to'lovlari 36 oyga teng miqdorda taqsimlanadi.";

i) 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Nobank kredit tashkiloti o‘rtacha oylik to‘lovlarni kredit byurosini tomonidan taqdim etiladigan kredit hisobotidagi va nobank kredit tashkiloti boshqa rasmiy manbalardan olgan ma’lumotlaridan foydalangan holda hisoblab chiqadi.”;

j) 6-banddagi “bir kalendar oydan” degan so‘zlar “10 kalendar kundan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

k) 7-bandning ikkinchi xatboshisidagi, 8-banddagi va 11-bandning birinchi xatboshisidagi “Qarz beruvchi” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

l) 9-bandda:

birinchi xatboshisidagi “Qarz beruvchi” degan so‘zlar “Nobank kredit tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda, nobank kredit tashkiloti mazkur bandning ikkinchi — yettinchi xatboshilarida keltirilgan hujjatlar bilan cheklanmasdan boshqa ma’lumotlardan foydalanishi mumkin.”;

to‘qqizinchi va o‘ninchи xatboshilar chiqarib tashlansin;

m) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Nobank kredit tashkiloti tomonidan kredit (mikroqarz) ajratishda jismoniy shaxsning qarz yuki ko‘rsatkichi 50 foizdan oshmasligi kerak, bundan mazkur Nizomning 2-bandi uchinchi va to‘rtinchi xatboshilarida ko‘rsatilgan hollar mustasno.”;

n) ilovaning ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mikromoliya tashkiloti va lombard tomonidan  
beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha  
qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini  
tartibga solish to‘g‘risidagi nizomga  
ILOVA”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI VAZIRINING  
BUYRUG'I

**193** Umumiy o'rta ta'lim oluvchilarning yakuniy davlat attestatsiyasi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
22-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1778-4*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son "Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2023-yil 26-maydagi PF-79-son "Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda uning tizimidagi tashkilotlar faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vazirining 2008-yil 4-martdagi 56-sun buyrug'i (ro'yxat raqami 1778, 2008-yil 20-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 12-13-sun, 78-modda; 2015-y., 3-sun, 36-modda) bilan tasdiqlangan Umumiy o'rta ta'lim oluvchilarning yakuniy davlat attestatsiyasi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

Toshkent sh.,  
2025-yil 9-aprel,  
2-mh-sun

**X. UMAROVA**

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-aprelda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
maktabgacha va maktab ta'limi vazirining  
2025-yil 9-apreldagi 2-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Umumiy o'rta ta'lif oluvchilarining yakuniy davlat  
attestatsiyasi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan  
o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. Nizom muqaddimasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Nizom umumiy o'rta ta'lif oluvchilarining yakuniy davlat attestatsiyasini (bundan buyon matnda yakuniy attestatsiya deb yuritiladi) o'tkazish jarayonini tartibga soladi.".

2. 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"6. Bitiruvchi sinflarda yakuniy attestatsiya o'tkaziladigan fanlar ro'yxati, shakli va muddatlari har o'quv yilida O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi tomonidan tasdiqlanadi.

Bunda, ushbu ro'yxatga ta'lif tili o'zbek tili bo'limgan maktablar uchun davlat tili majburiy fanlar blokiga kiritiladi.

Yakuniy davlat attestatsiyasi doirasida 11-sinf bitiruvchilari majburiy hamda tanlov fanlari bo'yicha yakuniy attestatsiyadan o'tkaziladi. Bunda, tanlov fanlari ro'yxatidan bitiruvchi oliy ta'lif tashkilotiga kirish imtihonidagi o'zi tanlagan yo'nalishga mos fanlarni tanlashi mumkin.".

3. 7-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"7. Bitiruvchi sinflar uchun yakuniy attestatsiya materiallari (yozma ish yoki insho mavzulari, matematika bo'yicha topshiriqlar, og'zaki imtihon biletlari, test topshiriqlari) O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining Ixtisoslashtirilgan ta'lif muassasalari agentligi huzuridagi Pedagogik mahorat va xalqaro baholash ilmiy-amaliy markazi tomonidan tayyorlanib, ekspertizadan o'tkazilib, O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi qoshidagi Respublika ta'lif markazi tomonidan tasdiqlanadi.".

4. 10-bandda:

1) birinchi xatboshidagi "keyingi o'rinnlarda" degan so'zlar "bundan buyon matnda" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) yettingchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Yakuniy attestatsiyada kuzatuv kengashi hamda fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari vakillari jamoatchilik asosida kuzatuvchi sifatida qatnashishlari mumkin.".

5. 11-banddan "Ushbu jarayonda O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Bilim va malakalarni baholash agentligi vakillari ishtiroy etishlari mumkin." degan so'zlar chiqarib tashlansin.

6. 17-banddag'i "bayon", "Bayon" degan so'z tegishli ravishda "yozma ish", "Yozma ish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 18-bandning birinchi xatboshisidagi "bayon" degan so'z tegishli ravishda "yozma ish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 21-bandning ikkinchi xatboshisidagi “bayonlari” degan so‘z “yozma ishlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 22 va 25-bandning birinchi xatboshilaridagi “bayon” degan so‘z tegishli ravishda “yozma ish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

10. 32-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilaridagi hamda 33-banddagи “xalq ta’limi” degan so‘zlar “maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 37-bandda:

1) birinchi xatboshidagi “xalq ta’limi” degan so‘zlar “maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) quyidagi mazmundagi to‘rtinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Xorijiy tillar hamda umumta’lim fanlari bo‘yicha milliy yoki xalqaro tan olingan sertifikatga ega bo‘lgan o‘quvchi yakuniy attestatsiya topshiriladigan fandan ozod etiladi. Bunda, xorijiy tillar hamda umumta’lim fanlari bo‘yicha milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro‘yxati Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi tomonidan tasdiqlanadi”.

12. 38-bandning birinchi xatboshisidagi “xalq ta’limi” degan so‘zlar “maktabgacha va maktab ta’limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

13. 39-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Xalq ta’limi vazirligi” degan so‘zlar “Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**194** Banklarga o'rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo'yicha to'lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
22-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3618*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. Banklarga o'rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo'yicha to'lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 8-aprel,  
7/3-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 23-aprelda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 8-apreldagi 7/3-sон qaroriga  
 ILOVA

**Banklarga o'rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda  
 ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo'yicha  
 to'lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to'g'risidagi  
 NIZOM**

Mazkur Nizom banklarga, shu jumladan mikromoliya banklariga (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) qo'yiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan jismoniy shaxslarga beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo'yicha to'lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablarni belgilaydi.

### **1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Banklarga o'rnatiladigan makroprudensial normativlarga quyidagilar kiradi:  
 qarz yuki ko'rsatkichi;

kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi;

kreditlar (mikroqarzlar) kesimida to'planish (konsentratsiya) koeffitsiyentlari.

2. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**qarz beruvchi** — bank, mikromoliya tashkiloti, lombard, mikromoliya tashkiloti faoliyatini amalga oshiruvchi to'lov tashkiloti, tovar iste'mol kreditlarini beruvchi tashkilot;

**qarz oluvchi** — bankka kredit (mikroqarz) olish uchun murojaat qilgan jismoniy shaxs, shu jumladan o'zini o'zi band qilgan shaxs;

**kredit (mikroqarz)** — bank tomonidan qarz oluvchiga to'lovlilik, muddatlilik, qaytarish, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan hollarda muayyan maqsadlar uchun foydalanish shartlari asosida beriladigan pul mablag'lari, shu jumladan qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft);

**qayta tiklanadigan kredit liniyasi** — qarz oluvchining bank bilan tuzilgan kredit shartnomasining amal qilish muddati davomida qarz dorlik to'langanda shartnomada belgilangan limit tiklanishi natijasida undan ko'p marotaba foydalanish imkonini beruvchi kredit (mikroqarz) turi;

**kredit karta (overdraft)** — qayta tiklanadigan kredit liniyasi shaklida qarz oluvchiga bank kartalari orqali beriladigan kredit (mikroqarz) turi;

**kreditni qayta moliyalashtirish** — qarz oluvchining boshqa qarz beruvchilardan olgan kreditini (mikroqarzini) so'ndirish maqsadida bank tomonidan maqbul shartlar asosida kredit (mikroqarz) berilishi;

**qarz yuki ko'rsatkichi** — qarz oluvchining kredit (mikroqarzlar) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari miqdorining uning o'rtacha oylik daromadi miqdoriga bo'lgan nisbati;

**kredit (mikroqarz) shartnomasi bo'yicha to'lovlar** — kreditning (mikroqarzning) asosiy qarzi, foizlar, shartnomani tuzish vaqtida ma'lum bo'lgan

boshqa to'lovlar, shu jumladan uchinchi shaxs foydasiga to'lanadigan to'lovlar, agar bunday to'lovlar shartnomalaridan kelib chiqadigan bo'lsa;

**o'rtacha oylik to'lovlar miqdori** — qarz oluvchining kredit (mikroqarz) berish to'g'risida bank va boshqa qarz beruvchilar tomonidan ko'rib chiqilayotgan murojaati (murojaatlari) hamda uning barcha qarz beruvchilar bilan tuzilgan kredit (mikroqarz) shartnomalari, shuningdek qarz oluvchi kafil va/yoki birgalikda qarz oluvchi sifatida ishtirok etadigan kredit (mikroqarz) shartnomalari bo'yicha to'lovlarning o'rtacha oylik qiymati;

**o'rtacha oylik daromadlar miqdori** — qarz oluvchining mehnatga haq to'lash tarzidagi, shuningdek pensiya va boshqa daromadlarining o'rtacha oylik miqdori;

**birgalikda qarz oluvchi** — qarz oluvchi bilan kredit (mikroqarz) va uning foizlari bo'yicha oylik to'lovlarda qatnashuvchi, shuningdek kredit (mikroqarz) bo'yicha solidar javob beruvchi shaxs.

## **2-bob. Banklar tomonidan qarz oluvchilarga beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo'yicha ularning qarz yuki ko'rsatkichiga oid talablar**

### **1-§. Qarz yuki ko'rsatkichiga doir talablar**

3. Bank tomonidan qarz oluvchiga (birgalikda qarz oluvchilarga) kredit (mikroqarz) berilishida uning (ularning) qarz yuki ko'rsatkichi 50 foizdan oshmasligi lozim, bundan mazkur bandning uchinchi va to'rtinchi xatboshilarida ko'rsatilgan holatlar mustasno.

Bank tomonidan qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan barcha kreditlar (mikroqarzlar) sonining:

eng ko'pi bilan 15 foizigacha bank tomonidan qarz oluvchilarga (bundan o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida birinchi marta ro'yxatdan o'tganiga bankka murojaat qilgan sanadan oldingi olti oydan oshmagan qarz oluvchilar mustasno) kreditlar (mikroqarzlar) berishda ularning qarz yuki ko'rsatkichi 100 foizgacha bo'lishi mumkin;

eng ko'pi bilan 15 foizigacha o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida birinchi marta ro'yxatdan o'tganiga bankka murojaat qilgan sanadan oldingi olti oydan oshmagan qarz oluvchilarga daromad olishga yo'naltirilgan faoliyati uchun kreditlar (mikroqarzlar) berishda ularning qarz yuki ko'rsatkichi inobatga olinmasligi va (yoki) hisoblanmasligi mumkin.

Bunda, mazkur Nizomning 4-bandida ko'rsatilgan kreditlar bank tomonidan qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan barcha kreditlarning (mikroqarzlarning) sonini aniqlashda inobatga olinmaydi.

4. Qarz yuki ko'rsatkichiga doir talablar quyidagi kreditlarni berishda tatbiq etilmaydi:

yakka tartibdagi tadbirkorlarga beriladigan kreditlar;

oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida beriladigan kreditlar; ta'lim kreditlari.

5. Qarz yuki ko'rsatkichi har bir qarz oluvchiga bank tomonidan:

kredit (mikroqarz) berishga yoki kredit (mikroqarz) limitini oshirishga (bundan buyon matnda kredit (mikroqarz) berish deb yuritiladi);

mazkur bank tomonidan avval berilgan kredit (mikroqarz) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari miqdorini oshirishga (bundan shartnomada belgilangan o'zgaruvchan foiz stavkasi oshishi munosabati bilan to'lovlari miqdorining oshirilishi holatlari mustasno) hamda muddatni uzaytirishga;

boshqa qarz beruvchining kreditga (mikroqarzga) doir huquqlarini (talablarini) sotib olish yoki kreditni qayta moliyalashtirishga doir qaror qabul qilinganda hisoblanishi lozim, bundan mazkur Nizomning 3-bandi to'rtinchi xatboshisida ko'rsatilgan holat mustasno.

6. Bank tomonidan boshqa qarz beruvchining kreditga (mikroqarzga) doir huquqlari (talablari) sotib olinayotganda yoki kredit qayta moliyalashtirilayotganda, qarz yuki ko'rsatkichi hisob-kitobida qarz oluvchining amaldagi kredit (mikroqarz) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari takroran hisobga olinmaydi.

## **2-§. Qarz oluvchining o'rtacha oylik to'lovlari miqdorini aniqlash**

7. O'rtacha oylik to'lovlari miqdori hisob-kitobiga quyidagi to'lovlar kiritiladi: bank va boshqa qarz beruvchilar tomonidan kredit (mikroqarz) berish to'g'risida ko'rib chiqilayotgan murojaat bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar;

qarz yuki ko'rsatkichini hisoblash sanasida qarz oluvchining barcha qarz beruvchilar bilan tuzilgan kredit (mikroqarz) shartnomasi, shu jumladan mazkur Nizomning 4-bandida nazarda tutilgan kredit shartnomasi, shuningdek qarz oluvchi birgalikda qarz oluvchi sifatida ishtirok etgan taqdirda, har bir kredit (mikroqarz) shartnomasi bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar;

bank tomonidan kredit (mikroqarz) berish yoki mazkur bank tomonidan avval berilgan kredit (mikroqarz) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari miqdorini oshirish hamma muddatni uzaytirish to'g'risida ko'rib chiqilayotgan murojaatda birgalikda qarz oluvchi nazarda tutilgan taqdirda, qarz yuki ko'rsatkichini hisoblash sanasida birgalikda qarz oluvchining barcha qarz beruvchilar bilan tuzilgan hamda amalda bo'lgan har bir kredit (mikroqarz) shartnomasi bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar;

qarz oluvchi kafillik shartnomasiga muvofiq kafil sifatida ishtirok etgan har bir kredit (mikroqarz) shartnomasi bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari, agar qarz yuki ko'rsatkichini hisoblash sanasida ular bo'yicha 30 kundan ortiq muddati o'tgan to'lovlari mavjud bo'lsa.

8. O'rtacha oylik to'lovlari miqdorini aniqlashda berilayotgan kredit (mikroqarz) shartnomasiga asosan uni so'ndirish muddati:

mikroqarz bo'yicha 36 oydan oshgan taqdirda, mazkur mikroqarz bo'yicha barcha to'lovlari 36 oyga teng miqdorda;

ipoteka krediti (bundan O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi (bundan buyon matnda Iqtisodiyot va moliya vazirligi deb yuritiladi) mablag'lari hisobidan qayta moliyalashtiriladigan ipoteka kreditlari mustasno) bo'yicha 180 oydan oshgan taqdirda, mazkur kredit bo'yicha barcha to'lovlari 180 oyga teng miqdorda;

mazkur bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilarida belgilangan kreditdan

(mikroqarzdan) boshqa turdag'i kredit (bundan qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) mustasno) bo'yicha 60 oydan oshgan taqdirda, ushbu kredit bo'yicha barcha to'lovlari 60 oyga teng miqdorda taqsimlanadi.

Bunda, mazkur bandning ikkinchi — to'rtinchi xatboshilarida ko'rsatilgan kredit (mikroqarz) shartnomalariga asosan ularni so'ndirish muddati mos ravishda 36, 180 va 60 oyga teng yoki undan kam bo'lsa, qarz yuki hisob-kitobida o'rtacha oylik to'lovlari miqdorini aniqlashda ular bo'yicha barcha to'lovlari mos ravishda shartnomada belgilangan oylar soniga teng miqdorda taqsimlanadi.

9. Bank tomonidan qarz oluvchiga qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) berish to'g'risida murojaat ko'rib chiqilayotganda o'rtacha oylik to'lovlari miqdorini aniqlashda qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) limitining 8 foizi olinadi.

10. Mazkur Nizomning 7-bandida ko'rsatilgan kredit (mikroqarz) shartnomasi (shartnomalari) bo'yicha (bundan qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) mustasno) o'rtacha oylik to'lovlari quyidagilarning yig'indisini o'z ichiga oladi:

asosiy qarzning qoldiq summasi va unga hisoblanadigan foizlar, vositachilik haqi va boshqa to'lovlari yig'indisining shartnoma (shartnomalar) amal qilishi tugashiga qadar qolgan oylar soniga nisbati;

muddati o'tgan qarzdorliklar (muddati o'tgan asosiy qarz va foizlar), shu jumladan hisoblangan va muddati uzaytirilgan foizlar, hisoblangan penya (mavjud bo'lsa) va hisobdan chiqarilgan kreditlar (mikroqarzlar).

Bunda, qarz oluvchi barcha qarz beruvchilardan olgan va amalda bo'lgan qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari hisob-kitobi quyidagilarning yig'indisini o'z ichiga oladi:

qarz yuki ko'rsatkichini hisoblash sanasida qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) limitining 8 foizi;

muddati o'tgan qarzdorliklar va hisoblangan penya (mavjud bo'lsa).

11. Bank o'rtacha oylik to'lovlari miqdorini o'zining axborot tizimlari, kredit byurosi tomonidan taqdim etiladigan kredit hisobotidan va boshqa rasmiy manbalardan olgan ma'lumotlardan foydalangan holda hisoblab chiqadi.

12. Qarz yuki ko'rsatkichini hisoblash va kredit (mikroqarz) berilishi o'rtaсидиги ваqt oralig'i 3 ish kunidan oshmasligi kerak.

### **3-§. Qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlari miqdorini aniqlash**

13. Qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlari miqdorini hisoblash maqsadida bank qarz oluvchi bankka murojaat qilgan sanadan oldingi kamida uzlusiz 6 oy, biroq 12 oydan oshmag'an muddat uchun oylik daromadlarining o'rtacha arifmetik qiymatini aniqlaydi (bundan mazkur Nizomning 17-bandı birinchi xatboshisida belgilangan holatlar mustasno).

Bunda, bank tomonidan o'rtacha oylik daromadlar miqdorini hisoblash maqsadida:

12 oy va undan ortiq muddat ichida daromadga ega qarz oluvchilar uchun

— qarz yuki hisob-kitob qilinayotgan oydan oldingi 12 oy ichida olingan barcha daromadlarning o'n ikkidan bir qismi;

tegishli ravishda 6 oy va undan ortiq, biroq 11 oydan oshmagan muddat ichida daromadga ega qarz oluvchilar uchun — qarz yuki hisob-kitob qilinayotgan oydan oldingi 6 va undan ortiq oylar uchun olingan daromadlarning oltidan bir qismi (tegishli ravishda yettidan bir qismi, sakkizdan bir qismi, to'qqizdan bir qismi, o'ndan bir qismi, o'n birdan bir qismi) olinadi.

14. Bank qarz oluvchining ushbu davr uchun oylik daromadlarining mediana qiymatini aniqlash orqali qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlar miqdorini hisoblashi mumkin. Bunda, mazkur qiymat ushbu Nizomning 13-bandida belgilangan arifmetik qiymatdan kichikroq bo'lsa, bank uni qarz yuki ko'rsatkichi hisob-kitobida qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlari miqdori sifatida hisobga olishi mumkin.

15. Bank tomonidan ko'rib chiqilayotgan kredit (mikroqarz) berish haqidagi murojaatda birgalikda qarz oluvchi nazarda tutilgan bo'lsa, uning daromadlari ham o'rtacha oylik daromad hisob-kitobiga kiritilishi mumkin.

16. Qarz yuki hisob-kitobida mehnat to'g'risidagi qonunchilik va boshqa tegishli qonunchilik hujjatlariiga muvofiq ish beruvchi tomonidan ish o'rni (lavozimi) saqlangan davr, jumladan mehnat ta'tili davri daromad olingan davr (daromadda uzilish bo'limgan davr) sifatida inobatga olinadi.

17. Mehnat qonunchiligiga muvofiq mavsumiy ishlarni bajaradigan qarz oluvchilarning o'rtacha oylik daromadlari miqdorini hisoblashda bank ushbu qarz oluvchilar tomonidan so'nggi 6 oy ichida kamida 3 oyi uchun uzlusiz olingan daromadlarining oltidan bir qismini aniqlaydi.

Mavsumiy ishlarni bajaradigan qarz oluvchilarning 6 oy va undan ortiq, biroq 12 oydan oshmagan muddat uchun daromadlarining o'rtacha miqdori mazkur Nizomning 13-bandi uchinchi va to'rtinchi xatboshilariga muvofiq aniqlanadi.

18. Bank qarz oluvchi va birgalikda qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlashda mazkur Nizomning 19-bandida belgilangan hujjat va ma'lumotlar bilan tasdiqlangan daromadlarni hamda mazkur qarz oluvchi va birgalikda qarz oluvchining bank hisobvaraqlariga tushgan tushumlarini inobatga oladi. Bunda, qarz oluvchining bir manbadan olgan daromadlari takroran hisobga olinmaydi.

19. Bank qarz oluvchining va (yoki) birgalikda qarz oluvchining daromadlarini aniqlashda quyidagi tasdiqlovchi hujjat va ma'lumotlardan foydalanadi:

ish haqi to'g'risidagi tasdiqlangan ma'lumotlar;

pensiya miqdori to'g'risidagi ma'lumotlar;

fuqarolarning jamg'arib boriladigan pensiya badallari to'g'risidagi ma'lumotlar;

to'langan soliqlar to'g'risidagi ma'lumotlar;

foizlar, dividendlar, mol-mulkni ijaraga berishdan olingan daromadlar to'g'risidagi ma'lumotlar.

Bunda, qarz oluvchining daromadlari soliqlar chegirilib tashlangan holda hisobga olinadi.

20. Mazkur Nizomning 18-bandiga muvofiq qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati mavjud bo'limasa, bank mazkur qarz oluvchi

bankka murojaat qilgan sanadan oldingi kamida uzlusiz 6 oy, biroq 12 oydan oshmagan muddat ichida amaldagi kredit (mikroqarz) bo'yicha to'lovlari (bundan qayta tiklanadigan liniya bo'yicha to'lovlar mustasno) to'g'risidagi ma'lumotlardan foydalanishi mumkin.

Bunda, qarz yuki ko'rsatkichi hisob-kitobida qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadi sifatida qarz oluvchining kredit (mikroqarz) bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlari miqdorining 50 foizi olinadi.

21. Bank tomonidan Iqtisodiyot va moliya vazirligi mablag'lari hisobidan qayta moliyalashtiriladigan ipoteka kreditlarini berishda mazkur Nizomning 18-bandiga muvofiq qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati mavjud bo'lmasa, qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlashda bank boshqa ma'lumotlardan foydalanishi mumkin. Bunda, bank mazkur ma'lumotlarning haqqoniyigini tekshirish choralarini ko'rishi lozim.

22. Bank qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlashda qarz oluvchi tomonidan taqdim etilgan va/yoki o'zining axborot tizimlari, kredit byurosi tomonidan taqdim etiladigan axborotlar va boshqa rasmiy manbalardan oлган ma'lumotlardan foydalanadi.

#### **4-§. Qarz yuki o'sishini cheklash me'yori**

23. Bank tomonidan qarz oluvchiga beriladigan kredit (mikroqarz) bo'yicha foiz to'lovlari hamda boshqa to'lovlar (bundan asosiy qarz to'lovlari, shartnoma shartlarini bajarmaganlik uchun qo'llaniladigan javobgarlik choralar mustasno) yig'indisi kreditning (mikroqarzning) asosiy qarz qoldig'iga nisbatan kunlik 0,25 foizdan oshmasligi lozim.

Bunda, mazkur bandning birinchi xatboshisida nazarda tutilgan boshqa to'lovlar qaysi davr uchun undiriladigan bo'lsa, kunlik foiz hisob-kitobida shu davrdagi kunlarga teng miqdorda taqsimlanadi.

24. Kredit (mikroqarz) bo'yicha asosiy qarzdan tashqari barcha to'lovlar, shu jumladan foizlar, vositachilik haqlari, neustoyka (jarima, penya), javobgarlikning boshqa choralar yig'indisi yiliga qarz miqdorining 50 foizidan ko'pni tashkil etishi mumkin emas.

Bunda, qarz miqdori deganda:

kredit (mikroqarz) (bundan qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) mustasno) shartnomasining muddati 12 oyga teng yoki undan kam bo'lganda shartnoma bo'yicha berilgan kreditning (mikroqarzning) miqdori;

qayta tiklanadigan kredit liniyasi yoki kredit karta (overdraft) limitidan 12 oyga teng bo'lgan davrda haqiqatda foydalanilgan summa shartnomada belgilangan limitdan oshmagan taqdirda, mazkur haqiqatda foydalanilgan summa;

qayta tiklanadigan kredit liniyasi yoki kredit karta (overdraft) limitidan 12 oyga teng bo'lgan davrda haqiqatda foydalanilgan summalar yig'indisi shartnomada belgilangan limitdan oshgan taqdirda, shartnomada belgilangan limit;

kredit (mikroqarz) (bundan qayta tiklanadigan kredit liniyasi va kredit karta (overdraft) mustasno) shartnomasining muddati 12 oydan ko'p bo'lganda 12 oyga teng bo'lgan davrning boshidagi kredit (mikroqarz) asosiy qarzining qoldig'i;

12 oyga teng bo'lgan davr ichida kreditning (mikroqarzning) asosiy qarz miqdori oshganda, ushbu miqdor oshgan sanadan boshlab keyingi davr uchun oshgan kredit (mikroqarz) asosiy qarzining qoldig'i tushuniladi.

Mazkur bandning birinchi xatboshisida nazarda tutilgan cheklov quyidagi tartibda hisob-kitob qilinadi:

$$\sum \text{to'lovlар} \leq \sum \text{qoldiq}_i \times \frac{\text{kunlar_soni}_i}{\text{muddat}} \times 50 \%$$

Bunda,

$\text{qoldiq}_i$  — i davr uchun kredit (mikroqarz) asosiy qismining oshmay turgan qoldig'i;

$\text{kunlar_soni}_i$  — i davrdagi kredit (mikroqarz) asosiy qismining qoldig'i oshmay turgan kunlar soni;

i davr — kredit (mikroqarz) qoldig'i oshmay turgan muddat;

to'lovlar — kredit (mikroqarz) bo'yicha asosiy qarzdan tashqari barcha to'lovlar, shu jumladan foizlar, vositachilik haqi, neustoyka (jarima, penya), javobgarlikning boshqa choralar;

muddat — 365 (366) kun yoki kredit (mikroqarz) shartnomasi muddati 12 oydan kam bo'lganda uning muddati kun hisobida.

Kredit (mikroqarz) shartnomasi bo'yicha kreditning (mikroqarzning) asosiy qarzidan tashqari to'lanadigan barcha to'lovlarni hisoblashda mazkur Nizomning ilovasida\* keltirilgan misollardan foydalilaniladi.

### **3-bob. Kreditning garovga nisbati ko'rsatkichiga qo'yiladigan talablar**

25. Bank tomonidan qarz oluvchiga avtomobil sotib olish uchun kredit (bundan buyon matnda avtokredit deb yuritiladi) va ipoteka krediti berilishida kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi hisoblanishi lozim.

26. Kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi kredit summasining garovning qiymatiga nisbati orqali hisob-kitob qilinadi, bunda:

kredit summasi — kreditning so'ndirilmagan qoldig'i va qarzdor tomonidan kreditning foydalanimagan qismini o'z ichiga oladi. Bunda, kredit summasi ushbu kredit bo'yicha yaratilgan zaxiralar chegirilmasdan, mazkur kredit bo'yicha ta'minot sifatida qarz beruvchi bankda shakllantirilgan, shuningdek shartnoma shartlari o'z vaqtida bajarilmaganda hech qanday shartlarsiz kreditni so'ndirishga yo'naltirilishi mumkin bo'lgan depozitlar chegirilgan holda hisoblanadi;

garov qiymati — kelajakdagi yo'qotishlarni o'z ichiga olgan holda bozor narxlari asosida shakllangan va bozor narxidan oshib ketmagan hamda baholash tashkiloti tomonidan baholangan yoki qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa tartibda aniqlangan holda ta'minot sifatida rasmiylashtirilgan garov shartnomasida ko'rsatilgan mulk narxidir.

27. Kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi hisob-kitobida garov qiymati

\* Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

bank tomonidan dastlabki kelishilgan garov qiymatidan oshmagan miqdorda aks ettiriladi.

Bunda, kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi hisob-kitobida garov qiymatining dastlabki baholangan qiymati:

kamaytirish yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining talabi mavjud bo'lganda;

doimiy ravishda pasayishiga olib kelgan favqulodda holatlar va/yoki kutilmagan hodisalar yuz berganda;

shubhasiz o'zgarishiga olib keladigan holatlar yuzaga kelganda o'zgartirilishi mumkin.

28. Kredit bo'yicha garov predmetini baholash va qayta baholash O'zbekiston Respublikasining "Baholash faoliyati to'g'risida"gi Qonuni hamda boshqa qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

29. Kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi hisob-kitobida:

avtokredit bo'yicha — kredit hisobiga sotib olingan va uning ta'minoti sifatida garovga olingan avtomobilning garov qiymati;

ipoteka krediti bo'yicha — kredit hisobiga sotib olingan va uning ta'minoti sifatida garovga olingan ko'chmas mulk garov qiymati olinadi.

30. Bank tomonidan qarz oluvchiga avtokredit bo'yicha kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi 75 foizdan oshmasligi lozim.

Bank tomonidan qarz oluvchiga beriladigan ipoteka krediti (bundan mazkur bandning uchinchi xatboshisida ko'rsatilgan ipoteka kreditlari mustasno) bo'yicha kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi 80 foizdan oshmasligi lozim.

Mazkur Nizomning 18-bandiga muvofiq qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati mavjud bo'lsa, bank tomonidan ushbu qarz oluvchiga Iqtisodiyot va moliya vazirligining mablag'lari hisobidan qayta moliyalashtiriladigan ipoteka krediti bo'yicha kreditning garovga nisbati 85 foizdan oshmasligi lozim.

Bank tomonidan qarz oluvchiga:

avtokredit berishda mazkur bank tomonidan qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan barcha avtokreditlar sonining eng ko'pi bilan 15 foizigacha bo'lgan miqdorida kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi 75 foizdan;

ipoteka kreditini berishda mazkur bank tomonidan qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan barcha ipoteka kreditlari sonining eng ko'pi bilan 15 foizigacha bo'lgan miqdorida kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi 80 foizdan ortishi mumkin, bundan mazkur Nizomning 17-bandiga muvofiq qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati mavjud bo'lмаган holda beriladigan ipoteka kreditlari mustasno.

#### **4-bob. Kreditlar (mikroqarzlar) kesimida to'planish (konsentratsiya) koeffitsiyentlariga doir talablar**

31. Bank tomonidan (bundan mikromoliya banki mustasno) qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan:

mikroqarzlar ulushi (bundan mazkur bandning uchinchi xatboshida

ko‘rsatilgan kredit karta (overdraft) mustasno) bankning jami kredit portfelining 25 foizidan;

overdraftlar hamda mazkur Nizomning 32-bandida ko‘rsatilgan xususiyatlarga mos bo‘lgan kredit kartalar ulushi bankning jami kredit portfelining 25 foizidan;

avtokreditlar ulushi bankning jami kredit portfelining 25 foizidan oshmasligi lozim.

32. Mazkur Nizom maqsadlarida kredit kartasi quyidagi xususiyatlarga javob berishi lozim:

qarzdorlikni so‘ndirish bo‘yicha to‘lovlar jadvali qat’iy o‘rnatilmaganligi;

qarzdorlik 45 kundan oshgan muddat ichida so‘ndirilganda unga foizlar hisoblanmasligi (imtiyozli davr);

olingan mablag‘lar hisobiga bank kartasidan boshqa bank kartalariga (bank hisobvarag‘iga yoki elektron hamyonga) pul o‘tkazmalarini amalga oshirish hamda naqd pul yechib olish uchun qo‘srimcha haq undirilishi;

olingan mablag‘lar hisobiga naqd pul yechib olinganda, mazkur yechilgan summa bo‘yicha imtiyozli davr to‘xtatilishi;

qarzdorlikni so‘ndirishda minimal oylik to‘lov mavjudligi.

33. Mazkur Nizomning 31-bandi ikkinchi va uchinchi xatbosilarida ko‘rsatilgan talablarga muvofiq bo‘lman banklar 2029-yilning 1-yanvariga qadar O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan kelishilgan muddatlarda bosqichma-bosqich ushbu belgilangan me’yor talablarga muvofiqlashtirishi lozim.

### **5-bob. Yakuniy qoida**

34. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**195 Kredit byuolarini ro'yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
23-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3042-5*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va 2025-yil 4-martdagi O'RQ-1043-son "Kredit axboroti almashinuvni to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga kredit sohasidagi munosabatlarni yanada takomillashtirishga qaratilgan o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 28-apreldagi 16/23-son qarori (ro'yxat raqami 3042, 2018-yil 25-iyul) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 25.07.2018-y., 10/18/3042/1573-son) bilan tasdiqlangan Kredit byuolarini ro'yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasini bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 11-aprel,  
9/3-son

*Kelishildi:*

*Raqamli texnologiyalar vazirining  
birinchi o'rinnbosari*

**O. UMAROV**

2025-yil 2-aprel

*O'zbekiston Savdo-sanoat  
palatasi raisi*

**D. VAXABOV**

2025-yil 28-mart

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-aprelda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 11-apreldagi 9/3-son qaroriga  
 ILOVA

**Kredit byurolarini ro'yxatga olish va ularning faoliyatini  
 litsenziyalash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan  
 qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. 5, 6 va 21-bandlar "muassislar" degan so'zdan keyin "(muassisi)" degan so'z bilan to'ldirilsin.

2. Quyidagi mazmundagi 61-band bilan to'ldirilsin:

"61. Kredit byurosi ustav fondining (ustav kapitalining) eng kam miqdori ikki milliard so'mni tashkil etishi kerak.".

3. 19-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"muassislar umumiy yig'ilishining kredit byurosini tashkil etish to'g'risidagi bayonnomasi yoki yagona muassisning kredit byurosini tashkil etish haqidagi qarori;";

to'rtinchi xatboshi "muassislar" degan so'zdan keyin "(muassisi)" degan so'z bilan to'ldirilsin;

oltinchi xatboshi "ustav fondi" degan so'zlardan keyin "(ustav kapitali)" degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Arizada muassislarning (muassisning) elektron pochta manzili ko'rsatilishi mumkin. Arizada elektron pochta manzilining ko'rsatilishi ushbu ariza bo'yicha qabul qilingan qaror haqida xabarnomani axborot tizimi orqali elektron shaklda olishsga rozilik hisoblanadi.".

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**196** **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3619*

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 7 февралдаги ЎРҚ-1025-сон «Корпоратив муносабатларнинг хуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилсан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ 2025 йил 8 майдан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. БУРХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 11 апрель,  
69-сон

*Келишилди:*

*Давлат хизматини ривожлантириш  
агентлиги директорнинг  
биринчи ўринбосари*

**A. МУСАЕВ**

2025 йил 2 апрель

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**K. РАФИКОВ**

2025 йил 2 апрель

*Камбағалликни қисқартириши ва  
бандлик вазири ўринбосари*

*Б. ЗАХИДОВ*

*2025 йил 4 апрель*

Ўзбекистон Республикаси

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ди-  
ректорининг 2025 йил 11 апрелдаги

69-сон бўйруғига

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш  
агентлигининг айрим идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатларига  
киритилаётган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентли-  
ги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон бўйруғи (рўйхат рақами  
3319, 2021 йил 8 сентябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси,  
08.09.2021 й., 10/21/3319/0856-сон) билан тасдиқланган Коррупцияга қар-  
ши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомнинг  
1-бандидан «унитар корхоналари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ди-  
ректорининг 2024 йил 21 октябрдаги 65-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3569,  
2024 йил 5 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.11.2024 й.,  
10/24/3566/0888-сон) билан тасдиқланган Мавжуд манфаатлар тўқнашуви  
тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги дек-  
ларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намуна-  
вий шаклларининг матнидан «давлат унитар корхоналарида,» деган сўзлар  
чиқариб ташлансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**197** Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3252-5*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi, “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi hamda “Mikromoliyalashtirish faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlari qo‘srimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvni **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 25-maydagi 12/1-son qarori (ro‘yxat raqami 3252, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3252/1098-son) bilan tasdiqlangan Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 11-aprel,  
9/1-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-aprelda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 11-apreldagi 9/1-son qaroriga  
 ILOVA

**Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to'g'risidagi  
 nizomga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Nizom bank faoliyatiga ruxsat berish, banklarning kuzatuv kengashi va boshqaruvi a'zolarini, shuningdek muhim ahamiyatga ega xodimlarini baholash va lavozimiga kirishishidan oldin kelishib olish, alohida bo'linmalarini ochish va yopish, ustaviga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalarni ro'yxatdan o'tkazish hamda ularni qayta tashkil etish va tugatish tartibi hamda shartlarini belgilaydi".

2. 1-bo'limning 1-bobidagi 1-paragrafning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**"1-§. Mazkur Nizomning qo'llanilishi hamda O'zbekiston  
 Respublikasi Markaziy bankiga taqdim etiladigan hujjatlarga  
 qo'yilgan talablar".**

3. 1 va 2-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"1. Mazkur Nizomning banklarga nisbatan belgilangan qoidalari, agar ularda boshqacha qoida belgilanmagan bo'lsa, mikromoliya banklariga nisbatan ham tatbiq etiladi.

2. O'zbekiston Respublikasining Markaziy bankiga (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) mazkur Nizomga muvofiq taqdim etiladigan ariza va boshqa hujjatlar qog'oz shaklida yoki elektron raqamli imzo bilan tasdiqlangan holda axborot-kommunikatsiya tizimi orqali elektron shaklda taqdim etiladi.

Bunda, qog'oz shaklida taqdim etiladigan va hajmi bir varaqdan ortiq bo'lgan hujjatlar varaqma-varaq tavsiflangan, tikilgan, raqamlangan va imzolangan bo'lishi lozim. Yillik moliyaviy hisobotlar (sharhlarni o'z ichiga olgan jamlanma balans, foyda va zararlar to'g'risidagi hisobot va moliyaviy hisobotning boshqa shakllari), shuningdek moliyaviy hisobtlarning to'g'rilingini tasdiqlovchi auditorlik xulosasi bosmaxona usulida bosilgan broshyuralar ko'rinishida taqdim etilishi mumkin.

Markaziy bankning talabiga asosan alohida hujjatlar elektron shaklda taqdim etilishi lozim.

Elektron shaklda taqdim etilgan ariza yuzasidan qabul qilingan qaror to'g'risidagi xabarnoma ariza beruvchiga axborot-kommunikatsiya tizimi orqali elektron shaklda yuboriladi.

Chet ellik ariza beruvchilar tomonidan mazkur Nizomga muvofiq taqdim etiladigan hujjatlar ariza beruvchi ro'yxatga olingan yerda joylashgan O'zbekiston Respublikasining konsullik muassasasi yoki boshqa konsullik muassasalari tomonidan tasdiqlanadi, bundan mazkur Nizomning 20-bandi 1 — 5, 8 va 10 — 13-kichik bandlarida ko'rsatilgan hujjatlar mustasno.

Markaziy bankka mazkur Nizomga muvofiq ariza bilan murojaat qilgan shaxs ariza beruvchi hisoblanadi.”.

4. 15-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bank aksiyadorlarining tarkibi, holati yoki ulushi o‘zgarishi oqibatida ushbu band talablari bajarilmayotgan bo‘lsa, bank mazkur holat vujudga kelgan kundan boshlab 6 oydan kechiktirmay firma nomini o‘zgartirishi va bank ustaviga kiritilgan tegishli o‘zgartirishlarni ro‘yxatdan o‘tkazish uchun hujjatlarni mazkur Nizomning V bo‘limi 4-bobida belgilangan tartibda Markaziy bankka taqdim etishi lozim.”.

5. 16-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Bank ikki va undan ortiq shaxslar tomonidan tashkil etilayotganda muassislar ta’sis yig‘ilishini o‘tkazadi va o‘zaro ta’sis shartnomasini imzolaydi. Bank bir muassis tomonidan ta’sis etilgan taqdirda bankni ta’sis etish haqidagi qaror shu muassis tomonidan yakka tartibda qabul qilinadi.

Ushbu harakatlar muassislar (muassis) tomonidan banklar va bank faoliyati to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari va aksiyadorlik jamiyatlar faoliyatini tartibga soluvchi boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etgan holda amalga oshiriladi.”.

6. 20-bandda:

birinchi xatboshidagi “mazkur bandning 1-kichik bandida ko‘rsatilgan hujjat imzolanganidan keyin” degan so‘zlar “bankni tashkil etish to‘g‘risida qaror qabul qilinganidan keyin” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

1 va 2-kichik bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1) bank ikki va undan ortiq shaxslar tomonidan tashkil etilganda ta’sis shartnomasini;

2) bankni tashkil etish to‘g‘risidagi qarorni. Bank ikki va undan ortiq muassislar tomonidan ta’sis etilgan hollarda ta’sis yig‘ilishi bayonnomasining bank kuzatuv kengashi raisi tomonidan tasdiqlangan nusxasi taqdim etiladi;”;

6-kichik bandning birinchi jumlasidagi “bevosita va bilvosita muassislar, shu jumladan oxirgi benefitsiar mulkdorlar” degan so‘zlar “har bir bevosita va bilvosita muassis, shu jumladan oxirgi benefitsiar mulkdor” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8-kichik banddagи “kiritilgan” degan so‘z “kiritiladigan” degan so‘z bilan almashtirilsin.

7. 21-band “ariza beruvchidan” degan so‘zlardan keyin “ushbu qarorni qabul qilish uchun zarur bo‘lgan” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

8. 26-banddagи “16-moddasida” degan so‘zlar “16 va 19-moddalarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 27-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Markaziy bank ushbu holatlarni bankning ustav kapitalidagi mazkur Nizomning 39-bandi to‘rtinchi xatboshisida nazarda tutilgan miqdordagi ulushni olishga doir dastlabki ruxsatnomani berish to‘g‘risidagi arizani ko‘rib chiqish chog‘ida ham inobatga oladi.”.

10. 28-bandning oltinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“mazkur Nizomning 20 — 24-bandlari hamda ushbu bandning ikkinchi —

beshinchi xatboshilariga muvofiq taqdim etilgan hujjatlarning elektron shakldagi ko‘chirma nusxalari.”.

11. 29-banddagi “20-moddasida” degan so‘zlar “20 va 21-moddalarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. 34-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Litsenziya berilganligi uchun tegishinchcha bank yoki mikromoliya banki ustav kapitali eng kam miqdorining 0,1 foizi miqdorida davlat boji undiriladi.”.

13. 73-band “muassislarni” degan so‘zdan keyin “, bevosita va bilvosita egalik qiluvchilarni, shu jumladan oxirgi benefitsiar mulkdorlarni” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

14. 141-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“141. Banklar, bundan mikromoliya banklari mustasno, Markaziy bankning ruxsatnomasi bilan O‘zbekiston Respublikasi “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi Qonunining 31-moddasida belgilangan hollarda chet elda shu‘ba banklar ochishi va filiallar tashkil etishi, banklarning kapitalida ishtirok etishi, shu jumladan chet el banklarini tashkil etishda ishtirok etishi mumkin.

Mikromoliya banklariga chet elda banklar, vakolatxonalar ochish va filiallar tashkil etish, chet el banklarining kapitalida, shu jumladan chet el banklarini tashkil etishda ishtirok etish taqiplanadi.”.

15. 149-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“149. Bank xizmatlari ofisi bankning tarkibiy bo‘linmasi hisoblanadi va bank yoki uning filiali bilan yagona bo‘lgan bank (filial) balansi va kodiga ega bo‘ladi.”.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**198 Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш бўйича намунавий услубиётни тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3620*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ-111-сон «Ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишининг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 январдаги 29-сон «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг илмий асосланганлик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш бўйича намунавий услубиёт иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 24 апрель,  
8-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2025 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
аддия вазирининг 2025 йил 24 апрелдаги  
8-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий  
экспертизадан ўтказиш бўйича  
НАМУНАВИЙ УСЛУБИЁТ**

Мазкур Намунавиӣ услубиёт норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, унда фойдаланиладиган тадқиқот усуллари ҳамда илмий экспертиза натижалари бўйича хulosани тузиш ва расмийлаштириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Намунавиӣ услубиётда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**илмий экспертиза** — илмий экспертизани ўтказувчи ташкилот томонидан мазкур Намунавиӣ услубиётнинг 2-бандида белгиланган мақсадларда ўтказиладиган экспертиза тури;

**илмий экспертизани ўтказувчи ташкилот** — илмий экспертизадан ўтказувчи ташкилотларнинг электрон реестрига киритилган ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) илмий экспертизадан ўтказувчи давлат экспертилик илмий-тадқиқот муассасалари, давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда давлат олий таълим муассасалари;

**илмий экспертиза натижалари бўйича хulosса** (бундан буён матнда экспертиза хulosаси деб юритилади) — қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Намунавиӣ услубиёт талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳамда ўтказилган илмий экспертиза натижаларини акс эттирувчи ҳужжат;

**ишлаб чиқувчи** — лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ёки тайёрлашни амалга оширувчи орган (ташкилот);

**илмий экспертиза усуллари** — экспертиза предметига кирадиган тегишли элементларни тадқиқ этиш (билиш)нинг илмий усуллари ва восита-лари;

**илмий экспертизани ўтказувчи ташкилотларнинг электрон реестри** (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги томонидан лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказувчи ташкилотларнинг электрон реестри.

2. Илмий экспертизанинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

ижтимоий муносабатларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган нормаларни норматив-хуқуқий ҳужжатда белгилаш зарурати, унинг самарадорлиги, тадбиркорлик фаолияти, атроф-мухит, инсон хаёти, хуқук ва эркинликларига таъсирини замонавиӣ илм-фан ютуқлари нуқтаи назаридан илмий асосланганлигини ўрганиш;

ижтимоий муносабатлардан келиб чиқаётган муаммоларга лойихада таклиф этилаётган ечимлар шаклан ва мазмунан илмий услубларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини атрофлича баҳолаш;

қонун ижодкорлиги, ҳукуқни қўллаш амалиёти, ислохотларни ҳукукий таъминлаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш ва илмий жиҳатдан асосланганлигини таъминлаш.

## **2-боб. Илмий экспертизани ташкил этиш**

3. Илмий экспертиза илмий экспертизани ўтказувчи ташкилотнинг ма-  
лакали ходимлари (бундан бўён матнда эксперт деб юритилади) томонидан  
ўтказилади.

Катта ҳажмга ёки соҳалараро хусусиятга эга бўлган лойиҳалар бир неча  
экспертлардан иборат таркибдаги эксперт комиссияси томонидан илмий экспертизадан ўтказилиши мумкин. Бунда, илмий экспертизани ўтказувчи ташкилот рахбарининг буйруғи билан эксперт комиссияси тузилади.

4. Заруратга кўра, илмий экспертизани ўтказувчи ташкилот илмий экспертизани ўтказиш учун бошқа илмий-тадқиқот ташкилотлари ва муассасаларидан экспертиларни, шунингдек зарур билим ва малакага эга бўлган хорижий мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва муассасаларидан экспертилар жалб этилганда, улар олдига аниқ вазифалар қўйилиши ва ўз хulosасини бериши лозим бўлган масалалар белгиланиши лозим.

5. Лойиҳани турли илм-фан соҳалари бўйича тадқиқ этишга зарурат мавжуд бўлса, лойиҳа комплекс илмий экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Комплекс илмий экспертиза, қоида тариқасида, турли соҳалардаги экспертиларни (экспертилар гуруҳларини) ўз ичига олган ва ушбу Намунавий услубиётнинг 3-бандида белгиланган тартибда шакллантириладиган эксперт комиссияси томонидан ўтказилади.

6. Лойиҳа илмий экспертизани ўтказувчи ташкилотга келиб тушган кундан бошлаб етти кун ичидаги илмий экспертизадан ўтказилади ҳамда экспертиза хulosаси ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали тақдим этилади.

## **3-боб. Илмий экспертизани ўтказишда фойдаланиладиган тадқиқот усуллари**

7. Илмий экспертиза қўйидаги тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин:

- қиёсий-ҳукукий таҳлил;
- лингвистик таҳлил;
- тарихий таҳлил;
- моделлаштириш ва вазиятли таҳлил;
- интервью олиш;
- «ақлий хужум»;
- давра сұхбати;
- сўровнома ўтказиш.

Лойиҳани илмий экспертизадан ўтказишда бошқа тадқиқот усууларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

8. Қиёсий-хуқуқий таҳлил усули лойиҳани қонунчиликнинг ўхшаш ёки умумий хусусиятга эга бўлган хуқуқий нормалари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилишни назарда тутади.

Лойиҳани қиёсий-хуқуқий таҳлил усули билан тадқиқ этиш ягона хуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, нафақат таққосланадиган хуқуқ нормалари, балки улардаги баён қилиш усуулари, тамоиллари ва атамалар туркумларини ҳам қамраб олади.

9. Лингвистик таҳлил усули лойиҳанинг матни давлат тили қоидалари ва талабларига, шунингдек расмий тилнинг талабларига ва баён этиш услубиётига мувофиқлигини текширишга қаратилган тадқиқотни назарда тутади.

10. Тарихий таҳлил усули лойиҳаларни тегишли масала бўйича қонунчиликнинг ривожланиши ва ўзгаришини сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий вазиятнинг ўзгариши билан, ислоҳотларга ёхуд тегишли нормаларнинг ишлаб чиқилиши ёки уларга ўзгартиришлар киритилишига эҳтиёжни келтириб чиқарган бошқа ҳолатлар билан ўзаро боғлиқликда ўрганишни назарда тутади.

Лойиҳани тадқиқ этишда унинг ретроспектив (тарихий-тадрижий) таҳлили амалга оширилади. Бунда кўриб чиқилаётган лойиҳадан олдин қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг кўриб чиқилаётган лойиҳа мазмунига қай даражада таъсир кўрсатганлигини, шунингдек лойиҳада қўлланилаётган аввалги хуқуқий воситалар ҳозирги вазиятга ва жамиятнинг долзарб эҳтиёжларига қай даражада мос келиш-келмаслигини ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

11. Моделлаштириш ва вазиятли таҳлил усули норматив-хуқуқий ҳужжатни муайян вазиятларга қўлланила олишини тадқиқ қилиш ҳамда нормаларнинг тегишли ижтимоий жараёнлар билан қай даражада ўзаро боғлана олишининг истиқболларини аниқлаш имконини берадиган таҳлилий ёндашувни назарда тутиб, муайян муносабатлар тизимини ва вазият ривожланишинг турлича сценарийларини яратишга қаратилган.

Лойиҳани ушбу усул билан тадқиқ этиш гипотетик моделларни ва турли сценарийларни қуриш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги эҳтимолий муаммоларни тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда бўлиши мумкин бўлган зиддиятлар билан ўзаро алокадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилишни, шунингдек жорий этилаётган хуқуқ нормаларининг амалда қўлланила олишини ва самарадорлигини баҳолашни назарда тутади.

12. Интервью олиш усули илмий экспертиза мақсадлари учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва сифатли ахборотни (миқдорий кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайдиган маълумотларни) олишни назарда тутади.

Лойиҳани ушбу усул билан тадқиқ этишда нафақат тегишли соҳада билим ва тажрибага эга бўлган олимлар, мутахассислар ва амалиётчилар, балки лойиҳанинг тартибга солиш таъсири қаратилган манфаатдор томонлар ва субъектлар интервью берувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Ушбу усул интервью берувчи билан бевосита мuloқот қилиш орқали лойиҳанинг муаммоли жиҳатларини аниқлаш, оқибатларини баҳолаш, шунингдек малакали мутахассислар ва манфаатдор томонларнинг қарашлари, фикрлари ва тажрибалари билан танишиш имконини беради.

13. «Ақлий ҳужум» усули чекланган вакт доирасида энг сифатли ва тезкор ечим топиш учун маълум бир муаммони жамоавий мухокама қилиш орқали фоялар (фикрлар) яратишни назарда тутади.

«Ақлий ҳужум» иштирокчилари сифатида илмий экспертизани ўтказувчи ташкилот эксперталари ёки бошқа мутахассислар иштирок этишлари мумкин, бунда улар билан аниқ бир масала бўйича ўзаро қарама-қарши ечим ва фикрлар алмашинилади.

14. Давра сұхбати усули лойиҳани, ундаги муаммолар ва ноаниқликларни, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни ҳар томонлама ва чуқурроқ баҳолаш мақсадида мутахассислар, юристлар ва давлат органлари, бизнес, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор томонлар иштирокида мухокама қилишдан иборат.

Давра сұхбати семинар, учрашув, форум, конференция шаклида ёки иштирокчиларнинг билдирилган мавзу бўйича олдиндан тайёрланган маъруза билан чиқишиларини ҳамда мухокама якунлари бўйича тегишли хулоса ва тавсияларни шакллантиришни назарда тутувчи бошқа шаклларда ўтказилади.

15. Сўровнома ўтказиш усули лойиҳанинг мухим жиҳатларига оид саволлар ёрдамида ва илмий асосланган усуллар асосида маълумотлар йиғишини назарда тутади.

Сўровнома ўтказишда респондентлар доираси, уларга киритиладиган саволлар моҳияти ва сони тадқиқот натижаларининг ишончлилигини ва объективлигини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб белгиланади.

#### **4-боб. Экспертиза хulosасини тузиш ва расмийлаштириш**

16. Илмий экспертиза натижалари бўйича мазкур Намунавий услубиётнинг иловасига мувофиқ шаклда экспертиза хulosаси тузилади.

17. Экспертиза хulosаси тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, хulosа ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилади.

18. Экспертиза хulosасида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) экспертиза хulosасининг санаси ва рақами;
- 2) ишлаб чиқувчининг тўлиқ номи;

3) лойиҳани илмий экспертизадан ўтказиш учун юборилган хатнинг санаси ва рақами;

4) илмий экспертизани ўтказган, шу жумладан қўшимча жалб этилган экспертлар тўғрисидаги маълумотлар (экспертларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, илмий даражаси (агар мавжуд бўлса), илмий унвони (агар мавжуд бўлса), лавозими);

5) лойиҳа тўғрисидаги ахборот, жумладан:

норматив-хуқуқий хужжатнинг тури;

ложиҳанинг тўлиқ номи;

лойиҳанинг таркибий тузилиши, шу жумладан қисмлар, бўлимлар, боблар, параграфлар, моддалар, бандлар ва иловалар сони тўғрисидаги маълумот;

лойиҳа илмий экспертизадан ўтказиш учун юборилганда, унга илова қилинган ҳужжатлар ва таҳлилий материаллар рўйхати;

6) илмий экспертизани ўтказиша қўлланилган тадқиқот усули (усуллари);

7) холоса беришда фойдаланилган манбалар;

8) лойиҳанинг тартибга солиш предмети, шу жумладан лойиҳа билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммоли масалаларнинг тавсифи;

9) норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича маълум бўлган ва самарали ҳисобланган, шу жумладан турли тарихий босқичларда ёки хорижий амалиётда қўлланилган усуллар, механизмлар ва ёндашувларнинг тавсифи;

10) лойиҳа матнининг давлат тили қоидалари ва талабларига, шунингдек расмий тилнинг талабларига мувофиқлиги;

11) қўйидагиларни баҳолаш натижалари:

норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинишининг илмий асосланганлиги, шу жумладан тартибга солиш усулининг норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали ҳал этилаётган муаммоларга ечим ва ёндашув сифатида тўғри танланганлиги ва мақбуллиги (адекватлиги), шунингдек хуқуқий тартибга солиш шаклини тўғри танланганлиги;

лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси хуқуқий тизимидағи бўлажак ўрнини, унинг табиати, тамойиллари ва тартибга солиш механизмларига мувофиқлиги, шунингдек лойиҳада назарда тутилаётган масалаларнинг тегишли соҳада мамлакатни ривожлантириш концепция ва стратегиялари, замонавий ёндашувларга мослиги;

конун лойиҳасининг тўғридан-тўғри амал қилиши имкониятлари;

12) қўйидагиларни таҳлил қилиш натижалари:

тегишли соҳада қонунчиликнинг тарихий ривожланишини ва буни лойиҳа мазмунига таъсири, шунингдек лойиҳада қўлланилаётган хуқуқий воситалар ҳозирги вазиятга ва жамиятнинг долзарб эҳтиёжларига қай дараҷа мос келиши;

лойиҳа матнининг мантиқий-мазмунан тўқислиги, шу жумладан фойдаланилган сўзлар, тузилмавий бирликлар ва жумлаларнинг аниқлиги, бир маънолилиги ва мазмунан тушунарлилиги;

13) лойиҳани, шунингдек лойиҳа билан тартибга солинадиган соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар;

14) илмий экспертизани ўтказиш давомида аникланган, норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган бошқа масалалар таҳлили;

15) илмий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича холоса (илмий асосланган, етарли даражада илмий асосланмаган, илмий асосланмаган).

19. Экспертиза холосаси аниқ ва лўнда баён этилиши лозим.

Экспертиза холосасида баён этиладиган маълумотлар катта ҳажмда бўл-

са, улар экспертиза хulosасининг ажралмас қисми ҳисобланган иловада келтирилиши мумкин.

Экспертиза хulosасига асослантирилмаган фикр ва мулоҳазалар, шунингдек назарий (муракқаб) мулоҳазалар ҳамда лойиҳани тартибга солиш предмети доирасидан четта чиқадиган мулоҳазалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Хulosалар ва тавсиялар, қоида тариқасида, умумийдан (концептуалдан) хусусийга қараб кетма-кетлиқда, шунингдек лойиҳа матни баён этилишининг кетма-кетлигидан келиб чиқиб баён этилади.

20. Илмий экспертиза натижаларига кўра эксперт томонидан қўйидаги хulosалардан бири берилади:

ложиҳа илмий асосланган;

ложиҳа етарли даражада илмий асосланмаган;

ложиҳа илмий асосланмаган.

21. Илмий экспертиза натижаларига кўра қўйидагидан бири аниқланган тақдирда, лойиҳа илмий асосланмаган деб топилади:

1) норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш зарурати илмий асосланмаган, шу жумладан норматив-хуқуқий тартибга солиш механизми норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиш орқали ҳал этилаётган муаммоларга ечим ёки ёндашув сифатида нотўғри танланган ёки номақбул бўлса, шунингдек хуқуқий тартибга солиш шакли нотўғри танланган бўлса;

2) лойиҳа ёки унинг айрим нормалари хуқуқнинг умумий асосларига, инсоннинг умумэътироф этилган хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларига ва хуқуқ-тартибот асосларига мувофиқ келмаса;

3) лойиҳа ёки унинг айрим нормалари Ўзбекистон Республикасининг хуқуқий тизимиға (унинг асослари ва тартибга солиш механизmlariga) мувофиқ келмаса ва унга жорий этилиши (интеграция қилиниши) мумкин бўлмаса ёхуд лойиҳа ёки унинг айрим нормалари ўзи мансуб бўлган хуқуқ соҳасининг асослари, тамойиллари, атамалар туркуми ва тартибга солиш механизmlariga мувофиқ бўлмаса;

4) лойиҳа ёки унинг айрим нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ва хуқуқни қўллаш амалиётини ривожланиши тенденцияларига мувофиқ келмаса, башарти ушбу номувофиқликни экспертиза хulosаси тавсияларига мувофиқ бартараф этилиши норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш заруратининг йўқолишига ёки лойиҳанинг концептуал ўзгаришига олиб келса;

5) лойиҳанинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши у тартибга соладиган ижтимоий муносабатларда салбий оқибатларга олиб келса, бундан муаммони бошқача йўл билан ҳал этиш имкони бўлмаган ва бунда лойиҳада таклиф этилаётган хуқуқий тартибга солиш чораларининг афзалликлари кутилаётган салбий оқибатлардан устунлиги ишлаб чиқувчи томонидан асосланган ва ҳар бир салбий таъсирни камайтириш ёки юмшатиш бўйича етарли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган холатлар мустасно;

6) лойиҳада янги хуқуқий нормаларни жорий этиш заруратини асослантиришга ёки лойиҳа орқали ҳал этилаётган муаммо ва таклиф этилаётган

хуқуқий тартибга солиш чораси ўртасидаги ўзаро сабаб-оқибат боғланишни аниқлашга имкон бермайдиган бошқа камчиликлар мавжуд бўлса ёхуд ишлаб чиқувчи томонидан жорий этиш таклиф этилаётган янги нормалар давлат ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятларига зид бўлиб, илмий жиҳатдан асослантирилиши мумкин бўлмаса.

22. Агар ушбу Намунавий услубиётнинг 18-бандида назарда тутилган барча ҳолатларни текшириш, баҳолаш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича эксперт ижобий хуносага келса ҳамда мазкур Намунавий услубиётнинг 21-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланмаса, лойиҳа илмий асосланган деб топилади.

23. Агар ушбу Намунавий услубиётнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттасини текшириш, баҳолаш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра эксперт ижобий хуносага келмаса ёки Намунавий услубиётнинг 21-бандида назарда тутилган ҳолатлардан бири мавжудлиги аниқлансанса, башарти лойиҳани илмий асосланмаган деб топиш учун мазкур Намунавий услубиётнинг 21-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаса, лойиҳа етарли даражада илмий асосланмаган деб топилади.

### **5-боб. Якуний қоида**

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларнинг лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 январдаги 29-сон «Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг илмий асосланганлик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ушбу Намунавий услубиётга асосан мувофиқлаштириб боради.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш  
бўйича намунавий услубиётга  
ИЛОВА

(Илмий экспертизадан ўтказган ташкилот номи)

## ИЛМИЙ ЭКСПЕРТИЗА НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

«\_\_\_» йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги  
«\_\_\_»-сон

**1. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчининг  
тўлиқ номи:**

**2. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси тўғрисидаги ахборот:**

**3. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини илмий экспертизадан  
ўтказиш учун юборилган хатнинг санаси ва рақами:**

**4. Илмий экспертизани ўтказган, шу жумладан қўшимча жалб  
этилган эксперталар тўғрисидаги маълумотлар (экспертларнинг  
фамилияси, исми, отасининг исми, илмий даражаси (агар мавжуд  
бўлса), илмий унвони (агар мавжуд бўлса), лавозими):**

**5. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси тўғрисидаги ахборот:**

**6. Илмий экспертизани ўтказишида қўлланилган тадқиқот усули  
(усуллари):**

**7. Хулоса беришда фойдаланилган манбалар:**

**8. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш  
предмети, шу жумладан лойиҳа билан ҳал этилиши лозим бўлган  
муаммоли масалаларнинг тавсифи:**

**9. Норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали муаммоли  
масалаларни ҳал этиш бўйича маълум бўлган ва самарали ҳисоб-  
ланган, шу жумладан турли тарихий босқичларда ёки хорижий  
амалиётда қўлланилган усуллар, механизмлар ва ёндашувларнинг  
тавсифи:**

**10. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнининг давлат тили**

қоидалари ва талабларига, шунингдек расмий тилнинг талабларига мувофиқлиги:

**11. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини баҳолаш натижалари:**

**12. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини таҳлил қилиш натижалари:**

**13. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

**14. Бошқа масалалар таҳлили:**

**15. Илмий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хуроса (илмий асосланган, етарли дараҷада илмий асосланмаган, илмий асосланмаган):**

**Экспертлар:**

(лавозими, илмий дараҷаси)

(Ф.И.О.)

**Раҳбар:**

(лавозими, илмий дараҷаси)

(Ф.И.О.)

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2025 йил 16 апрелдаги 30-сон “Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва хужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида”ги буйруғи.

***2025 йил 21 апреда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-4.***

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 1-apreldagi 7/6-son “Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

***2025-yil 21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2693-13.***

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 1-apreldagi 7/5-son “Tijorat banklarining likvidliliginin boshqarishga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi nizomga qo‘srimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

***2025-yil 21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2709-7.***

4. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 8-apreldagi 7/4-son “Qarz oluvchi jismoniy shaxslarning qarz yukini tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori.

***2025-yil 21-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3205-4.***

5. O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va mакtab ta’limi vazirining 2025-yil 9-apreldagi 2-mh-son “Umumiy o‘rta ta’lim oluvchilarning yakuniy davlat attestatsiyasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2025-yil 22-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1778-4.***

6. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 8-apreldagi 7/3-son “Banklarga o‘rnataladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha to‘lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

***2025-yil 22-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3618.***

7. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil

11-apreldagi 9/3-son “Kredit byurolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘sishimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

***2025-yil 23-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3042-5.***

8. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2025 йил 11 апрелдаги 69-сон “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг айrim идоравий норматив-хуқуқий хужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги бўйруғи.

***2025 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3619.***

9. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-apreldagi 9/1-son “Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘sishchalar kiritish haqida”gi qarori.

***2025-yil 24-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3252-5.***

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 24 апрелдаги 8-мҳ-сон “Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш бўйича намунавий услубиётни тасдиқлаш тўғрисида”ги бўйруғи.

***2025 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3620.***